O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 16 maydagi №PQ-158 "O'zbekiston Respublikasi axolisi va hududining seysmik xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida" qarorining 11-bandida "Respublika hududlarida, shu jumladan suv omborlari va yirik tog'-kon sanoati komplekslarida mavjud faol tektonik yer yoriqlarining ko'rsatkichlarini o'rganish, ularning elektron xaritalari va pasportini ishlab chiqish" vazifalari belgilangan. Tadqiqot ishi ushbu qarorning ijrosini ta'minlash yuzasidan olib borilgan.

Ma'lumki, Toshkentoldi hududining seysmik faolligi hududda mavjud bo'lgan faol tektonik yer yoriqlari zonalarida kechayotgan jarayonlar bilan uzviy bog'liq. Tadqiqot hududida seysmik jihatdan eng faol yer yoriqlari sarasiga Karjantog', Toshkentoldi fleksura yoriq zonasi va Piskom yer yoriqlari kiradi. Toshkent-Piskom seysmogen zonasi doirasida o'tmishdan to shu kungacha ushbu yer yoriqlarining faolligi natijasida yuzaga kelgan 6 ta kuchli ($M \geq 5.0$) zilzilalar qayd etilgan. Bular: Piskom, 1937 yil, $M=6,5$; Burchmulla, 1959 yil, $M=5,7$; Toshkent, 1966 yil, $M=5,3$; Tovoqsoy, 1977 yil, $M=5,3$; Nazarbek, 1980 yil, $M=5,5$; Toshkent, 2008 yil, $M=4,7$ [6]. Odatda seysmik xavfni hisoblashda seysmik ta'sirlar seysmogen zonadan hisoblanadi. Vaholanki, seysmogen zonani ajratishda geologik asos sifatida yuqorida qayd etilgan yer yoriqlari qabul qilingan bo'lsada, zonaning kengligi sodir bo'lgan kuchli zilzilalarning o'lchamiga qarab o'tkazilgan va ularning kengligi 13-17 km, ayrim hollarda 20-25 km gacha o'zgarib boradi. Bu hol seysmik ta'sirni hisoblashda ta'sir qiymatini oshirib baholashga olib kelgan bo'lishi mumkin. Su o'rinda seysmogen zonaga asos bo'lgan yer yoriqlarini joylashuvini aniq baholash alohida ahamiyat kasb etadi. Yer yoriqlarini makondagi joylashuvini aniqlashda dala geologik izlanishlar, geodezik va kosmik suratlarni tahlil qilish usullaridan tashqari instrumetal geofizik usullardan foydalash yaxshi natijalar olishga imkon beradi.



1-rasm. Toshkent viloyati hududidan o'tgan faol tektonik yer yoriqlarining ko'chirma xaritasi

1 - G'arbiy Tiyan-Shon hududi faol tektonik yer yoriqlari xaritasidan ko'chirma [Sadikov va bosh., 2021], 2 - Yevrosiyo faol yer yoriqlari bazasidan ko'chirma [Bachmanov va bosh., 2017].

MDX miqyosida tektonik yer yoriqlari ko'plab olimlar tomonidan o'rgangan, jumladan, Rossiya Fanlar akademiyasining Geosfera dinamikasi instituti professori A.A.Spivak tektonik yer yoriqlari ta'sirida bo'lgan zonalarida geofizik maydonlarni instrumental kuzatish natijalari orqali tahlil qilgan. Bunga ko'ra yer yorig'i zonalarida yer qobig'i bloklarining o'rta qismlariga nisbatan geofizik maydonlarning o'zgarishi sezilarli darajada yuqori bo'lganligini tavsiflagan. Ko'p hollarda yer yoriqlari zonalarida turli tabiatdagi geofizik maydonlar o'rtasida energiya almashinuvi kuzatilgan.


Rossiya Fanlar akademiyasining Ural filiali Komi ilmiy markazi Geologiya instituti yetakchi ilmiy xodimi V.V.Udoratin Vichegod botiqligida olib borgan batafsil magnit-qidiruv ishlarini tahlil qilib, G'arbiy Timan yer yorig'ini magnit maydonning maksimal va minimal qiymatli izochiziqlari orqali aniq zona sifatida ajratish murakkabligini, ayrim hollarda uni faqat asos va o'ta asosli tog' jinslari tarqalgan hududlar bo'ylab kuzatish mumkinligini ta'kidlagan.

Tadqiqot metodikasi. Toshkent viloyati hududidan o'tgan Shimoliy Angren yer yorig'ining makondagi joylashuvi va yo'nalishini aniqlash maqsadida yer yorig'i zonasini perpendikulyar yo'nalishda kesib o'tadigan to'rtta profil bo'yicha magnitometrik va radiometrik kuzatuvlar o'tkazildi. Kuzatuv ishlari yuqori aniqlikdagi GEM GSM-19T protonli magnitometrlar va SRP-6801 radiometrlari yordamida o'tkazildi(1).

Birinchi - I-I profil (Bo'ka profili) bo'yicha 82 ta punktda hamda ikkinchi - II-II profil (Yangi turmush) bo'yicha 137 ta punktda, III-III profil (Pskent) bo'yicha 256 ta punktda va IV-IV profil (Oxangaron) bo'yicha 89 ta punktda, umumiy hisobda 4 ta profilda 29 km masofada o'lchov ishlari olib borildi. Punktlar orasidagi masofa 50 metrni tashkil qiladi. Ma'lumki, magnitometrik tadqiqotlarda geomagnit maydoninig anomal variatsiyalarini aniqlash uchun statsionar stansiyalarda o'lchangan geomagnit maydon qiymatlaridan dalada kuzatilgan geomagnit maydonning bir vaqtdagi qiymatlari ayriladi hamda geomagnit maydonining lokal anomal variatsiyalari aniqlanadi. O'tkazilgan magnitometrik o'lchov natijalari asosida xar 4 ta profil bo'yicha o'zgarishlarni aks ettiruvchi grafiklar tuziladi.


Radiometrik o'lchovlar har bir punktda uch martadan o'lchov o'tkazish natijasida amalga oshirilgan, bunda yakuniy qiyat o'lchangan qiymatlarni o'rtachalashtirish orqali olingan. Olingan

natijalar asosida radiometrik maydonning anomal o'zgarishlarining grafiklari tuzilib yer yoriqlari zonalari bilan qo'shma tahlil qilingan.



2-rasm. I-I, II-II, III-III va IV-IV profillar orqali kesib o'tilgan Shimoliy Angren yer yorig'i zonasining sxematik xaritasi

Tadqiqot natijalari. Har bir punktda o'lchangan magnitometrik va radiometrik ma'lumotlar GNSS ma'lumotlari bilan birgalikda umumlashtirib, exsel dasturida ma'lumotlar bazasi yaratildi. Yaratilgan ma'lumotlar bazasi asosida o'lchov ma'lumotlari uzoqlik va kenglik koordinatalari bo'yicha ArcGIS dasturiga joylandi. Aniqlangan geomagnit va radiometrik maydon variatsiyalari ArcGIS dasturi yordamida mavjud yer yoriqlari bilan taqqoslash orqali yer yoriqlarini geofizik maydonlarda namoyon bo'lishi kuzatildi.



3-rasm. Piskent profilning grafigi

Yuqorida keltirilgan 3-rasmdagi grafiklar Piskent profili bo'yicha tuzilgan. Ko'k rangli chiziq bilan V.G.Trifonov va boshqalar tomonidan ajratilgan Toshkent viloyati er yorig'ining xaritada mavjud o'rni keltirilgan. V.G.Trifonov va boshqalarning instrumental tadqiqot natijalariga ko'ra er yoriqlar 9847 metrdan 9897 (50 m) metrgacha.

Binafsha rang bilan esa instrumental o'lchovlarda geofizik maydonlarda namoyon bo'lgan er yorig'i bilan bog'liq anomal variatsiyalar keltirilgan. Grafikdan ko'rish mumkinki binafsha rang bilan ajratilgan zona faol er yorig'ining chegaralari bo'lib, anomal geomagnit va radioaktiv maydonlarda yaqqol ajralib turibdi, Olib borilgan dala tadqiqot kuzatuvlari Arcgis programmasi yordamida kordinata sistemasi asosi(GPS ma'lumotlari)da kuzativ maydoninig geomorfologik jixatlari ham solishtirildi, Kuzatuv maydoninig tarixiy o'rganilganligini ham inobatga olgan holda yer yorig'ining joylashuviga aniqlik kiritildi

Kuzatuv natijalariga ko'ra o'lchangan geofizik maydonlarda faol er yorig'ining namoyon bo'lishi radioaktiv maydonda 10562-10936 metr oraliqda, geomagnit maydonda 10608 metrdan 10985 metrgacha bo'lgan oraliqqa to'g'ri keldi.

Olingan bu natija kuzatilayotgan fizik maydonlarda er yorig'ining dinamik ta'sir zonasi nomoyon bo'lganligini va uning kengligi o'rtacha 374-377 metrni tashkil etishini ko'rsatdi. Grafikdan ko'rish mumkinki binafsha rang bilan ajratilgan zona faol er yorig'ining chegaralari bo'lib, anomal geomagnit va radioaktiv maydonlarda yaqqol ajralib turibdi, radiometrik ulchovlarda 5-6 mkr/soat va magnitometrik ulchovlarda 70-80 nanoteslagacha anomalya kuzatildi. Kuzatilgan anomal o'zgarishlar nuqtalari solishtirilganda, kuzatuv nuqtalari sinxron tarzda ko'tarilish va tishish yo'nalishlarida o'zgargan, Olib borilgan dala tadqiqot kuzatuvlari Arcgis programmasi yordamida kordinata sistemasi asosi(GPS ma'lumotlari)da tahlil qi lindi va kuzativ maydoninig geomorfologik jixatlari ham solishtirildi. Kuzatuv maydonining tarixiy o'rganilganligini ham inobatga olgan holda yer yorig'ining joylashuviga aniqlik kiritildi.

Xulosa. Tadqiqot hududida olib borilgan instrumental magnitometrik va radiometrik kuzatuv natijalariga asosan Shimoliy Angren yer yorig'ining chegarasi geomagnit va radioaktiv maydonlarda anomal variatsiya shaklida yaqqol aks etganligi kuzatildi.

Olingan natijalar asosida Shimoliy Angren yer yorig'ining makondagi joylashuviga aniqliklar kiritildi. O'tkazilgan geofizik tadqiqotlar: instrumental geofizik usullar yordamida tektonik yer yoriqlarini tadqiq etish, ularni faolligini baholash, fizik maydonlarda namoyon bo'lishini kuzatish, hududlarning zamonaviy tektonik holatini monitoring qilib borish mumkinligini ko'rsatdi

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Юсупов В.Р., Шукуров З.Ф., Ядигаров Э.М. Каржантоғ чуқур ер ёриғи сейсмик фаоллигини геологик-геофизик усуллар мажмуаси билан баҳолаш // Горный вестник Узбекистана”. - 2016. - № 4. - С. 64-67.
2. Якубов Д.Х., Ахмеджанов М.А., Борисов О.М. Региональные разломы Срединного и Южного Тянь-Шаня. Ташкент: Фан, 1976. - 148 с.
3. Ибрагимов Р.Н. Сейсмогенные зоны Среднего Тянь-Шаня. Ташкент: Фан, 1978. - 144 с.
4. Бачманов Д.М., Кожурин А.И., Трифонов В.Г. База данных активных разломов Евразии // Геодинамика и текто-нофизика. 2017. Т. 8. № 4. С. 711-736.
5. Садыков Ю.М., Нурматов У.А. Сейсмотектоника Западного Тянь-Шаня // Проблемы сейсмологии. 2021. №2. С. 61-72.
6. Нурматов У.А., Шукуров З.Ф., Юсупов В.Р., Исроилов Х.Б. Кулжуктов ҳудуди ер ёриқларининг жойлашувини мажмуавий геофизик усуллар орқали аниқлаш / “Ер ҳақидаги фанларнинг долзарб муаммолари” Республика илмий анжумани материаллари. - Тошкент: ЎзМУ, 2024. 87-89 б.

GNSS O'LCHOV MA'LUMOTLARINI QAYTA ISHLASHDA IONOSFERA VA TROPOSFERANING TA'SIRI

Abdurakhmonov B.G¹., Kuchkarov K.I¹., Alimuxamedov I.M.²

¹FVV Seysmoprognoztik monitoring Respublika markazi, Toshkent shahri

²O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

E-mail: rasm@fvv.uz, tel.: (+99871) 231-96-80

Dolzarbliqi. Hozirgi vaqtda GNSS (Global Navigation Satellite System) texnologiyasidan turli sohalarda keng qo'llanilmoqda. Ma'lumki, xalqaro miqyosda seymik monitoring sohasida, yer qobig'ining tektonik harakatlarini o'rganishda ushbu usul alohida o'rin tutadi. Ushbu harakatlar sekin kechuvchi va ko'p hollarda kichik masofada bo'lgani sababli bu boradagi tadqiqotlar millimetr darajadagi aniqlikni talab qiladi. Lekin, GNSS qurilmalariga sun'iy yo'ldoshlardan kelayotgan signallarning aniqligi bir qancha omillar ta'sirida buziladi. Bu esa o'lchovlar sifatiga bevosita o'z ta'sirini ko'rsatadi. Bu omillarni o'rganish, tahlil qilish GNSS kuzatuvlari orqali olib borilayotgan tadqiqotlarning aniqligi uchun muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi. Ushbu maqolaning maqsadi GNSS signal aniqligiga atmosfera ta'siri, xususan ionosfera va troposfera omillari ta'sirini chuqur o'rganish, ularning seysmik monitoring va yer qobig'i harakatlarini o'rganishdagi ta'sirini tahlil qilish hamda xatolarni minimallashtirish imkoniyatlarini ko'rib chiqishdan iboratdir. GNSS tadqiqotlarida o'lchovlar sifatini baholash, ularga ta'sir etuvchi omillarni o'rganish xatoliklarni kamaytirib, ish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Usul va uslublar. Ionosfera, 50-1000 km balandlikda joylashgan atmosfera qatlami bo'lib, quyosh radiatsiyasi ta'sirida ionlashgan zarralar ya'ni elektronlar va ionlarga ega. GNSS signallari ionosfera qatlamidan o'tayotganda, erkin elektronlar signalning tarqalish tezligini o'zgartiradi, bu esa kechikishni, dispersiyani hosil qiladi. Bu kechikish signal chastotasiga ham bog'liq bo'lib, GPSning L1 (1575.42 MHz) chastotasi L2 (1227.60 MHz) ga nisbatan kamroq kechikadi. Buni quyidagi formula orqali ham izohlash mumkin:


$$\Delta t = \frac{40,3}{C \cdot f^2} \cdot \text{TEC}$$

Δt -signal kechikishi
C-yorug'lik tezligi
f-signal chastotasi (Hz)
TEC-total Electr on Content (ionosferadagi elektron zichligi)
40,3-ionosferik kechikish formulasida ishlatiladigan doimiy koeffitsient.

Formulada, kechikish - Δt chastotaning kvadratiga - f^2 teskari proportsional, ya'ni chastota qanchalik yuqori bo'lsa, kechikish shuncha kam bo'ladi.

Ionosfera ta'siri quyosh faolligi, kun vaqti va geografik joylashuvga (masalan, ekvator yaqinida kuchliroq) bog'liq. Bu xatolar yuqori aniqlik talab qiladigan yer qobig'i harakatlarini o'rganishda yaxshigina muammo bo'lib, millimetr darajasidagi aniqlikni pasaytiradi. Troposfera esa yer yuzasidan 10-15 km balandlikgacha bo'lgan qatlam bo'lib, ob-havo sharoitlari, namlik, harorat, bosim tufayli GNSS signallariga ta'sir qiladi. Signal kechikishi ikkiga bo'linadi: quruq kechikish - quruq gazlar tufayli va nam kechikish - suv bug'i tufayli. Quruq kechikish barqaror bo'lib, modellar yordamida tuzatiladi, lekin nam kechikish mahalliy ob-havoga qarab o'zgaruvchan hisoblanadi.

Quyida TVQS (Tovoqsoy) GNSS stansiyasining LC-Phase Residual xatolarining elevation (balandlik) burchaklariga bog'liqligini tahlil qilamiz. TVQS stansiyasidan 31.03.2025 sanasida yuklab olingan fayl (24 soat davomida, 30 s interval bilan o'lchangan) GAMIT&GLOBK dasturida qayta ishlandi (1-rasm).



1-rasm. TVQS GNSS stansiyasidagi LC-Phase Residual xatolarining elevation burchaklariga bog‘liqligi grafigi, GAMIT&GLOBK

Rasmning yuqori qismidagi diagrammalar elevation burchaklariga ko‘ra (0° dan 90° gacha), 10° lik diapazonlarda 9 ta diagrammaga ajratilgan va LC-Phase Residual (faza qoldiqlari) xatolarining taqsimlanishi ko‘rsatilgan. Har bir diapazon uchun gorizontaal yo‘nalish bo‘ylab RMS (Root Mean Square) xatosi millimetrdan berilgan. Vertikal yo‘nalish bo‘ylab esa o‘lchovlar soni keltirilgan. Pastki qism, vertikal yo‘nalishda LC-Phase Residual (mm) va gorizontaal yo‘nalishda elevation burchaklari (0° dan 90° gacha) o‘rtasidagi bog‘liqlikni aks ettiradi.

Natijalar. Grafikdan ko‘rinib turibdiki, atmosfera ta’siri past elevation burchaklarida (10° - 20° va 20° - 30°) sezilarli darajada yuqori bo‘ladi, chunki bu burchaklarda signal ionosfera va troposferadan uzunroq yo‘lni bosib o‘tadi. 10° - 20° diapazonida RMS 25 mm bo‘lib, bu eng yuqori xatolikdir. Ionosfera GNSS signallariga eng katta ta’sir ko‘rsatuvchi atmosfera qatlami hisoblanadi. Ionosferadagi erkin elektronlar signalning chastotasiga bog‘liq ravishda kechikish (dispersiya) hosil qiladi, bu esa faza qoldiqlari xatolarini oshiradi. Yuqori elevation burchaklarida (70° - 90°) ionosferaning ta’siri kamayadi, chunki signal qisqaroq yo‘lni bosadi, natijada RMS 7-10 mm gacha pasayadi. Umumiy RMS 4.4 mm bo‘lib ushbu xatolik qayta ishlashning birinchi bosqichiga ko‘ra bir kun uchun, joyning koordinatasida mumkin bo‘lgan o‘rtacha xatolik va bu sifatli ma’lumot hisoblanadi.

GNSS stansiyasi ma’lumotlarini qayta ishlashda, xatoliklarni kamaytirish darajasi tanlangan dasturiy ta’minotga, dasturda qo‘llanilayotgan uslub va modellarga ham bog‘liq. Tovoqsoy stansiyasi uchun hisoblangan kunlik RMS=4.4 mm xatolik GAMIT&GLOBK dasturida uzoq davrli kuzatuv ma’lumotlarini qayta ishlash to‘liq yakunlanganda (oylik, yillik vaqtli qator

grafiklari yaratilganda, joyning yillik oʻrtacha tezligi hisoblanganda) ushbu xatolik bir necha barobargacha kamayadi. GAMIT/GLOBK ionosfera va troposfera taʼsirini ikki chastotali kombinatsiya va modellar (masalan, VMF1), gradientlar yordamida tuzatadi. Double-Difference, Kalman filtrlash va tashqi maʼlumotlar qoʻshilishi xatolarni yaxshigina kamaytiradi, bu esa yer qobigʻi harakatlarini oʻrganishda muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Xulosa. TVQS stansiyasida Septentrio PolarX5 qurilmasi oʻrnatilgan boʻlib, ushbu qurilma GPS, GLONASS, Galileo, BeiDou, QZSS, SBAS va NAVIC tizimlaridan signallarni qabul qiladi. Turli tizimlardan foydalanish usuli yoʻldoshlar sonini oshiradi va geometrik aniqlikni (PDOP – Position Dilution of Precision) yaxshilaydi. Shuningdek, yuqoridagi tizimlar orqali koʻp sonli sunʼiy yoʻldoshlarining turli chastotalari atmosfera taʼsirlarini kamaytirishda, ionosferik kechikishni hisoblashda muhim hisoblanadi. GNSS kuzatuvlarida qabul qiluvchi qurilmaning koʻproq tizimlarni qoʻllab quvvatlashi va kengroq diapazondagi chastotalardan foydalanishi signal xatoliklarini kamaytirishga va bu orqali oʻlchov sifatini yaxshilashga xizmat qiladi.

Adabiyotlar roʻyxati:

1. T. A. Herring, R. W. King, M. A. Floyd, S. C. McClusky, GAMIT Reference Manual GPS Analysis at MIT, Release 10.6, 2015.
2. T. A. Herring, R. W. King, M. A. Floyd, S. C. McClusky, GLOBK Global Kalman filter VLBI and GPS analysis program, Release 10.6, 2015.
3. <https://glonass-iac.ru/iono/>.

STUDY OF THE EARTHQUAKE SOURCE MECHANISM USING CMT METHOD

Yakubov A.M, Yakubova N.M, Karimova N.X.

National university of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: ahmadyakubov1710@gmail.com , tel: (88) 007-12-79

Relevance: Accurate analysis of earthquake sources parameters is critical for improving seismic hazard assessments and disaster preparedness. The polarity method currently used in Uzbekistan, although valuable, has limitations in complex fault environments. The Centroid Moment Tensor (CMT) method, globally recognized for its accuracy, offers an advanced tool for more detailed and reliable focal mechanism analysis.

Objective: The goal of the study is to investigate the focal mechanisms of earthquakes in the Pre-Tashkent region using the CMT method, compare the results with traditional polarity-based solutions [2–5], and evaluate its effectiveness for seismic analysis in Uzbekistan.

Methods and Tools: The Centroid Moment Tensor (CMT) method is a modern technique used to determine the focal mechanism and source parameters of the earthquakes. Unlike to the traditional polarity methods, the CMT method analyzes the full seismic waveform data recorded by several stations. It calculates the moment tensor, which represents the type of fault movement (normal, reverse, strike-slip) and the orientation of the fault plane.

The "centroid" refers to the point inside the Earth where the total seismic energy release is centered, which may differ from the earthquake hypocenter. The CMT method [1] provides information about the fault type, slip direction, and the depth of energy release.

In this method, solutions are more accurate and detailed because they use waveform inversion rather than relying only on first-motion polarities. This method is widely used by global organizations such as GCMT, USGS, and ISC, and is highly effective even in the regions with complex tectonics, like the Pre-Tashkent area.

The CMT method employs waveform inversion programs such as Foci 3.9.3 (Artemis) [4]. We have performed the comparative analysis using data from the Harvard CMT catalog [3], RCSFM [5] first motion polarity solutions, and compared them with our results.

Results:

- CMT analysis of the earthquakes occurred on November 23, 2023 in Tajikistan [5] and March 12, 2025 in Tashkent region are confirmed consistently with Harvard [2] and RCSFM [5] solutions (Fig. 1).
- The focal mechanism of the March 12 earthquake [5] revealed predominantly reverse faulting, confirming the tectonic compression regime in the Pre-Tashkent region (Fig. 2).




Fig. 1 Comparison of results obtained from three methods:




Fig. 2: The focal mechanism solution of the March 12, 2025, earthquake using the Foci 3.9.3 (Artemis) program.

Conclusions: The study has confirmed the effectiveness and practical advantages of the CMT method for the focal mechanism analysis in Uzbekistan.

Its practical application provides more reliable data for seismic hazard assessments and can significantly improve the standards of seismological research in the country.

The CMT method proved reliable even with limited station coverage, outperforming first motion polarity based methods in both accuracy and completeness.

References.

1. International Seismological Centre (ISC). (2012). *NMSOP-2: New Manual of Seismological Observatory Practice*. GFZ German Research Centre for Geosciences.
2. Global Centroid Moment Tensor (GCMT) Project. <https://www.globalcmt.org>
3. Harvard CMT Catalog. <https://www.globalcmt.org/CMTsearch.html>
4. Foci Software. (n.d.). <https://www.induced.pl/software/foci>
5. RCSFM - Republican Center of seismic forecasting monitoring. <http://smrm.uz>

II-BO‘LIM

SEYSMIK JADALLIKNI BAHOLASHDA GRUNT SHAROITINING O‘RNI

АСОСИ ЧЎКУВЧАН ГРУНТЛАРДАН ИБОРАТ БИНО ПОЙДЕВОРИНИНГ СЕЙСМИК КУЧЛАР ТАЪСИРИДА ГОРИЗОНТАЛ ВА ОҒМА ТЕБРАНИШЛАРИ

Мардонов Б.М.¹ Ахмадалиев А.Х.² Ядигаров Э.М.³ Бозоров Ж.Ш.³

¹ ЎзРФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент шаҳри

² Фарғона Давлат техника университети

³ ЎзРФА Ғ.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти, Тошкент шаҳри

e-mail: abdulxafizahmadaliyev19@gmail.com , тел: +99890 4085359

Замонавий урбанизация жараёнларида аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда инфратузилма объектларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шаҳарсозликнинг жадаллашуви, мавжуд ҳудудлардан максимал фойдаланиш эҳтиёжи, кўп қаватли биноларнинг қурилиш суръатларини оширишни тақозо этмоқда. Бироқ ушбу қурилишлар кўплаб ҳолатларда мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитларда олиб борилмоқда. Айниқса, лёссимон, ёки сувга тўйин увчан грунтлар жойлашган ҳудудларда барпо этилаётган бинолар ва иншоотлар пойдеворларининг ишончилиги, уларнинг асос грунтлари билан ўзаро таъсир механизми ва бунинг натижасида юзага келадиган деформацион ҳолатлар долзарб муаммолардан бирига айланмоқда [1-18].

Биноларнинг нотекис чўкиш ва қийшайиши муаммоси халқаро миқёсда кенг кўламда ўрганилган бўлсада, айти жараёнларнинг табиати, ривожланиш динамикаси ва хавфли чегаралари ҳар бир муайян лойиҳа учун алоҳида таҳлилни талаб қилади. Масалан, Канададаги Транскон элеваторининг 1913-йилда чўкиши, Россиянинг Мурманск вилоятидаги темир йўл кўприги кулаш ҳолати, Қозоғистоннинг “Бесоба” турар-жой биносининг бутунлай кулаб тушиши ёки Тошкентнинг Наққошлик кўчасида қурилган торт қаватлик турар-жой биносининг фойдаланишга топширилгандан сўнг кўп ўтмай бинода сезиларли даражада чўкишлар кузатилиб бинонинг конструктив элементлари ва деворларда ёриқлар пайдо бола бошлади ёриқларнинг ўлчамлари бир икки см га етиб борди бунинг натижасида қурилган бино фойдаланишга яроқсиз болиб қолди-барчаси геологик изланишлардаги камчиликлар, асос грунтларнинг нотўғри баҳоланиши ва нотўғри лойиҳалаштирилган пойдевор тизимлари натижаси сифатида юз берган. Бу каби мисоллар нафақат техник сабоқлар беради, балки инсон ҳаёти ва мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш йўлида қандай чоралар зарурлигини кўрсатади [21-25].

Тизимнинг бирор компонентида юзага келадиган номутаносиблик бутун иншоотнинг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, пойдеворларнинг нотекис чўкиши натижасида ҳосил бўладиган қийшайишлар-конструктив элементлар ўртасидаги боғланишларнинг бузилиши, деформацияларнинг қайта тақсимланиши, кучланишларнинг ортиши, ёриқлар ва ҳатто тўлиқ кулашлар билан яқунланади [23].

Муҳандислик-геологик шароитлар, айтиқса, лёссимон, кам зичликдаги аллювиал ётқиқиқлар, ёки кўчишга мойил қатламларнинг мавжудлиги иншоот пойдеворларининг лойиҳалаш босқичида чуқур таҳлилни талаб қилади. Чунки бундай грунтларнинг физик-механик хоссалари ўзгарувчан бўлиб, улар ташқи юкламаларга сезгир жавоб қайтаради. Шу сабабли, геотехник изланишлар, мустаҳкамлаш технологиялари, мониторинг тизимлари ва созланувчи пойдевор тизимлари ҳозирги қурилиш муҳитида муҳим рол ўйнайди [23-24].

Биноларнинг нотекис чўкиши қўйидаги асосий омиллар билан изоҳланади:

- грунт зичлигининг чуқурлик бўйлаб нотекис тақсимланиши;
- ер ости сувларининг сатҳи ва уларнинг динамик ҳаракати;
- асос грунтларида юмшоқ қатламлар мавжудлиги;

• қурилиш технологияларининг бузилиши, айниқса, асоснинг зичлашиши ҳисобга олинмаганда;

- бинонинг турли қисмларида пайдо бўладиган юкламаларнинг фарқланиши;
- динамик юклар (транспорт, вибрациялар, зилзилалар) таъсири.

Чўқувчан грунтларда барпо этиладиган биноларни қуриш ва фойдаланиш даврида уларда сезиларли нотекис деформациялар юзага келиши сабабли пойдевор лойиҳалашни мураккаблаштиради, бу эса бинонинг авария ҳолатига ёки яроқлилигини йўқотишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун чўқувчан грунтларда бино ва иншоотларни барпо этишда грунтнинг чўқувчанлиги бинога салбий таъсир қилиш оқибатларини олдини олиш ёки бартараф этишга ҳамда тузилмаларнинг шикастланишининг олдини олиш ва ушбу шароитларда бинолар ва иншоотларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун ҳар хил чоралар қўлланилади [12-19].

Чўқувчан грунтларда бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш назариясини такомиллаштиришнинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

– энг интенсив қурилиш жойларида чўқувчан грунтларнинг кенг тарқалиши;

– чўқиш деформацияларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш харажатларининг муқаррар равишда ошиши;

– Баъзан чўқиш деформацияларини етарли даражада тўлиқ ҳисобга олмаган ҳолда бинолар ва иншоотларнинг конструкцияларида йўл қўйиб бўлмайдиган деформациялар ва шикастланишлар юзага келади. Пойдеворлардан тушадиган юк таъсирида унинг асосида сиқилиш деформацияси номаён бўлиб, иншоотни чўқишга олиб келади. Қуриладиган бино ва иншоотлар ҳам унинг ўқлари бўйича тушадиган юклар ҳар хил бўлганлиги сабабли пойдевор қурилмаларининг ўлчамлари ва у орқали заминга узатиладиган юк ҳар хил, шу сабабли улар таъсиридаги чўқишни абсолют қиймати ҳам ҳар хилдир. Бу ҳолат бино ва иншоотлар замини нотекис чўқишга сабаб бўлиб, асосий юк кўтарувчи қурилмаларнинг қўшимча деформацияланишга ва уларни бузилишига сабаб бўлади. Лекин қурилиш практикасида қуриладиган бино иншоотларнинг ишлаш жараёнидаги талабларига кўра, қўшимча ва нотекис деформацияланиши мумкин эмас [20-22].

Бинонинг пойдеворга нисбатан энг катта кўчиши бинони сейсмик изоляциясини таъминлашдаги асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бу йўналишда амалга ошириладиган тадқиқотларда асосий эътибор пойдевор атрофидаги грунтлар хоссагини ўрганишга қаратилган. Бу грунтлар одатда дисперсион хоссага эга бўлиб, динамик куч таъсирида механик характеристикасини ўзгартиради. Грунт бу кучлар таъсирида зичлигини ошириши (виброкомпрессия ҳолати) муддатли вибрация (титраш) таъсирида қайтмас силжиш ва ҳажмий деформацияни ҳолатлари юзага келади [23-25].

Бундай қурилмаларнинг кўрсаткичларини грунт хоссалари билан боғлаш орқали ҳимояланаётган бино ва иншоотнинг динамик кўрсаткичларини ўзгартириш имкони яратилади. Актив сейсмик ҳимоя қурилмаларини бино ва иншоотларда қўллаш уларнинг сейсмик таъсирларга қаршилигини сезиларли даражага оширади. Бинонинг чуқурчанлагини унинг оғиш бурчагига боғлиқ бўлиб, сейсмик куч зарбавий ҳолатда бўлса, бино пойдеворнинг оғиш бурчаги билан бурувчи куч орасидаги боғланиши юкланиш ва юксизланиш давларида бир биридан кескин фарқ қилали. Бино пойдеворининг сейсмик кучлар таъсирида горизонтал ва оғма тебранишлари таҳлил этилган бўлиб бундай тебранишлар қуйидаги тенгламалар ёрдамида изоҳланади.


$$M\ddot{x} = F_x(x_0 - x - h_0\varphi) - \mu_x(\dot{x} - h_0\dot{\varphi})F_n, \quad (1)$$

$$J_y\ddot{\varphi} = Gh_0\varphi - F_\varphi(\varphi) + F_xh_0(x_0 - x - h_0\varphi) - \mu_\varphi J_n\dot{\varphi} + \mu_x(\dot{x} - h_0\dot{\varphi})h_0F_n = A_0\sin(\omega t) \quad (2)$$


$$F_\varphi(z) = c_\varphi z \quad \text{при} \quad z \leq z_{\varphi s}, F_\varphi(z) = c_\varphi(z_{\varphi s} + \gamma(z - z_{\varphi p})) \quad \text{агар} \quad z \geq z_{\varphi s} \quad \dot{z} > 0 \\ c_\varphi[z_{\varphi s} + \gamma(z_{\varphi p} - z_{\varphi s}) - z + z_{\varphi p}] \quad \text{агар} \quad \dot{z} < 0 \quad (3)$$

(1) тенглама ёрдамида пойдеворнинг силжишдаги соф характани аниёлаш мумкин. (2) ва (3) лар эса пойдеворнинг оғиш жараёнин белгиловчи тенглама бўлиб, унинг оғиш бурчаги билан

бураш моменти орасида боғланиш иккита тўғри чизик орқали фойдаланади. 1 ва 2 расмларда оғиш бурчаги φ (радиан) ва горизонтал кўчишининг $z_{x\varphi} = \varphi_{кр}$ иккита қийматида вақт бўйича ўзгариш графиклари келтирилган. Ҳисобларда қўйидаги қийматлар қабул қилинган $M = M_i = 392100 \text{ кг}$ ($i = 1.5$), $h = 2 \text{ м}$, $a = b = 2.83 \text{ м}$, $c_x = \frac{3 \cdot 10^6 \text{ Н}}{\text{м}^3}$, $c_\varphi = \frac{2 \cdot 10^6 \text{ Н}}{\text{м}^3}$, $c_{ix} = \frac{8 \cdot 10^6 \text{ Н}}{\text{м}^3}$, $\mu_x = 72080 \text{ Нс/м}$, $\mu_\varphi = 91606 \text{ Нс/м}^3$, $k = 10^7 \frac{\text{Н}}{\text{м}}$, $A = 0.005 \text{ м}$, $\omega = 5 \text{ сек}^{-1}$



Расм.1. Пойдевор оғиш бурчагининг унинг чегаравий қийматлари $\varphi_{кр} = 0.0006$ (а) $\varphi_{кр} = 0.0005$ (б) (радиан) бўлганда вақт бўйича ўзгариш графиклари



Расм.2. Пойдеворнинг силжишдаги кўчишининг оғиш бурчагининг чегаравий қийматлари $\varphi_{кр} = 0.0006$ (а) $\varphi_{кр} = 0.0005$ (б) (радиан) бўлганда вақт бўйича ўзгариш графиклари

Хулоса. Замонавий шаҳарсозлик жараёнлари ва инфратузилма ривожланиши билан бирга, аҳоли сонининг ўсиши ва янги бинолар қурилиши талаби ортмоқда. Бироқ, бу қурилишлар кўп ҳолларда мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитларда амалга оширилмоқда. Айниқса, чўкувчан ва нам грунтларда биноларни қуриш пойдеворларнинг ишончлилиги ва иншоотларнинг хавфсизлиги учун катта муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай муаммоларни олдини олиш учун геотехник тадқиқотлар, пойдевор тизимларини мустаҳкамлаш, мониторинг тизимларини жорий этиш ва сейсмик изоляция технологияларидан фойдаланиш зарур. Шунингдек, чўкувчан грунтларда пойдеворлар ва структураларни лойиҳалашда, геологик ва гидрогеологик шароитларни чуқур таҳлил қилиш ва қурилиш технологияларини тўғри танлаш муҳимдир. Бундан ташқари, бундай қурилишларда пойдевор ва тузилмалар орасидаги боғланишлар ва деформацияларни камайтириш, барқарорликни ошириш учун махсус техник ёндашувлар ва мустаҳкамлаш усуллари қўлланилиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абелев М.Ю. Анализ аварий сооружений из-за потери устойчивости и деформации фундаментов // Основания, фундаменты и механика грунтов. – 1992. – №1. – С. 24-2
2. Гарагаш Б.А. Надежность пространственных регулируемых систем «сооружение-основание» при неравномерных деформациях основания. – М., 2004. – 56 с. 26.
3. Горбунов – Посадов М. И., Ильичев В.А. Основания, фундаменты и подземные сооружения. – М.: Стройиздат, 1985. – 480 с.

4. Гендель Э.М. О предотвращении и устранении осадок зданий и сооружений, возведенных на грунтах второго типа по // Основания, фундаменты и механика грунтов. – 1986. – №6. – С.
5. Зарецкий, Ю.К. Расчеты сооружений и оснований по предельным состояниям//Основание и фундаменты. Механика грунтов. – М.–2003.–№3.–С. 2-9.
6. Клепиков С.Н. Расчет конструкций на неупругом основании при сложном нагружении / С.Н. Клепиков // Основания, фундаменты и механика грунтов. – 1983. – №5. – С. 15-17.
7. Клепиков С.Н. Методические рекомендации по определению коэффициентов жесткости оснований зданий и сооружений. – Киев: НИИСК, 1977. – 32 с. 61
8. Косаренко, Н.А. Казначевский, Г.Д. Яроцкий.–Строительство и архитектура Узбекистана, 1980. – №12. – С. 9-11.
9. Косицын Б.А. К учету нелинейно деформированных крупнопанельных стен при расчете зданий на неравномерные осадки / Б.А. Косицын // Исследования по теории и методам расчета строительных конструкций. – М.: Стройиздат. – 1979. – С. 75-83. 65.
10. Ломизе Г.М. Исследование закономерностей развития напряженно деформированного состояния песчаного основания при плоской деформации / Г.М.
11. Ломизе, А.Л. Крыжановский, В.Ф. Петрянин // Основания, фундаменты и механика грунтов. – 1972. – №1. – С. 4-7. 69.
12. Медников И.А. Коэффициенты постели линейно – деформируемого многослойного основания /И.А. Медников // Основания фундаменты и механика грунтов. – 1967. – №4. – С. 10-12.
13. Метелюк Н.С. Фундаменты каркасных зданий на деформируемых основаниях / Н.С. Метелюк, А.Б. Коновалова. Промышленное строительство и инженерные сооружения. – 1990. – №1. – С. 26
14. Сорочан Е.А. Крупнопанельное здание гибкой конструкции на просадочных грунтах / Е.А. Сорочан, Д.Л. Шапиро, Н.Н. Сидорова, И.Д. Беспалый – М.: Стройиздат, 1964 – 112 с.
15. Шумовский В.П. Развитие методов выравнивания зданий и сооружений / В.П. Шумовский // Конструкции зданий и сооружений, возведенных в сложных инженерно-геологических условиях. – М. ЦНИИСК, 1984. – С. 86-92.
16. Шашкин А.Г., Шашкин К.Г. Взаимодействие здания и основания// Реконструкция городов и геотехническое строительство. – СПб: Стройиздат. –2002. – №2. – С. 7.
17. Wang Wenjing, Lin Zhao, Yuanzhen Liu, Zhu Li. Mechanical properties and stress-strain relationship in axial compression for concrete with added glazed hollow beads and construction waste // Construction and Building Materials. – 2014. – №71.–P. 425-434.Актуализированная редакция СНиП 2.02.03-85. СП 24.13330.2011.–М.: Министерство регионального развития РФ, 2011. – 112 с.
18. Глушков Г. И. Расчет сооружений, заглубленных в грунт Москва. Стройиздат 1977 285 с.
19. Свод правил по проектированию и строительству. Строительство в сейсмических районах. Актуализированная редакция СНиП Н-7-81*. СП 14.13330.2011. – М.: Министерство регионального развития РФ, 2011. – 167 с.
20. Свод правил по проектированию и строительству. Нагрузки и воздействия. Актуализированная редакция СНиП 2.01.07-85*. СП 20.13330.2011. М.: Министерство регионального развития РФ, 2011.–86 с.
21. bcrash.ru/p=3198
22. Х. З. Расулов, И. О. Одилов Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар. Тошкент-1986.
23. Х. З. Расулов, Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар. Ташкент-1993.
24. З. С. Бузруков, Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар. Ташкент-2009.
25. Я. Д. Гилман Оснавания и фундаменты на лессовых просадочных грунтах. -1991

ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ПЛОТНОСТИ НА СОПРОТИВЛЕНИЕ СДВИГУ И СЖИМАЕМОСТЬ СУГЛИНКОВ МУЙНАКСКОГО РАЙОНА КАРАКАЛПАКСТАНА

Аимбетов К.Ш.

Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук
Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, г.Нукус
e-mail: aimbetovkamalatdiyin@gmail.com

Актуальность. Для улучшения экологической обстановки в южном Приаралье, коллективом САНИИРИ было выработано предложение оградить от моря его южную часть протяженной плотиной, создав, как бы, авандельту на отметке 53 м. с тем, чтобы подпереть дельту восстановить, пусть и в усеченном виде естественный экологический профиль [1]. В рамках этого предложения Консорциум компаний в составе «Евроконсалт» и «Ветландгрупп» (Нидерланды) и сельскохозяйственный центр ЛТД из Ташкента представили исполкому МФСА и Мировому банку отчет по разработанному ими проекту «Восстановление увлажненных земель Аральского моря в Республике Узбекистан. [2-3] В этом проекте предложено создать в южном Приаралье систему озер и вэтиландов. Для повышения устойчивости плотины от воздействия волновых давлений часть плотины была покрыта бетонными блоками (в форме тетраэдра).

Цель исследований. В целях оценки состояния тела плотины Междуреченского водохранилища Муйнакского района в мае 2024 года были обследовано тело северной дамбы Междуреченского водохранилища, которые включали отбор проб грунтов и лабораторное определение физико-механических показателей грунтов тела плотины. Во время полевых исследований был открыт шурф глубиной 1,5 м и в целях установления изменения плотности по глубине через каждые 0,5 м при помощи стандартных колец объемом 50 см³ были отобраны пробы грунтов естественной плотности. Исследования показали, что тело плотины сложена суглинками твердой консистенции.

Метод и методологии. Физико-механические свойства грунтов, слагающих площадку проектируемого строительства, изучались лабораторными. Лабораторные исследования грунтов включили в себя определение, плотности, влажности, пределов пластичности, прочностных и деформационных параметров. Компрессионные испытания и испытания глинистых грунтов на срез выполнялись на образцах природной влажности. Определение сопротивления грунтов срезу выполнялись по схеме быстрого консолидированного среза при уплотняющих нагрузках 0,1-0,2-0,3 МПа. Компрессионные и испытания грунта на срез проведена на приборе Литвинова.

Результаты. В таблице-1 представлены результаты лабораторных исследований физико-механических показателей грунтов естественного сложения, которые были взяты с глубины 1,0м.

Физико-механические показатели суглинков естественной влажности и плотности

Таблица-1

Коэфф ициент порист ости, е	Приро дная влажн ость, W, %	Характерные влажности, %		Чис ло пла стичн ости , %	Показ атель текуч ести, I _L	Угол внутренн его трения в градусах	Удельн ое сцепле ние, КПа	Компрес. модуль деформации, E, МПа на ступени давления 0,1-0,2 МПа
		влажнос ть на пределе текучест и, %	влажнос ть на пределе раскаты вания, %					
1	2	3	4	5	6	7	8	9
0,622	11,8	24,2	19,3	12,6	-0,60	28,81	13,3	7,58

Известно, что прочность и сжимаемость глинистых грунтов зависит от их плотности. В целях оценки влияния плотности суглинка на механические показатели суглинка были проведены лабораторные испытания грунтов на компрессионном и сдвиговом приборах при значениях коэффициента пористости 0,55; 0,65 и 0,75. Для этого были сформированы образцы грунта близкой к оптимальной влажности уплотнения [3-4] которая составляет 20 процентов.

В таблице-2 представлены результаты определений физико-механических показателей грунта различными значениями коэффициента пористости, анализ, которой показывает, что с ростом плотности грунта увеличиваются их механические показатели.

Физико-механические свойства искусственно сформированных грунтов.

Таблица-2

Коэфф ициент порист ости, e	Влажн ость, %	Характерные влажности, %		Чис ло пла стич ности %	Показ атель текуч ести, I _L	Угол внутреннег о трения в градусах, φ	Удель ное сцепл ение, КПа	Компрес. модуль деформации E, МПа на ступени давления 0,1-0,2 МПа
		влажнос ть на пределе текучест и, %	влажнос ть на пределе раскаты вания, %					
1	2	3	4	5	6	7	8	9
0,55	20,0	26,0	18,0	8,0	0,25	26,57	33,30	8,78
0,65	20,0	26,0	18,0	8,0	0,25	24,23	13,30	7,34
0,75	20,0	26,0	18,0	8,0	0,25	21,80	6,70	4,36

На рис. 1 представлены компрессионные кривые для различных значений начального коэффициента пористости, анализ которых показывает, что они аппроксимируются линейными функциями.




Рис. 1 Компрессионная сжимаемость грунтов ($e=0,55$; $e=0,65$; $e=0,75$)

На рисунках 2-4 представлены графики, которые показывают изменение значений модуля деформации, угла внутреннего трения и удельного сцепления в зависимости от коэффициента пористости.




Рис. 2. Зависимость модуля деформации от начального значения коэффициента пористости




Рис. 3. Зависимость значения угла внутреннего трения от начального коэффициента пористости




Рис. 4. Зависимость значения удельного сцепления от начального коэффициента пористости

Анализ графиков, представленных на рисунках 2-4 показывает, что с ростом коэффициента пористости уменьшаются значения модуля деформации, угла внутреннего трения и удельного сцепления, причем все эти зависимости аппроксимируются линейными функциями.

Заключение. Установлены экспериментальные зависимости модуля деформации, угла внутреннего трения и удельного сцепления от коэффициента пористости. Все эти зависимости аппроксимируются линейными функциями. При укреплении и реконструкции тела плотины необходимо уплотнить грунт до коэффициента пористости $e = 0,55$, что позволит увеличить устойчивость плотины.

Список литературы:

1. Духовный В.А., Разаков Р.М., Косназаров К.А., Рузиев И.Б. Журнал «Вестник пустынь» №3 1983.
2. Духовный В.А., Юде Шуттер «Южное Приаралье - новые перспективы». Ташкент 2003, -153 с.
3. Аимбетов И.К., Изимбетов Е.Т., Искендеров Б.К Сапарниязов Б., Бекмуратова П., Аимбетова З. Оценка напряженно-деформированного состояния северной части плотины междуреченского водохранилища. Вестник Каракалпакского отделения АН РУз, №1, 2023 –с.19-22.
4. Справочник проектировщика. Основания, фундаменты и подземные сооружения. Москва, Стройиздат: 1985, 480 с.
5. Гольдин АЛ., Рассказов Л.Н. Проектирование грунтовых плотин. Москва, «Энергоатом». -304 с.

РАЗЖИЖЕНИЯ ДИСПЕРСНЫХ ГРУНТОВ, ВОЗНИКАЮЩИЕ ПРИ ЗЕМЛЕТРЯСЕНИЯХ

Хусомиддинов А.С.¹, Каюмов А.Д.,² Ядигаров Э.М.¹, Рахматов А.Р.,¹ Исроилов Х.Б.¹

¹Институт сейсмологии им. Г.А.Мавлянова АН РУз, Ташкент

²Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова Ташкент

e-mail: ahrorhs1980@gmail.com, abdubakimg@mail.ru

Актуальность. Землетрясение является одним из самых разрушительных стихийных бедствий, которое всегда угрожало жизни и имуществу людей. Наиболее важными последствиями землетрясения являются явления разжижения грунтов. Провалы грунтовых масс при сильных землетрясениях в результате разжижения – один из наиболее опасных вторичных процессов, происходящих в грунтах, сложенных тонкодисперсными фракциями, в таких отложениях как илы, пылеватые пески, суглинки, супеси. Изучение этого процесса необходимо для выделения ареалов его проявления и разработки рекомендаций по уменьшению разрушительных последствий при землетрясениях.

В последнее время для оценки потенциальных опасностей, связанных с провалом грунта или разжижением, можно оценить индекс уязвимости (или значение K_g), который выводится из данных. Среди различных подходов к изучению микросейсмы, для этого исследования, из-за простоты применения был выбран метод спектрального отношения H/V , представленный Накамура [1].

Целью исследования является изучение свойств разжижения дисперсных грунтов при сильных землетрясениях

Методы исследования. Измерение микросейсмы проводилось на 55 точках на севере Узбекистана в городе Ургенче, т.е. в густозаселенном городе с критически важными зданиями и инфраструктурой, который построен на недавних, рыхлых и, следовательно, в целом подверженных разжижению, отложениях реки Шавот. Что касается метода Накамуры, то для всех точек были рассчитаны спектральные отношения H/V , основная частота и коэффициент усиления, а также индекс уязвимости (K_g).

Используя отношение H/V , мы смогли определить преобладающую частоту (F) и амплитуда (A) участка. Накамура [2] также предложил индекс уязвимости «значение K_g » в качестве средства для определения степени разжижения [2-4]. Его можно определить как: $K_g = A^2/F$.

Метод регистрации микросейсмы технологически очень близок к методу регистрации сейсмических событий. Так же рассчитываются приращения сейсмической интенсивности по межстанционным отношениям максимальных амплитуд или по спектральным амплитудным отношениям. Однако время выполнения наблюдений микросейсмы для целей СМР, естественно, существенно меньше, чем в методе регистрации сейсмических событий. И всё же, поскольку имеется разумное требование изучения межстанционных отношений уровней природных микросейсм в разное время суток, продолжительность таких непрерывных наблюдений должна составлять не менее 20 часов.

Сейсмометрические исследования на площадке проводились с использованием цифровых сейсмометров CMG-6TD производства Guralp, Великобритания. Частотная характеристика трехкомпонентного сейсмометра линейная в диапазоне частот 0,03-50 Гц. Разрядность блока оцифровки -24 бита.

Чувствительность сейсмометра:

-Компонента Север-Юг, NS	-1.8437e-8 м/с
-Компонента Восток-Запад, EW	-1.4732e-8 м/с
-Компонента Вертикальная, Z	-1.1285e-8 м/с

Результаты. Город Ургенч расположен на территории Западного Узбекистана. В административном плане город Ургенч является столицей Хорезмской области Республики Узбекистан. По своему структурному положению данная территория относится к Туранской платформе и на современном этапе геологического развития характеризуется относительно слабой сейсмической активностью. За исторический период времени в дальней окрестности города произошло множество ощутимых и сильных сейсмических событий, наиболее известными из которых считаются три платформенных Газлийских землетрясения 1976 и 1984 гг. с магнитудами $M=7.0$, $M=7.2$ и $M=7.3$. Очаги этих землетрясений располагались к востоку от города на расстоянии порядка 300 км. Землетрясение 1925-го года с магнитудой $M=5.2$ произошло к юго-востоку от города на расстоянии порядка 150-200 км.

В соответствии с литологическим строением, генетически-возрастными признаками, физико-механическими свойствами грунтов, гидрогеологическими условиями в пределах грунтовой толщи, вскрытой до глубины 40.0 м, выделено 3 (три) инженерно-геологических элемента (ИГЭ): ИГЭ-1. Лессовидные суглинки; ИГЭ-2. Песок рыхлого сложения; ИГЭ-3. Песок средней плотности сложения.

Первый инженерно-геологический элемент (ИГЭ-1) - суглинки лессовидные, тёмно-коричневого цвета, от твёрдой до тугопластичной консистенции, с маломощными линзами песка. Грунты элемента просадочные при дополнительных нагрузках. Тип грунтовых условий по просадочности – I (первый). Мощность элемента изменяется в диапазоне от 1,1 до 2,2 м.

Второй инженерно-геологический элемент (ИГЭ-2) – Пески размерами фракций от пылеватого до мелкого, серого цвета, маловлажные и влажные, рыхлого сложения, с тонкими прослойками суглинков. Согласно ГОСТ 25100-20 таблица Б.12 грунты ИГЭ-2 оцениваются как рыхлого сложения. Мощность элемента изменяется в диапазоне от 0,5 до 1,5 м.

Третий инженерно-геологический элемент (ИГЭ-3) – пески мелкие, серого цвета, водонасыщенные, средней плотности сложения, реже плотные, с тонкими прослойками суглинков, местами вскрываются линзы и прослойки песчаника. Вскрытая мощность элемента изменяется в диапазоне от 16,9 до 37,4 м. ИГЭ-1, ИГЭ-2 и ИГЭ-3 могут служить основанием проектируемых сооружений.

Для обработки данных использовалась программа Geopsy. Метод оценки приращения сейсмической интенсивности основан на синхронной записи природных шумов на двух и более точках и последующем сравнении амплитудно-спектральной характеристики микросейсмического шума. Для расчетов использован скрипт пакета Матлаб-7, написанный Stephane Hans, ENTPE, Франция. Несколько отрезков записей микросейсмы длительностью по одному часу нарезаются на интервалы по 10 минут, вычисляется для них спектр и производится фильтрация для устранения случайных импульсных помех. Далее, методом взвешивания, строится отношение спектров H/V компонент.

Обработка данных с использованием программы Jsesame позволяет оценить спектральное отношение H/V (горизонтальных и вертикальных колебаний, метод Накамуры). При обработке помехи и шумы техногенного и другого происхождения вырезаются из временного ряда. Программа Geopsy также использовалась для контроля параметров HV .

Используя вышеперечисленные методики и ГИС технологии, была разработана карта разжижения (K_g) города Ургенч (рис. 1).




Рисунок 1. Карта разжижения (Kg) города Ургенч

Заклучение.

Разработана карта степени разжижения в интервалах 5-10, 10-15, 15-20, 20-25, 25-26. Настоящее исследование показывает, что измерения микросейсмы играют значительную роль в оценке разжижения.

Список литературы:

1. Nakamura Y. A method for dynamic characteristics estimation of subsurface using microtremor on the ground surface. Quarterly Report of RTRI, 2019, 30: 25–33
2. Nakamura Y. Real-time information systems for hazard mitigation In: Proceedings of the 10th World Conference in Earthquake Engineering. Spain, Madrid, 1996
3. Huang H C, Tseng Y S. Characteristics of soil liquefaction using H/V of microtremors in Yuan-Lin area, Taiwan. TAO, 2022, 13(3):325–338
4. Uehan F, Nakamura Y. Ground motion characteristics around Kobe City detected by microtremor measurement. In: Proceedings of the 11th World Conference on Earthquake Engineering. Acapulco. Mexico, 2016

РЕЗУЛЬТАТЫ СЕЙМОРАЗВЕДОЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРОВЕДЕННЫХ НА ТЕРРИТОРИИ ГОРОДА ГУЛИСТАНА

Хусомиддинов А.С., Ядигаров Э.М., Бозоров Ж.Ш., Исроилов Х.В

Институт сейсмологии им. Г.А.Мавлянова АН РУз, Ташкент

e-mail: ahrorhs1980@mail.ru

Актуальность. В последнее время в связи с увеличением численности населения на территории нашей республики возрастает и потребность на жильё и масштабного строительства производственно-сервисных и промышленных территорий. Это само по себе приводит к расширению городских территорий. Также, в связи с увеличением населения города Гулистана, граница территории города расширилась в такой же степени по сравнению с предыдущей границей. Сейсморазведочные исследований позволяют уточнить геологические условия в районах строительства, уровень сейсмичности и некоторую другую информацию. Информация, полученная в результате геофизических (сейсморазведочных) исследований, также играет важную роль при построении карт сейсмического микрорайонирования.

Целью исследования является определение V₃₀ с помощью сейсморазведки для города Гулистана.

Метод исследования. Для проведения сейсмического микрорайонирования города Гулистана были детально проанализирована карта инженерные геологическое районирования. На основании этой карты проведены сейсмологические исследования в 34 точках на участке. На исследуемом площадке были выполнены сейсморазведочные работы по методу MASW [1-5].

Сейсморазведка, благодаря большой глубинности и высокой детальности исследований является ведущим методом геофизических исследований земной коры.

В инженерно-геологических и гидрогеологических изысканиях в настоящее время получил развитие методами MASW, позволяющий при обработке наблюдений, повысить надежность прослеживания сейсмических горизонтов.

Целью проектируемых работ являлось определение Vs-скоростей поперечных сейсмических волн в верхних толщах грунтов.

Данные, полученные в результате полевых исследований сейсморазведки, были проанализированы с помощью специальных программ. Скорость прохождения сейсмических волн через каждый слой на глубине до 30 метров определена для 34 точек для города Гулистана. Получена средняя скорость сейсмической волны (Таблица 1). Формула расчета V_{s30} (1).

$$V_{s30} = \frac{30}{\sum_{i=1}^N \frac{h_i}{V_{si}}} \quad (1)$$

Таблица 1.


№ точки	Vs30, м/с	№ точки	Vs30, м/с
1	288,4	18	296,6
2	289,8	19	285,2
3	279,4	20	249,6
4	328,8	21	288,9
5	259,4	22	286,3
6	294,4	23	350,9
7	287,4	24	294,3
8	278,6	25	295,6
9	286,9	26	288,5
10	290,7	27	330,7
11	306,7	28	290,7
12	246,0	29	275,7
13	263,8	30	284,8

QOZIQ POYDEVORLI BINOLAR JOYLASHGAN MAYDONLARDA SEYSMIK TA'SIRNING O'ZGARISHI BAHOLASH USULLARI

**Bozorov J.Sh., Yadigarov E.M., Xusomiddinov A.S., Rahmatov A.R.,
Oripov N.K., Muhammadqulov N.**

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri
j.bozorov1968@gmail.com

Kirish (Dolzarbligi). Grunt-inshoot tizimining o'zaro ta'sirlashuvi bu zilzila va boshqa dinamik yuklanishlar vaqtida poydevor va uning atrofidagi gruntning birgalikdagi xatti-harakatlarini o'rganishga qaratilgan muhim geotexnik va muhandislik konsepsiyasi. "Grunt-inshoot" tizimlar o'rtasidagi energiya almashinuvi va seysmik to'liqlarning tarqalishini tahlil qilinadi, bu esa inshootning zilzila paytidagi barqarorligi va xavfsizligini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. "Grunt-inshoot" tizimi effektini tadqiq qilish va zilzila ta'sirini kamaytirish tufayli bino va inshootning (gidrotexnika, AES, IES, ko'p qavatli binolar, me'moriy yodgorliklar, ijtimoiy obyektlar) ekpluatatsiya qilish davrini sezilarli darajada oshirish va kelajakda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan talofatlarni oldini olishga imkon beradi [1]. "Grunt-inshoot" tizimining o'zaro ta'sirini keng ma'noda ikkita hodisaga bo'lish mumkin (1-rasm): 1) *Kinematik o'zaro ta'sir*; 2) *Inertial o'zaro ta'sir*.



1-rasm. "Grunt-inshoot" tizimi

Zilzila gruntni "erkin maydon harakati" deb ataluvchi siljishiga olib keladi. Biroq, gruntga o'rnatilgan poydevor erkin maydonning harakatiga ergashmaydi. Poydevorning bu erkin maydon harakati bilan mos kelmasligi **kinematik o'zaro ta'sirni** keltirib chiqaradi. Boshqa tomondan, inshootning massasi inersiya kuchini gruntga o'tkazib, gruntning keyingi deformatsiyasiga olib keladi, bu esa **inertial o'zaro ta'sir** deb ataladi [1]. Grunt tebranishlarining past darajasida kinematik ta'sir ko'proq ustunlik qiladi. Ammo, kuchli tebranishlar boshlanishi bilan maydon grunt modulining buzilishi va grunt-inshoot (poydevor) orasidagi bo'shliqni cheklanaydi, hamda inertial o'zaro ta'sir dominant bo'ladi. Bu o'z navbatida to'plangan ortiqcha siljishlar va egilish deformatsiyalarini keltirib chiqaradi va er yuzasi yaqinida qoziq shikastlanishiga olib keladi.

Imiy tadqiqot ishi bo'yicha ma'lumotlar tahlili- H.B. Seedning "Zilzilaning grunt - inshoot tizimlariga ta'siri" maqolasi zilzila ta'sirida grunt-poydevor tizimlarining xatti-harakatini o'rganishga bag'ishlangan bo'lib, seysmik jarayonlar va grunt o'zgarishlari o'rtasidagi bog'liqlikni chuqur tahlil qiladi. Ushbu maqola *Poydevor muhandisligi bo'yicha qo'llanma* masida chop etilgan va unda H.B. Seed gruntning tiksotropik xususiyatlari, grunt qatlamlari orasidagi harakat, hamda poydevorlar va inshootlar orasidagi o'zaro ta'sirni chuqur tahlil qilgan. H.B. Seed zilzila paytida poydevorlarning qanday sharoitlarda tabiiy strukturasini yo'qotishi, hamda

gruntlarning tebranishlarga qanday ta'sir qilishini o'rganib chiqqan. Bu tadqiqotlar zilzilalar ta'sirida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zararlarni kamaytirish bo'yicha muhim tavsiyalarni o'z ichiga oladi.

Shuningdek, H.B. Seed va I.M. Idriss birgalikda seysmik ta'sir paytida grunt qatlamlarining javobini baholash bo'yicha tadqiqotlar olib borgan. Ularning "Gorizontal grunt qatlamlarining seysmik reaksiyasi" va "Gruntlarni quyqalanish potentsialini baholashning soddalashtirilgan tartibi" kabi maqolalari bu sohada katta ahamiyatga ega. Ushbu maqolalarda ular grunt qatlamlari orasidagi seysmik tebranishlarni va ularning poydevorga ta'sirini tahlil qilib, seysmik xavfini baholash uchun soddalashtirilgan usullar taklif qilishga.

Tadqiqot usullari.

Grunt-inshoot va erkin yuza tizimlarining seysmik tebranishlar ostidagi xatti-harakatlarini tahlil qilish va baholash, zilzila ta'sirini kamaytirish strategiyalarini ishlab chiqishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada ushbu ikki tizimning o'zaro ta'sirlashuvini baholash uchun bir nechta usullar qo'llanildi va natijalari solishtirildi. Quyida ushbu baholash usullari va ularning asosiy xulosalari keltiriladi.

1. H/V Spektrlari va uning qiymatlari bo'yicha taqqoslash

Grunt-inshoot va erkin yuzadagi tebranishlarning xarakteristikalarini baholash uchun HVSR (Horizontal to Vertical Spectral Ratio) spektrlari ishlatildi. Har ikkala tizimda ham H/V spektrlari orqali olingan dominant chastotalar va kuchaytirish koeffitsiyentlari taqqoslandi. Natijalar grunt-inshoot tizimining tebranishlarni yutish xususiyatlari tufayli erkin yuzaga nisbatan pastroq tebranish amplitudalariga ega ekanligini ko'rsatdi.

2. Past Tebranishli amplitudalar bo'yicha taqqoslash

Past tebranish amplitudalarini taqqoslash orqali grunt-inshoot tizimining tebranishlarga qanday javob berishi tahlil qilindi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, poydevor va uning atrofidagi grunt birgalikda tebranishlarni yutish va past amplitudali tebranishlar paytida seysmik energiyani samarali yutish qobiliyatiga ega.

3. Mikrotremor yozuvlari asosida V_p va V_s tezliklarni hisoblash orqali taqqoslash

Grunt-inshoot va erkin yuza tizimlaridagi seysmik tebranishlar paytida mikrotremor yozuvlari asosida V_p (bosim to'liqini tezligi) va V_s (kesish to'liqini tezligi) qiymatlari hisoblandi. Bu parametrlar har ikkala tizimda ham zilzila paytidagi tebranishlarning tarqalish xususiyatlarini baholashga yordam berdi. Grunt-inshoot tizimida V_s tezligi nisbatan yuqori bo'lib, bu tizimning yuqori qatlamlari bilan solishtirganda tebranishlarni yutish qobiliyatini oshirishga imkon berdi.

4. Plaxis 3D Dasturi yordamida modellash tirish orqali taqqoslash

Ikkala tizim uchun Plaxis 3D dasturi yordamida uch o'lchovli modellar qurildi va tahlil qilindi. Modellash tirish natijalari grunt-inshoot tizimida tebranishlar tarqalishi va ularning amplitudasi erkin yuzaga nisbatan kamayishini ko'rsatdi. Bu grunt va inshoot o'rtasidagi o'zaro ta'sir tufayli poydevor tomonidan tebranish energiyasining yutilishi bilan bog'liqdir.

Yuqoridagi baholashlar natijasida grunt-inshoot tizimi zilzila ta'sirini kamaytirish va seysmik xavfsizlikni oshirishda samarali ekanligi aniqlangan. Bu natijalar seysmik xavfga duchor bo'lgan hududlarda inshootlarning barqarorligini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Natijalar. *Ob'yekt haqida ma'lumot.* Tadqiqot ob'yekti sifatida 26 qavatli "U-Tower" turar-joy majmuasi tanlangan. Ushbu majmuada avtoturargoh uchun to'xtash joyi 2 qavatli er osti qismi, tijorat uchun birinchi ikki qavat, turar-joy uchun 4 dan 26 gacha bo'lgan kvartiralar joylashgan. Binoning poydevori uzunligi 30 metr va diametri 1,2 metr bo'lgan 218 ta burg'ulama armaturali qoziqlardan iborat bo'lib, ular toshsimon lyoss gruntlarga mustahkam o'rnatilgan. Keyinchalik bu qoziqlarga og'irligi 9370 t. bo'lgan $76 \times 25 \times 2$ metr bo'lgan poydevor quyildi. Binoning balandligi poydevor tagidan taxminan 100,3 m ni tashkil qiladi. O'tkazilgan instrumental seysmometrik tadqiqotlar asosida HVSR – kuchaytirish koeffitsiyenti qiymati 0,68 ga, dominant chastota qiymati 0,93 ga, zaiflik indeksi 8,3 va seymik jaddalik orttirmasi esa 0,23 ga kamaygani aniqlandi. Ushbu maqsadda grunt-inshoot va erkin yuza tizimlarida qayd qilingan tezlik qiymatlari asosida tezlanish va siljish qiymatlari aniqlanib, har bir elementning vektor qiymatlari hisoblandi. Bunga ko'ra tezlik amplitudalari vektori $v_x=4,83 \mu\text{m/s}$ ga, tezlanish vektori $a_x=408,7 \mu\text{m/s}^2$

qiymatga va siljish vektori esa $u_x=129,7$ nm ga kamaygan. Dinver moduli orqali seysmik tebranishlarning o'tish tezliklari aniqlandi va o'zaro solishtirildi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, grunt-inshoot tizimida Vs va Vp qiymatlari erkin yuzaga nisbatan sezilarli farq qilgan. Ko'ndalang to'lqinlar tarqalish tezliklari bo'yicha farq $\Delta V_{s30} = 104$ m/s ni, bo'ylama to'lqinlar tarqalish tezliklari bo'yicha esa $\Delta V_{p30} = 407$ m/s ni tashkil qilgan. Qurilish maydonlarining seysmiklik holati tabiiy holatdagi gruntlar uchun va bino-inshootlarni ekspluatatsiya qilish davrida seysmik holatning o'zgarish xususiyatlari quyidagi omillarga bog'liq ekanligi aniqlandi. Binolarni ekspluatatsiya qilish davrida, binolardan tushayotgan statik yuk ta'sirida zamin gruntlarning fizik-mexanik va seysmik xossalari faol zichlanuvchi qatlam qalinligi bo'yicha o'z xossalarini o'zgartirgan (bu erda muhandislik tayyorlanganlik qatlam qalinligining parametrlari ham hisobga olingan). Ko'rilayotgan tadqiqot ishida binodan grunt massiviga 50 000 t. yuk statik ravishda ta'sir qiladi. Bu esa gruntlarning mustahkamlik xossalarini deyarli 26,8 % gacha ortishiga olib kelgan. Binodan tushayotgan yuk natijasida birinchi muhandis geologik elementlarda (Birinchi va ikkinchi muhandis geologik elementlarda-qatlam qalinligi 13,1 m va 20, 2 m ni tashkil qiladi) cho'kish yuqoridan pastga tomon $1\text{sm}<h<5,6$ sm oraliqda o'zgargan. Bino poydevori ostida bu ko'rsatkichning maksimal qiymati 5,6 sm ga etgan.

Xulosa. Bizga ma'lumki seysmik ta'sirning kuchiga qarab grunt-inshoot tizimida jarayonlarning ustunlik qilishi turlicha bo'ladi. Masalan kuchsiz seysmik ta'sir vaqtida grunt-inshoot tizimida inertial jarayon ustunlik qiladi. Agarda seysmik ta'sir kuchli bo'lganda grunt-inshoot tizimida kinematik jarayon ustunlik qiladi. Biz seysmik ta'sir sifatida dasturga kiritilgan sintetik akselerogrammaning maksimal tezlanishi $a=343,06$ sm/s² ni tashkil qiladi. Demak ushbu tadqiqot ishida grunt-inshoot tizimida kinematik jarayon ustunlik qilgan.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Gomez-Masso, A., Lysmer, J., Chen, J., & Seed, H. B. (1983). Soil-structure interaction with Rayleigh waves. *Earthquake Engineering and Structural Dynamics*, 11, 567-583.
2. Ismailov V., Oripov N., Yanbukhtin I. Bozorov J. Evaluation of resonance risk and strength of a high-rise building using the microtremor method. *Международная конференция: Механика, Сейсмостойкость, Машиностроение. «Обеспечение сейсмической безопасности сейсмостойкости зданий и сооружений, прикладные задачи механики» I-том. Ташкент, 2024, 205-211 стр.*
3. Ismailov V.A., Yuldashev Sh.S., Bozorov J.Sh., Boytemirov M.B. Qurilish maydonlarida grunt to'shamasidan oldingi va keyingi modellari uchun ChEU yordamida tezlanish, tezlik va ko'chish qiymatlari o'zgarishini baholash/ ME'MORSHILIK VA QURILISH MUAMMOLARI (ilmiy-texnik jurnal) №3, 2023 yil. S 155-159.
4. Ismailov V.A., Bozorov J.Sh., Boytemirov M.B., Yadigarov E.M., Aktamov B.U. Muhandislik tayyorgarlikdan oldingi va keyingi holatda gruntlarda seysmik to'lqinlar xususiyatlari o'zgarishini Plaxis 3D dasturi yordamida baholash// ME'MORCHILIK VA QURILISH MUAMMOLARI (ilmiy-texnik jurnal) №3, 2023 yil. S. 163-167.
5. Ismailov V.A., Yuldashev Sh.S., Bozorov J.Sh., Yuldashev F.Sh. Plaxis 3D dasturi yordamida lyoss gruntlari tarqalgan qurilish maydonlarida temirbetonli qoziqlarni qoqish orqali seysmik ta'sir va seysmik effekt o'zgarishini baholash// ARXITEKTURA, QURILISH VA DIZAYN ILMIY AMALIY JURNALI. №3, 2023. S-315-321.
6. Bozorov J.Sh., Oripov N.K., Yadigarov E.M., Xusomiddinov A.S. Assessment of seismic impact change through engineeringtechnical reinforcement of loess soils. *Международная конференция: Механика, Сейсмостойкость, Машиностроение. «Обеспечение сейсмической безопасности сейсмостойкости зданий и сооружений, прикладные задачи механики» I-том. Ташкент, 2024, 168-176 стр.*

SARDOBA SUV OMBORI HUDUDIDAGI GRUNTLARNING KIMYOVIY TARKIBI VA ULARNING TO'G'ON MUSTAHKAMLIGIGA TA'SIRI

Juraev I.I., Djurayeva Z.K.

Gidroproyekt AJ, Geomexanika laboratoriyasi, Toshkent shahri

e-mail: ziloladjurayeva55@mail.com

Annotatsiya. Mazkur maqolada Sardoba suv ombori hududidan olingan grunt namunalarining kimyoviy tahlili natijalari asosida gruntning mustahkamligiga ta'sir etuvchi omillar o'rganilgan. 2022-yil iyun-iyul oylari davomida Sardoba suv ombori hududida Gidroproyekt AJ mutaxassislari tomonidan muhandislik-geologik tadqiqotlar olib borildi. Tadqiqotning asosiy maqsadi – suv ombori tuprog'ining fizik – mexanik xususiyatlari va umumiy kimyoviy holatini aniqlashdir. Ushbu maqsadda 100 ta namuna olinib, laboratoriya sharoitida pH, quruq qoldiq, kation va anionlar miqdori aniqlandi. Tahlillar suvli eritma usulida bajarilgan bo'lib, kationlar va anionlar tarkibi, gips miqdori, pH darajasi va quruq qoldiq qiymatlariga alohida e'tibor qaratilgan. Mazkur maqolada Sardoba suv ombori dambasi hududida o'tkazilgan geotexnik tadqiqotlar natijasida olingan grunt namunalarining kimyoviy tarkibi chuqur tahlil qilingan. Namuna olish ishlari burg'ulash yo'li bilan 0,7 metrdan 53 metrgacha bo'lgan chuqurlikda olib borilgan. Tahlillar suvli eritma usulida amalga oshirilib, gruntdagi asosiy anion va kationlar: HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-} , Ca^{2+} , Mg^{2+} , $\text{Na}^+ + \text{K}^+$ miqdori, pH darajasi va quruq qoldiq (%) kabi ko'rsatkichlar aniqlangan.

Kirish: Suv omborlarining xavfsizligi bevosita u joylashgan gruntlarning fizik-kimyoviy va mexanik xususiyatlariga bog'liq. Ayniqsa, kimyoviy faol moddalarning grunt tarkibida mavjudligi uning suv o'tkazuvchanligi, zichligi va deformatsiyaga chidamliligiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Ushbu maqolada Sardoba suv ombori dambasi hududida o'tkazilgan burg'ulash ishlari davomida olingan 100 dan ortiq grunt namunalarining kimyoviy tarkibi va ularning mustahkamlikka ta'siri yoritiladi. Gidroteknika inshootlar, xususan suv omborlari, to'g'onlar va dambalar barqarorligi va ishonchligi ularning joylashgan grunt qatlamlarining geotexnik, fizik-mexanik hamda kimyoviy xossalari bevosita bog'liq. Grunt qatlamlarining tarkibi, tuzilishi va kimyoviy moddalarga boyligi inshootning uzoq muddatli xizmat qilishiga, suv filtratsiyasi, deformatsiyasi va cho'kish jarayonlariga katta ta'sir ko'rsatadi.

Sardoba suv ombori O'zbekistondagi yirik suv infratuzilma loyihalaridan biri hisoblanadi. Ushbu inshootning geologik asosini tashkil etuvchi gruntlarning sifati, ularning barqarorligi, suv o'tkazuvchanlik darajasi va cho'kishga qarshiligi qat'iy nazoratni talab etadi. Ayniqsa, 2020-yilgi texnogen falokatdan so'ng Sardoba hududidagi geologik sharoitlarni qayta chuqur o'rganish, mavjud gruntlarning strukturaviy va kimyoviy xususiyatlarini baholash muhim ahamiyat kasb etdi.

Gruntni kimyoviy tarkibi – undagi ionlar (Ca^{2+} , Mg^{2+} , SO_4^{2-} , Cl^- va boshqalar), pH muvozanati, sho'rlanish darajasi va gipssimon moddalarning mavjudligi – uning fizik holati, ya'ni siqilish darajasi, mustahkamligi, deformatsiyalanishga qarshiligi kabi ko'rsatkichlarga bevosita ta'sir qiladi. Masalan, gipssimon qatlamlar yuqori eruvchanlikka ega bo'lib, suv ta'sirida erib ketishi va natijada bo'shliqlarning paydo bo'lishi, grunt zichligining pasayishi va deformatsiyaning kuchayishiga sabab bo'ladi.

Mazkur ilmiy ish doirasida Sardoba suv ombori hududida olib borilgan burg'ulash ishlari natijasida olingan namunalar asosida gruntning suvli eritmadagi kimyoviy tarkibi chuqur o'rganilib, bu tarkibiy xususiyatlarning gruntning mustahkamlik ko'rsatkichlariga qanday ta'sir qilishi tahlil qilinadi. Tadqiqot natijalari infratuzilma xavfsizligini ta'minlash, grunt qatlamlarini baholash va zaruriy mustahkamlovchi chora-tadbirlarni ishlab chiqishda muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Material va uslub: Tahlil uchun namunalar 0,7 m dan 53,0 m chuqurlikkacha turli nuqtalardan olingan. Kimyoviy tahlil "suvli eritma" usulida amalga oshirilib, quyidagi komponentlar aniqlangan: HCO_3^- , Cl^- , SO_4^{2-} (anionlar), Ca^{2+} , Mg^{2+} , $\text{Na}^+ + \text{K}^+$ (kationlar), pH, quruq qoldiq (%) va gipssimon ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$).


Tadqiqot obyekti sifatida Sardoba suv ombori dambasining asosiy geologik tarkibini tashkil qiluvchi grunt qatlamlari tanlab olindi. Namuna olish ishlari burg'ulash usulida olib borilib, umumiy 90 dan ortiq chuqurlik nuqtalaridan 0,7 metrda 53,0 metrgacha bo'lgan oraliqda grunt namunalari olindi. Burg'ulash jarayoni texnik reglamentlarga asoslangan holda maxsus uskunalar yordamida amalga oshirildi va har metrda bir marotaba namunalari tanlab olindi.

Olingan namunalari dastlab laboratoriyada quritilib, keyin esa suvli eritma (vodnaya vytyajka) usulida kimyoviy tahlil qilindi. Bu usul GOST 26423-85, GOST 26483-85 standartlariga muvofiq, gruntdagi eruvchan tuzlarning tarkibini aniqlashga xizmat qiladi. Namunalarning har birida quyidagi asosiy parametrlar o'lgandi:

- Quruq qoldiq (%) – gruntdagi umumiy eruvchan moddalarning konsentratsiyasi,
- pH (gidrogen ko'rsatkichi) – grunt eritmasining kislotali yoki ishqoriy muhitga egaligi,
- Anionlar: gidrokarbonatlar (HCO_3^-), xloridlar (Cl^-), sulfatlar (SO_4^{2-}),
- Kationlar: kalsiy (Ca^{2+}), magniy (Mg^{2+}), natriy va kaliy ($\text{Na}^+ + \text{K}^+$),
- Gipssimon tuzlar ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) – gruntdagi gips miqdorini ko'rsatadi.

Tahlillar namlik, harorat va tashqi muhit omillaridan himoyalangan sharoitda o'tkazildi. Har bir namunadagi komponentlar milligramm-ekvivalent (mg-ekv) va foiz (%) da qayd qilindi. Olingan ma'lumotlar Excel va SPSS dasturlari orqali statistik jihatdan qayta ishlanib, ularning grunt mustahkamligiga ta'siri bo'yicha tahliliy xulosalar chiqarildi.

Bundan tashqari, ayrim chuqurliklarda aniqlangan yuqori gips, sulfat va natriy konsentratsiyasi bo'yicha maxsus grafiklar tuzilib, ularning vertikal tarqalishi ham baholandi. Bu esa, gorizont va vertikal yo'nalishdagi filtratsiya xavfini oldindan baholashga imkon berdi.



1-rasm. Gips, sulfat va Na+K konsentratsiyasining chuqurlikka qarab vertikal taqsimoti

Natijalar va tahlil: Tahlillar shuni ko'rsatdiki: 1. Sulfat SO_4^{2-} ionlari ayrim chuqurliklarda 1,0% dan yuqori bo'lib, bu gipssimon birikmalar miqdorining ko'pligidan dalolat beradi. Gipslar gruntda yuqori eruvchanlikka ega bo'lib, suv ta'sirida yuvilishi, porozlikning oshishi va mustahkamlikning pasayishiga olib keladi. Eng yuqori gipssimon modda konsentratsiyasi 12,114% (5,0 m chuqurlikda) qayd etilgan. Sulfat ionlarining eng yuqori konsentratsiyasi ham xuddi shunday chuqurliklarda (5,0 m, 9,0 m, 17,0 m) aniqlangan bo'lib, bu gipssimon qatlamlar bilan bog'liqligini ko'rsatadi. Sulfat gruntda nafaqat eruvchan, balki korrozion jihatdan ham agressiv bo'lib, suv o'tkazuvchi qatlamlarning faol harakatini keltirib chiqaradi. Bu esa dambadagi filtratsiya jarayonlarini kuchaytiradi va texnogen xavflarni yuzaga keltiradi.

2. Kalsiy ionlari (Ca^{2+}) va Magniy ionlari (Mg^{2+}) yuqori bo'lgan qatlamlarda karbonat birikmalarining mavjudligi taxmin qilinadi. Bu esa qattiq, biroq mo'rt grunt qatlamlarini hosil qilishi mumkin. 3. pH qiymati barcha chuqurliklarda neytralga yaqin (7,6–8,1) oraliqda bo'lib, gruntda kislotali yuvilish jarayonlari faol emasligini ko'rsatadi. Tahlil natijalariga ko'ra, barcha qatlamlarda pH darajasi 7,6 dan 8,1 gacha oraliqda bo'lib, gruntni neytral yoki oz miqdorda ishqoriy ekanligini ko'rsatdi. Bu muhitda ko'plab tuzlar yaxshi eriydi, bu esa ularning harakatini

osonlashtiradi. Quruq qoldiq qiymatlarining 0,235% dan 2,42% gacha bo'lgan keng diapazoni gruntarning sho'rlanish darajasi yuqoriligidan dalolat beradi. 4. Quruq qoldiq (%) – umumiy tuzlar kontsentratsiyasi 0,235% dan 2,42% gacha o'zgaradi. Bu gruntarning sho'rlanish darajasining har xil ekanligini bildiradi. Yuqori sho'rlanish – gruntning hajmiy deformatsiyasini oshirib, qattiqlik va siqilish modulining kamayishiga olib keladi. O'tkazilgan kimyoviy tahlillar Sardoba suv ombori dambasi ostidagi grunt qatlamlarining tarkibi bo'yicha turli chuqurliklarda sezilarli farqlar borligini ko'rsatdi. Grunt tarkibidagi eng muhim uchta komponent – gips ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$), sulfat (SO_4^{2-}) va natriy+kaliy ($\text{Na}^+ + \text{K}^+$) ionlarining konsentratsiyasi chuqurlikka qarab o'zgaradi va ular gruntning fizik-mexanik holatiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. 1. Gips miqdori ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$): Gips tarkibi chuqurlik bo'ylab 0,235% dan 12,114% gacha o'zgarib, ayniqsa 4,7–5,0 metr va 16,7–17,0 metr chuqurlikda eng yuqori qiymatlar qayd etilgan. Gipssimon gruntlar yuqori eruvchanlikka ega bo'lib, suv bilan reaksiyaga kirishganda hajmiy o'zgarishlarga olib keladi. Bu holat gruntida bo'shliqlar paydo bo'lishi, zichlikning kamayishi va mustahkamlikning sezilarli darajada pasayishiga sabab bo'ladi.

3. Natriy va kaliy ($\text{Na}^+ + \text{K}^+$) ionlari: Natriy va kaliy ionlari gruntning disperslash xususiyatiga ega bo'lib, struktura bog'lanishini zaiflashtiradi. Ularning yuqori konsentratsiyasi ayrim qatlamlarda (masalan, 9,0 m va 15,0 m) kuzatilgan. Bu esa gruntning plastiklik darajasini oshiradi va yuklama ostida deformatsiyaga moyillikni kuchaytiradi. Ayniqsa yuqori sho'rlangan gruntlar (quruq qoldiq 2,42% gacha) bosim ta'sirida ko'proq siqiladi.

4. Grafik tahlil: Tahlil natijalari asosida tuzilgan vertikal grafikda (gips, sulfat, natriy+kaliy konsentratsiyalarining chuqurlikka qarab taqsimoti) bu ionlarning ko'tarilishlari va pasayishlari aniq ko'rinadi. Bu esa ularning faqat tasodifiy tarqalishiga emas, balki grunt qatlamlarining geologik stratifikatsiyasi va gidrogeologik sharoitlari bilan bog'liqligini ko'rsatadi. Grafik asosida ayrim chuqurliklarda filtratsiya yo'llarining paydo bo'lish xavfi oldindan baholanishi mumkin.

Muhokama: Gruntning kimyoviy tarkibi uning fizik-mexanik xossalriga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Gipssimon moddalarning yuqori konsentratsiyasi ularning eruvchanligini kuchaytirib, filtratsiya oqibatida eroziyaga olib keladi. Bu holat dambaning barqarorligiga xavf tug'diradi. Shu bilan birga, tuzlar miqdorining ortishi gruntning struktura bog'lanishini zaiflashtiradi. Bundan tashqari, ayrim qatlamlarda aniqlangan yuqori natriy miqdori ($\text{Na}^+ + \text{K}^+$) gruntning disperslash xususiyatini oshiradi, bu esa bosim ostida gruntning ko'proq deformatsiyalanishiga sabab bo'ladi. O'tkazilgan kimyoviy tahlillar natijalari Sardoba suv ombori dambasi ostidagi grunt qatlamlarining geokimyoviy tarkibi juda murakkab va o'zgaruvchan ekanligini ko'rsatdi. Bu esa geotexnik xavfsizlikka bevosita ta'sir ko'rsatuvchi omillardandir. Ma'lumki, gidrotexnik inshootlar uchun asos bo'luvchi gruntlarning barqarorligi ularning kimyoviy faol komponentlariga kuchli bog'liqdir.

Tahlil natijalariga ko'ra, ayrim chuqurliklarda gipssimon moddalarning yuqori konsentratsiyasi kuzatildi. Gipssimon qatlamlar ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) suv bilan reaksiyaga kirishib, eruvchan bo'shliqlar hosil qilishi mumkin. Bu esa gruntlarning zichligini kamaytiradi, filtratsiyani kuchaytiradi, deformatsiyalarga olib keladi va oxir-oqibat, dambaning strukturaviy barqarorligiga xavf tug'diradi. Ayniqsa, 4,7–5,0 m va 16,7–17,0 m chuqurliklarda 12% dan ortiq gips miqdorining aniqlanishi, bu qatlamlar filtratsion yo'llar sifatida faol bo'lishi mumkinligini bildiradi. Sulfat ionlarining yuqori darajasi ham muhim muammo hisoblanadi. Sulfatlar gruntning kimyoviy eroziyaga olib keluvchi agressiv ionlar sirasiga kiradi. Ular boshqa ionlar bilan reaksiyaga kirishib, grunt strukturasini zaiflashtiradi. Shu bois, bu qatlamlar gidrotexnik inshootlar ostida filtratsion oqimlar, cho'kish va g'ovaklanishning asosiy sababchilari hisoblanadi.

Natriy va kaliy ionlarining ($\text{Na}^+ + \text{K}^+$) yuqori konsentratsiyasi, ayniqsa, gruntning dispers xususiyatini oshirib, plastiklikni kuchaytiradi. Bunday gruntlar yuklama ostida oson deformatsiyalanadi, ularning kesishish burchagi kamayadi va siqilish moduli pasayadi. Bu, o'z navbatida, inshoot tagida cho'kish (prosadka) va siljishlar xavfini oshiradi.

Bundan tashqari, sho'rlanish darajasining yuqoriligi (quruq qoldiq 2% dan ortiq) gruntning strukturaviy bog'lanishini zaiflashtirib, gidravlik o'tkazuvchanlikni oshiradi. Yuqori mineralizatsiyalangan suvlar grunt skeletini emirib, qatlamlararo bog'liqlikni susaytiradi.

Tahlillarning grafik ifodasi, ya'ni komponentlar chuqurlik bo'yicha taqsimoti, geokimyoviy zonalarning mavjudligini ko'rsatadi. Bu zonalar gruntning turlicha fizik-kimyoviy tavsifga ega bo'lgan qatlamlardan tashkil topganini anglatadi va muhandislik geologiyasida ushbu qatlamlarga alohida yondashuvni talab qiladi.

Umuman olganda, Sardoba suv ombori hududidagi gruntlarning kimyoviy holati dambaning xavfsiz ishlashi uchun xavf tug'diruvchi omillarni yuzaga chiqaradi. Bu esa bunday hududlarda geokimyoviy monitoringni doimiy olib borish va geotexnik mustahkamlash choralari ishlab chiqishni taqozo etadi.

Xulosa: Sardoba suv ombori dambasi atrofida olingan grunt namunalarining kimyoviy tahlili, ayniqsa gips, sulfat va natriy miqdorining yuqoriligi, ularning mustahkamlik ko'rsatkichlarini pasaytiruvchi omillar ekanini ko'rsatdi. Dambaning xavfsiz ishlashi uchun bunday qatlamlarda mustahkamlovchi geotexnik chora-tadbirlar ko'rish tavsiya etiladi. Sardoba suv ombori dambasi hududidan olingan grunt namunalarining suvli eritmadagi kimyoviy tahlili ularning geokimyoviy va muhandislik-geologik holati haqida muhim ma'lumotlar berdi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, grunt qatlamlarida ayniqsa gips, sulfat va natriy ionlarining yuqori miqdorda mavjudligi ularning fizik-mexanik barqarorligini sezilarli darajada pasaytiradi.

1. Gipssimon moddalarning yuqoriligi gruntning suv bilan aloqa qilganda hajmiy o'zgarishlarga uchrashiga olib keladi, bu esa filtratsiya va cho'kish jarayonlarini kuchaytiradi. Ayniqsa, 4,7–5,0 m va 16,7–17,0 m chuqurliklarda aniqlangan 12% atrofidagi gips kontsentratsiyasi xavfli zonalarini tashkil qiladi.

2. Sulfat ionlarining faolligi grunda kimyoviy emirilish va dispersiyalanish jarayonlarini kuchaytiradi. Bu esa grunt qatlamlarining mexanik bog'lanishini zaiflashtiradi va eroziyaviy holatlarni yuzaga keltiradi.

3. Natriy va kaliy ionlarining yuqori miqdori gruntni yumshatadi, uning plastik xossalari oshiradi va yuklama ostida deformatsiyaga moyilligini kuchaytiradi. Bunday xossa dambaning tag qismida muhandislik muammolariga olib kelishi mumkin.

4. Quruq qoldiq (sho'rlanish) darajasi yuqori bo'lgan qatlamlar gruntning zichligi, mustahkamligi va deformatsiyaga chidamliligini pasaytiradi. O'rganilgan ma'lumotlar asosida quyidagi tavsiyalarni berish mumkin: Yuqori gips va sulfatli grunt qatlamlarida geotexnik mustahkamlovchi qatlamlar tashkil etilishi lozim; Natriy ionlarining yuqori konsentratsiyasiga ega qatlamlarda gruntni stabilizatsiyalash uchun kimyoviy va mexanik chora-tadbirlar ishlab chiqilishi kerak;

Bunday gruntlar ustida yirik inshootlar loyihalashtirilganda, ularning kimyoviy faol holatidan kelib chiqib, qo'shimcha monitoring va xavfsizlik tadbirlari amalga oshirilishi zarur.

Ushbu tadqiqot natijalari Sardoba suv ombori kabi yirik gidrotexnik inshootlar atrofida geokimyoviy sharoitlarni baholashda va xavfsizlik choralari belgilashda muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. ГОСТ 26423-85. Грунты. Методы определения водорастворимых солей. – М.: 1985.
2. ГОСТ 26483-85. Грунты. Метод определения ионов кальция и магния. – М.: 1985.
3. ГОСТ 26489-85. Грунты. Метод определения ионов натрия и калия. – М.: 1985.
4. Mirzayev U., Usmonov A. (2018). Gruntlarning fizik-mexanik xossalari va ularni aniqlash usullari. – Toshkent: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi nashriyoti.
5. Tursunov A. (2020). Gidrotexnik inshootlar asoslarining geologik tahlili. – Toshkent: TIIM.
6. Кузнецов В.М., Краснощеков А.И. (2004). Инженерная геология. – М.: Недра.
7. Babadjanov I., Tadjibayeva G. (2017). Gruntlarning sho'rlanish darajasini baholashda kimyoviy indikatorlardan foydalanish. // Gidroinshootlar jurnali, №2.
8. Salimov M. (2021). Sardoba suv ombori to'g'onida ro'y bergan falokat sabablari va ularni oldini olish choralari. // Yer osti suvlari va xavfsizlik, №1.
9. Воробьев Н.И. (1986). Физико-химические процессы в водонасыщенных грунтах. – Л.: Гидрометеиздат.
10. Bobojonov A., Qurbonov R. (2023). Gruntlarning geokimyoviy xossalari va filtratsion barqarorligi. – Toshkent: Geologiya ilmiy markazi.

MIKROSEYSMIK TADQIQOTLARDA GRUNTLARNING ZILZILA ENERGIYASINI YUTISH XUSUSIYATINI TAHLIL QILISH

Muhammadqulov N.M.

O‘zRFA G‘.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: muhammadqulovnurali@gmail.com

Zilzila vaqtida bino-inshoot poydevor gruntlarining energiyani yutish xususiyati seysmik ta’sirni kamaytirishda muhim omil hisoblanadi. Zilzilalar geologik muhitning dinamik xususiyatlariga bevosita bog‘liq bo‘lib, ularning kuchayishi va tarqalishi asosan gruntlarning seysmik to‘lqinlarni yutish va kuchaytirish qobiliyati bilan belgilanadi. Gruntlar turli mexanik va fizik xususiyatlarga ega bo‘lib, ularning turli tuzilishdagi qatlamlari zilzila energiyasining tarqalish xususiyatlariga ta’sir ko‘rsatadi. Gruntlarning zilzila energiyasini yutish xususiyati asosan ularning zichligi, namligi, litologiyasi, mineralogik tarkibi va stratigrafik sharoitlariga bog‘liq. Bo‘shoq va quruq gruntlar zilzila to‘lqinlarini uzoqroq saqlab, rezonans effektini kuchaytirishi mumkin, bu esa yuqori seysmik ta’sirni keltirib chiqaradi [1]. Aksincha, yuqori zichlikka ega bo‘lgan cho‘kindi massivlari va zichlashgan cho‘kindi gruntlar zilzila energiyasini nisbatan tezroq dissipatsiya qilib, seysmik to‘lqinlarning kuchini pasaytiradi.

Mikroseysmik tadqiqotlar. O‘zbekistonning yirik shahar va viloyat markazlari seysmik mikrohududlashtirish xaritalariga ega. Mikroseysmik tadqiqotlarning katta ko‘lamlarda olib borilishi respublikamizning grunt sharoitlariga mos muhandislik inshootlarini loyihalashga xizmat qiladi [2]. Tadqiqot hududida mikroseysmik o‘lchovlar «Guralp-6TD» seysmometri yordamida amalga oshirilgan. «Guralp-6TD» uch o‘qli, keng chastotali, raqamli seysmometr bo‘lib, tezkor va oson o‘rnatish uchun mo‘ljallangan [3]. U er osti tebranishlarini 30 soniyadan (0,03 Hz) 100 Hz gacha bo‘lgan chastota diapazonida o‘lchash imkoniyatiga ega. Olingan seysmogramma ma’lumotlaridan foydalangan holda HVSR (Nakamura usuli) usulida gruntning erkin tebranish chastotasi va H/V amplituda nisbati o‘rtasidagi bog‘liqliklar tahlil qilinadi. [4]

Yarim quvvat kengligi usuli (Half-Power Bandwidth Method): HVSR usulida gruntning amplituda-chastota munosabatidan foydalangan holda fransuz olimi P.Y. Bard tomonidan ishlab chiqilgan “Yarim quvvat kengligi usuli” keng qo‘llanilgan. 2001-2004 yillarda Yevropa tadqiqot tashabbusi SESAME (Site effects assessment using ambient excitations) loyihasida gruntlarda energiyaning so‘nishi, mikroseysmik tebranishlar yordamida energiyaning yutilish koeffitsientlarini aniqlash ishlari olib borilgan. Gruntning HVSR spektri olinganda “Yarim quvvat kengligi usuli”dan foydalanib, maksimal quvvatning yarmi (50%) orqali spektr kengligining parametrlari hisoblab chiqiladi. [5]


$$P = \frac{P_{\max}}{2} \quad (1)$$

Bu erda, P – quvvat.

Fizika kursidan bizga ma’lumki, tebranma jismlarning energiyasi yoki quvvati amplitudaning kvadratiga to‘g‘ri proporsionaldir. Yuqoridagi formulani amplituda orqali ifodalaganda quyidagi munosabat o‘rinli bo‘ladi:

$$A^2 = \frac{A_{\max}^2}{2}; \quad A = \sqrt{\frac{1}{2}} A_{\max} \approx 0.707 A_{\max} \quad (2)$$

Shuning uchun ham spektr kengligi (V) H/V spektri maksimal qiymatining 0.707 qismidan olinadi (1-rasm).



1-rasm. H/V spektral nisbat grafi

Bu erda, A_0 va f_0 – mos ravishda gruntning maksimal H/V tebranish amplitudasi nisbati va chastotasi; B – spektr kengligi; f_1, f_2 , - spektr kengligining chegaraviy chastotalari.

Tadqiqot maydoni bo'yicha har bir nuqta uchun olingan ma'lumotlar qayta ishlanadi. Gruntlarning erkin tebranish spektrlari olinadi. Spektr kengligi (B), rezonans chastota (f_0) va spektr kengligining chegaraviy chastotalari (f_1, f_2) qiymatlaridan quyidagi formula bo'yicha so'nish koeffitsienti (ξ) aniqlanadi.

$$B = f_2 - f_1 \quad (3)$$

$$\xi = \frac{B}{2f_0}; \quad \xi = \frac{f_2 - f_1}{2f_0} \quad (4)$$

Grunt erkin tebranishida rezonans chastota (f_0), so'nish koeffitsienti (ξ) va ko'ndalang to'lqin tezligi (V_s) yordamida yutilish koeffitsienti (α) quyidagicha aniqlanadi:

$$\alpha = \frac{2\pi f_0 \xi}{V_s} \quad (5)$$

bu erda, α — gruntning zilzila energiyasini yutish (o'zida saqlab qolish) koeffitsienti. Yutilish koeffitsienti % ko'rsatgichida ko'p hollarda ifodalanadi. Ushbu formula gruntning tebranish xususiyatlarini tahlil qilishda so'nish va yutilish koeffitsientlari orasidagi bog'lanishni ko'rsatadi.

Gil va qumli gruntlarda namlik va yutilish xususiyatlari. Gil va qumli gruntlarda yutilish koeffitsienti bir qator omillar ta'sirida o'zgaradi. Yutilish koeffitsienti (α) qiymati gruntning namlik darajasi va strukturasiga bog'liq ravishda o'zgaradi. Quruq qumli va gilli gruntlarda yutilish koeffitsienti past (0,011–0,013) bo'lib, bu ularning tebranish energiyasini kam so'ndirishini ko'rsatadi. Namlik miqdori oshgan sari yutilish koeffitsienti ham ortib, 0,015–0,018 oralig'ida bo'ladi, bu esa gruntning tebranish energiyasini yaxshiroq yuta boshlashini anglatadi. Yuqori namlikka ega qumli va gilli gruntlarda yutilish koeffitsienti maksimal darajada (0,019–0,021) bo'lib, bu holatda grunt suyuqlanish holatiga o'tishi (quyqalanishi) va tebranishlarni tez so'ndirishi mumkin. Bu o'z navbatida energiya miqdorini kamaytiradi.

Xulosa. Mikroseysmik tadqiqotlar orqali olingan ma'lumotlar yordamida zilzila to'lqinlarining gruntlarda yutilish xususiyatini baholash mumkin. Yumshoq cho'kindi yotqiziqalarda yutilish koeffitsienti yuqori bo'lib, seysmik ta'sir qiymatining ortishiga sabab bo'lishi mumkin. Namlangan shahri hududi gillar, yosh allyuvial cho'kindilar va lyossimon qumli gruntlar energiyani yuqori yutish xususiyatiga ega. Bu esa inshootlar qurilishi, seysmik mikrohududlashtirish va mustahkamlik tadbirlarini ishlab chiqishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuningdek, mikroseysmik tadqiqotlar natijalari injenerlik-geologik va seysmologik modellarni takomillashtirishda samarali vosita bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Ибрагимов А.Х., Алимухамедов И.М. Экспериментальное обоснование возможности использования метода Накамуры (HVSr) при решении задач сейсмического, микрорайонирования // Проблемы сейсмологии в Узбекистане. Ташкент. 2016. №13. С.154-158.
2. Рахматов А.Р., Мамарозиқов Т.У., Ядигаров Э.М., Ибрагимов А.Х. “Комплекcирование методов определения V_{s30} ”, Международной научной конференции “Актуальные проблемы обеспечения сейсмической безопасности населения и территорий”, посвященной 80-летию Академии наук Республики Узбекистан // Институт Сейсмологии им. Г.А.Мавлянова АН РУз, Ташкент. 8 сентября 2023 г. С. 240-246.
3. Field E., Jacob H. Empirical evaluation of microtremor H/V spectral ratio// Bulletin of Earthquake Engineering//Article, Volume 6, 2008, PP. 75-108.
<https://link.springer.com/article/10.1007/s10518-007-9058-x>
4. Nakamura Y.A. Method for dynamic characteristics estimation of subsurface using microtremor on the ground surface. Quarterly Report of Railway Technical Research Institute (RTRI). (1989), 30(1). 25-33.
5. Bard. P. Microtremor measurements: a tool for site effect estimation? In The Effects of Surface Geology on Seismic Motion (pp. 1251-1279). Balkema.
https://www.researchgate.net/publication/228998764_Microtremor_measurements_A_tool_for_site_effect_estimation

QURILISH MAYDONLARIDAGI GRUNTLARNING FIZIK PARAMETRLARINI ANIQLASH

Qodirboyev A.K., Abiraxmatov H.I., Sevinchova B.M.

O'zR FA G' O. Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: asilbekkomiljonovich@gmail.com

Tadqiqotning dolzarbligi: Yer qobig'ini tashkil etuvchi tog' jinslari ularga berilgan ta'sirni har xil tezlikda o'zidan elastik to'liq sifatida o'tkazish xususiyatiga ega. Bu xususiyat ularning tezliklari elastik defarmatsiyalar va ularni hosil qiluvchi kuchlanishlar orasidagi bog'lanishga bog'liq.

Qurilish maydonlaridagi gruntlarning fizik parametrlarini aniqlash – bu zamonaviy qurilish va muhandislik tadqiqotlarining muhim sohalaridan biridir. Gruntlarning sifatini va seysmik barqarorligini aniqlash, ayniqsa, seysmik faol mintaqalarda, bino-inshootlarning poydevorlarini loyihalashda juda muhimdir. Gruntlarning fizik parametrlarini, jumladan, Puasson koeffitsiyentini aniqlash, inshootlarning barqarorligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Bu metodologiya, xususan, seysmik xavf tahlili, er silkinishlaridan himoya qilish va poydevorlarni barqaror qurish uchun zarur bo'lgan geotexnik shartlarni belgilashda qo'llaniladi.

Tadqiqotning maqsadi: Mazkur ilmiy tadqiqotning asosiy maqsadi qurilish maydonlaridagi gruntlarning fizik parametrlarini, xususan, Puasson koeffitsiyentini aniqlashdir. Bu, o'z navbatida, qurilish inshootlarining seysmik barqarorligini baholash, poydevor gruntlarining sifatini aniqlash va seysmik xavflarni kamaytirishga yordam beradi. Tadqiqot orqali olingan ma'lumotlar, masalan, P va S to'liqlarining tarqalish tezliklari, seysmik xavf tahlilida, geotexnik hisob-kitoblarda va qurilish loyihalarining muvaffaqiyatli amalga oshirilishida qo'llaniladi.

Usul va uslublar: Tadqiqotda seysmik qidiruvning MASW (Multi-channel Analysis of Surface Waves) usuli qo'llanildi. Bu usul yordamida, er qobig'i yuzasidan o'tayotgan seysmik to'lqinlarning tarqalish tezliklari aniqlanadi. Tadqiqot maydonida 30 metr qalinlikdagi gruntlarda P va S to'lqinlarining tarqalish tezliklari hisoblandi. Olingan ma'lumotlar asosida Puasson koeffitsiyenti (ν) moduli hisoblandi, bu koeffitsiyent er osti jinslarining elastik xususiyatlarini va geofizik parametrlarini aniq belgilashda yordam beradi. Tadqiqot natijalari 5 ta nuqtada olingan qiymatlar (1-jadval) orqali umumlashtirilgan.

$$\nu = \frac{1}{2} \left(\frac{V_p^2 - 2V_s^2}{V_p^2 - V_s^2} \right) \quad (1)$$

1-jadval.

“Gruntlardagi ko'ndalang(V_s) ,bo'ylama(V_p) to'lqin tezliklari va Puasson koeffitsiyenti (ν)”

№	Vs (m/s)	Vp (m/s)	Puasson koeffitsiyenti (ν)
	H = 30 m		
1	358,97	599,14	0,2200
2	355,46	593,41	0,2198
3	354,07	590,97	0,2200
4	327,45	546,37	0,2197
5	343,97	573,98	0,2198


Puasson koeffitsiyenti (ν) grunt va jinslarning mexanik xususiyatlarini baholashda muhim parametr hisoblanadi. Hisoblangan ma'lumotlar bo'yicha ν qiymatlari 0,2197 dan 0,2200 gacha bo'lib, tadqiqot hududi kichik bo'lganligi sababli minimum va maximum qiymatlar tor diapazonda farq qilgan. Ushbu qiymatlar grunt va jinslarning deformatsion xususiyatlari, ularning muhandislik-geologik tavsifi va seysmik xususiyatlarini aniqlashda ahamiyatli rol o'ynaydi.

Natijalar: Muhandis-geologik tasnif. Puasson koeffitsiyenti 0,2-0,3 oralig'ida bo'lishi, odatda, qumoq-loyli yoki zich qumtosh jinslariga xosdir. Bu esa mazkur hududda zich, yaxshi bog'langan va deformatsiyaga nisbatan barqaror gruntlarning mavjudligini ko'rsatadi. Nisbatan past qiymatlar (0,2197-0,2198) gruntlarning elastiklik chegarasi nisbatan yuqori ekanligini, ya'ni yuklanish ostida yaxshi deformatsiyalanishini anglatadi. Bunday jinslar odatda zich qumtoshlar yoki kuchli sementlangan shag'alli qatlamlarga mos keladi. Yuqori qiymatlar (0,2200) - Puasson koeffitsiyenti ortishi bilan gruntlarning plastik deformatsiyaga moyilligi ham oshadi. Bunday qiymatlar nam tuproq yoki qisman yuvilgan jinslar uchun xos bo'lishi mumkin [1-rasm].

Geofizik tahlil. Puasson koeffitsiyenti grunt va jinslarning dinamik xususiyatlarini baholashda ham muhim o'rin tutadi. U seysmik to'lqinlarning tarqalish tezligi va elastiklik modullarini hisoblashda ishlatiladi. $\nu=0,22$ ga yaqin qiymatlar elastik to'lqinlarning (P-to'lqin va S-to'lqin) tezlik nisbatlari orqali qattiq jinslarga xos bo'lgan holatni ko'rsatadi. Puasson koeffitsiyenti past qiymatlari gruntning yuqori zichlikka ega ekanligini va yuk ostida sezilarli cho'kish ehtimoli pastligini bildiradi.

Seysmik faol mintaqada joylashgan tadqiqot maydonida bunday Puasson koeffitsiyenti qiymatlari gruntlarning seysmik barqarorligini ko'rsatib, muhandislik inshootlari uchun ijobiy xulosa berishga asos bo'lishi mumkin.

Puasson koeffitsiyenti qiymatlari bino-inshoot poydevor gruntleri uchun maqbul diapazonda bo'lib, seysmik barqarorlik nuqtayi nazaridan ijobiy baholanishi mumkin. Past qiymatlar suv ta'sirida gruntlarning deformatsiyalanish ehtimolini kamaytiradi. Bunday sharoitda ($\nu=0,22$) poydevor gruntlarid cho'kish kam bo'ladi. Geofizik tekshiruvlarda qattiq jinslar uchun mos keladigan ν normal diapazonida bo'lib, seysmik to'lqinlarning tarqalishi barqaror ekanligini anglatadi.



1-rasm. Puasson koeffitsiyentining o'zgarish xaritasi.

Xulosa. Hududdagi Puasson koeffitsiyenti qiymatlari (0,2197-0,2200) zich qumtoshlar yoki kuchli sementlangan shag'alli qatlamlarga mos kelib, muhandislik inshootlari uchun maqbul va barqaror gruntlarga ishora qiladi. Bu qiymatlar gruntlarning elastiklik darajasi yaxshi ekanligini, yuklanish ostida minimal deformatsiyaga uchrashini va seysmik barqarorligini ko'rsatadi. Shu sababli, ushbu hududda muhandislik-geologik tadqiqotlar davomida gruntlarning barqarorligi etarlicha yuqori deb baholanadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. A.A. Агзамов "Геофизик тадқиқот усуллари" 71-76-бетлар.
2. Шебалин Н.В. Методы использования инженерно-сейсмологических данных при сейсмическом районировании // Сейсмическое районирование СССР. М.: Наука, 1968. С. 95–111.
3. Акинина И.Н. Основы геотехники и механики грунтов // Геотехника и инженерная геология. М.: Стройиздат, 1983. С. 45–60.
4. Ваннек С.А. Исследование грунтов на строительных площадках // Строительная механика и геотехника. М.: Архитектура-С, 2000. С. 120–135.
5. Гусев В.А., Петрова Т.Н. Физико-механические свойства грунтов и их влияние на проектирование // Строительные материалы и методы. М.: Стройиздат, 1995. С. 88–102.
6. Васильев Л.С. Применение геофизических методов в строительстве // Геофизика и геотехника. М.: Наука, 1987. С. 75–90.
7. Reynolds J.M. An Introduction to Applied and Environmental Geophysics // Wiley, 1997. P. 135–150.
8. Sykes L.R., Olsson R.H. Earthquake Geology: Engineering Seismology and Site Characterization // Earthquake Engineering Journal. Vol. 24, 1995. P. 35–42.

GRUNTLARNING MUHANDISLIK XUSUSIYATLARINI KIMYOVIY STABILIZATORLAR ORQALI YAXSHILASHNING O'RGANILGANLIGI

Sattorova N.A.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: n.sattorova1993@gmail.com;

Kirish. Zamonaviy inshootlar barpo etilishi, yo'l va transport infratuzilmalari, sanoat va turar joy qurilishlarining barqarorligi, xizmat muddati hamda xavfsizligi ko'p jihatdan asosiy geotexnik komponent — gruntning muhandislik xususiyatlariga bog'liq. Har qanday qurilish jarayonida grunt o'ziga xos asos rolini bajaradi va uning fizik-mexanik holati, zichligi, suv o'tkazuvchanligi, siljish qarshiligi kabi ko'rsatkichlari bevosita inshootning poydevor tizimiga ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, zaif, notekis zichlashgan, ko'chuvchan yoki oson emiriluvchi gruntlarni mustahkamlash, ularning muhandislik xossalari yaxshilash masalasi geotexnika fanining asosiy tadqiqot yo'nalishlaridan biriga aylangan.

Gruntlarni kimyoviy barqarorlashtirish - bu grunt namunalarining muhandislik xususiyatlarini yaxshilash uchun grunt xususiyatlarini o'zgartirish jarayoni. Grunt zarralarini bog'laydigan zarralararo kimyoviy o'zaro ta'sirlarni hosil qilish orqali bu yondashuvlar gruntning birlashishini yaxshilaydi va kesish kuchi va struktura barqarorligini oshiradi [1]. Kimyoviy grunt stabilizatsiyasi ilgari turli materiallar yordamida amalga oshirilgan, ulardan eng keng tarqalgani portland tsement va ohak edi [2], [3]. Kimyoviy stabilizatsiya materiallarining ayrim kamchiliklari bor, jumladan, ular zaharli bo'lib, grunt pH ni o'zgartiradi, er osti suvlari va gruntlarni ifloslantiradi [4]. Oddiy stabilizatsiya materiallarining kamchiliklarini hisobga olgan holda, gruntlarning muhandislik xususiyatlarini yaxshilash uchun ekologik toza va iqtisodiy jihatdan samarali stabillashdigan moddalarni topish juda muhimdir.

Shu nuqtai nazardan, zamonaviy ilm-fan va texnologiyalarning jadal rivojlanishi asosida nanomateriallar, tolalar, polimerlar va sanoat chiqindilari kabi innovatsion vositalar asosida gruntlarni mustahkamlash usullari shakllanmoqda. Ushbu yondashuvlar nafaqat gruntning fizik-mexanik xossalari yaxshilaydi, balki ekologik barqarorlikni ta'minlaydi, chiqindilarni qayta ishlashga imkon beradi, iqtisodiy jihatdan tejamkorlik keltirib chiqaradi va uzoq muddatli samaradorlikni kafolatlaydi.

Asosiy qism. Nanomateriallar — bu yuzasi juda katta va o'zaro ta'sir kuchi yuqori bo'lgan ultra mayda zarrachalardir. Ular grunt zarralari orasiga kirib, mikro struktura darajasida bog'lovchi rolini o'ynaydi (o'lchami 1-100 nm). Masalan, nano-silikat yoki nano-gillar grunt g'ovakliklarini to'ldirib, zichlikni oshiradi va suv o'tkazuvchanligini kamaytiradi. Shu bilan birga, gruntning kesilish mustahkamligi va cho'kishga bo'lgan chidamliligi kuchayadi. Nanomateriallarning grunt xossalari, ayniqsa qulab tushadigan gruntlarning siqilish va mexanik xususiyatlariga qanday ta'sir qilishini o'rganish uchun geotexnika muhandisligi bo'yicha ko'plab turli xil tadqiqotlar o'tkazilgan. Tabarsa va boshqalar [5] nano-gilning Eronning Gonbad to'g'onidan olingan lyoss tuprog'ining Atterberg chegaralari (gruntning holatini suyuq, plastinka va qattiq holatlarga o'tish chegaralarini ifodalovchi ko'rsatkichlar), siqilishga chidamliligi va konsolidatsiyalanmagan kesilish mustahkamligi (tuproq tabiiy holatda, ya'ni zichlanmasdan, bosim ostida yon tomonlarga sirpanib ketmaslikka bo'lgan qarshiligi) hamda cho'kish xususiyatlariga ta'sirini o'rgandilar. Nano-gil miqdori quruq massa bo'yicha 3 foizgacha oshirilganda, suyuqlanish chegarasi 36%, plastiklik chegarasi 25% va plastiklik indeksi 66% ga oshgan.

Stabilizatsiya mexanizmlarida nanomateriallarning ishlashi va qo'llanilishi ularning murakkab xususiyatlari, jumladan, ularning o'lchami, strukturaviy tavsifi, kimyoviy tarkibi, mikro tuzilishi va nanozarrachalar va grunt o'rtasidagi tutashuv zonasidagi reaksiyalari bilan kuchli ta'sir qiladi. Nanomateriallarga tegishli yana bir muhim parametr bu o'ziga xos sirt maydoni. Nanozarrachaning o'ziga xos sirt maydoni uning zarracha hajmining pasayishi bilan ortadi. Natijada atomning sirti kengayadi, uning ion almashish qobiliyati va boshqa zarralar bilan o'zaro

ta'sir qilish qobiliyati kuchayadi. Grunt va nanomateriallar o'rtasidagi o'zaro ta'sir juda sezgir va gruntga qo'shilgan nanomateriallarning turi va miqdori kerakli xususiyatlarga ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Tolali materiallar — tabiiy va sun'iy (polipropilen, poliestar, karbon) turlarda qo'llanilib, grunt ichida dispers holatda joylashadi. Ular tortish kuchiga qarshi chidamlilikni ta'minlaydi va gorizontal deformatsiyalarni kamaytiradi. Bundan tashqari, tolalar gruntning darz ketishiga qarshi kuchli himoya vositasi bo'lib xizmat qiladi. Bu, ayniqsa, yo'l qurilishlarida, aeroportlar, temir yo'llar va poydevor tizimlarida nihoyatda muhimdir.

Bakir va boshqalar [6] maydalangan shisha tolalarning (3%, 4%, 5% va 6% quruq massasiga nisbatan) lyoss gruntlarning turli xil siqilish energiyasida (20, 40 va 60 zarba) siqilish sinovida siqilish qobiliyatiga ta'sirini o'rgangan. Namlik miqdori va siqilish energiyasi ortib borishi bilan qulash potentsiali kamaygan. Maydalangan shisha tolalar ulushi oshgani sayin, gruntning qulash potentsiali kamaydi. 6% shisha tolalar bilan ishlov berilgan gruntlar uchun eng kam cho'kish darajasi olingan.

Polimerlar esa grunt zarrachalarini o'zaro bog'lab, elastik va kuchli matritsa hosil qiladi. Ularning molekulyar tarkibi tufayli gruntning suvni o'tkazmasligi, zichligi, cho'kish qarshiligi sezilarli darajada ortadi. Polimerlar tarkibida mavjud gidrofobik guruhlar suvning gruntga kirishini cheklaydi va nam muhitdagi deformatsiyani kamaytiradi.

Gruntlarni barqarorlashtirish uchun bir nechta polimerlar ishlatilgan [4], [7], [8]. Polimerlar tuzilishi va manbasiga ko'ra geopolimerlar, biopolimerlar va sintetik organik polimerlarga bo'linadi [9]. Geopolimer - amorf kremniy oksidi va aluminaga boy manba materiallarini gidroksidi aktivatorlar bilan birlashtirish natijasida olingan noorganik aluminosilikat moddadir [10], [11]. Biopolimerlar biomassa yoki bakteriyalardan tayyorlanadi va tabiatda keng tarqalgan, jumladan tsellyuloza, lignin va polisaxaridlar. Biopolimerlarning eng keng tarqalgan turlari polisaxaridlar bo'lib, ular guar elimi va ksantan elimini o'z ichiga oladi [9]. Biopolimerlar ko'pincha har xil zaryad va zarracha o'lchamlari bilan bir qatorda yuqori o'ziga xos sirt maydonlariga ega. Ion va vodorod bog'lari tufayli ular mayda grunt zarralari (ya'ni, gil va loy) bilan bevosita ta'sir o'tkazishi mumkin [12]. Poliuretan, propilen va poliakrilatlar kabi sintetik organik polimerlar turli xil asosiy va yon zanjirli kompozitsiyalarga ega inson tomonidan ishlab chiqarilgan polimerlardir [9].

Dehghan va boshqalar [13] cho'kuvchan gruntlarni barqarorlashtirish uchun ksantan va guar elimlaridan foydalangan. Biopolimer zarrachalar orasidagi bog'lanish va teshiklarni to'ldirish tufayli turli zichliklarda o'tkazuvchanlikni sezilarli darajada kamaytirdi, degan xulosaga keldilar. Biopolimerlarning ko'payishi bilan birlashish ko'tarildi va ishqalanish burchagi kamaygan. Biopolimer bilan ishlov berilgan gruntlarning qulash potentsiali pasaydi. Biroq, ksantan elimi guar elimidan ko'ra samaraliroq edi, bu Ayeldin va boshqalarning [4] natijalariga mos kelmaydi. Zarrachalar va ksantan elimlari o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri o'zaro ta'sir mavjud edi. Nozik grunt zarralarining elektr zaryadi bu o'zaro ta'sirni yaratdi, bunda karboksilik kislota (COOH) va gidroksil guruhlari o'rtasidagi kationik bog'lanish va vodorod bog'lanishi ksantan monomerlarini elektr zaryadlangan grunt zarralari (-OH) bilan bog'laydi. Ksantan elimi va grunt zarralari orasidagi o'zaro bog'liqlik natijasida qarshilik yaxshilangan. Qo'shilgan ksantan elimining miqdori ortishi, ko'proq reaksiya tezligiga va ko'proq qarshilikka olib keldi. Qureshi va boshqalarga ko'ra [14], biopolimer ortishi bilan plastik chegarasi, suyuqlik chegarasi va plastiklik indeksi ko'tarilgan. Yuqori plastiklik indeksi yuqori drenajsiz kesish kuchiga va past o'tkazuvchanlikka olib kelgan.

Sanoat chiqindilarining geotexnik sohada qayta ishlanishi esa ikki tomonlama foyda keltiradi. Birinchidan, bu chiqindilar atrof-muhitga zarar keltirish o'rniga foydali mahsulotga aylantiriladi. Ikkinchidan, ularning tarkibidagi puzolanik xossalarni tufayli tsementga o'xshash bog'lovchi fazalar hosil bo'lib, gruntga qo'shimcha mustahkamlik beradi. Bunday yondashuv barqaror rivojlanish tamoyillariga mos keladi.

Aholini tabiiy ofatlarga tayyorlashda xorijiy davlat tajribasini AQSH misolida ham ko‘rishimiz mumkin. “Public health reports” jurnalining 2009 yil chop etilgan 124-sonida “Aholining zaif qatlamlari uchun favqulodda vaziyatlarga tayyorlik: alohida tibbiy yordamga muhtoj odamlar”¹ nomidagi maqolada shunday yozilgan: “Katrina” va “Rita” to‘fonlari nafaqat favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik ko‘rishni rejalashtirishdagi katta kamchiliklarni ochib berdi, balki ular aholi guruhlari o‘rtasidagi ijtimoiy, jismoniy va iqtisodiy tengsizliklarni ham ta’kidladi. O‘shandan beri sog‘liqni saqlash hamjamiyati bunday bo‘shliqlarni tayyor bo‘lishning bir qismi sifatida bartaraf etishga harakat qilgan bo‘lsa-da, biroq bu aholining ehtiyojlarini o‘rganish va tegishli muammolarni hal qilish uchun yagona asos yaratish uchun mahalliy xizmat ko‘rsatuvchi provayderlarning istiqboli va tajribasini birlashtirganlar kam [6].

Tabiiyki, qat’iy sinov davridagina to‘liq tayyorgarlikni tekshirish mumkin. AQSH hamjamiyati bunday holatlarni oldini olish uchun esa hozirgi kunda zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan keng foydalanib kelmoqda. Bunga misol etib Amerikaning “Qizil xoch” tashkiloti va USGS web platformalarini keltirish mumkin. Bundan tashqari 2022 yil may oyida “Building safety month” haftaligi o‘tkazilib uchinchi haftasi “Favqulodda vaziyatlarni boshqarishning to‘rt bosqichini tushunish” mavzusiga bag‘ishlangan.

Xususan, Amerikaning “Qizil xoch” jamiyati web-platformasida favqulotda vaziyatlar uchun aholini tayyorlashga qaratilgan treninglar tashkil etilgan [7]. Trening faqat katta yoshlilar uchun online tarzda tashkil etilgan bo‘lib yosh bolalar uchun esa jamiyat tomonidan kitoblar taqdim etiladi (1-2-rasmlar).


Jamiyat tomonidan taqdim etiladigan bu kabi xizmatlarning barchasi jamiyatni moliyalashtirish va hayriya uchun pullik taqdim etiladi. Platformaga tashrif buyuruvchilar soni 2023 yil avgust holatiga 3,7 mln dan ortiqni tashkil etadi.

Yaponiya davlatida IISEE – xalqaro seysmologiya va zilzila muhandisligi instituti mavjud bo‘lib, web-platformada zilzila vaqtida haraktalanishga o‘rgatuvchi ma’ruzalardan tashkil topgan sahifalar mavjud.

Xalqaro seysmologiya va zilzila muhandisligi instituti (IISEE) zilzilaga moyil rivojlanayotgan mamlakatlardan muhandislar va tadqiqotchilarni taklif qiladi va seysmologiya, zilzila muhandisligi, tsunami va global seysmologik kuzatuv bo‘yicha treninglar o‘tkazadi. Trening uchun IISEE-YUNESKO ma’ruza matnlari loyihasi IISEE o‘quv kurslarida foydalanilgan o‘quv materiallarini YUNESKO bilan hamkorlikda IISEE veb-saytiga joylashtiradi. IISEE o‘quv kurslarini taqdim etish orqali rivojlanayotgan mamlakatlarda zilzila falokatlarini yumshatishga

yordam berishni maqsad qiladi [8]. Web-platformadan istalgan shaxs foydalana olishi uchun sharoit yaratilgan. Saytlar haqidagi SEO ma'lumotlarini taqdim etuvchi bel.ru ma'lumotlariga ko'ra saytning mobil ko'rinishi yo'q ekanligi aniqlandi. Bu esa foydalanuvchilar uchun biroz noqulayliklar tug'diradi. Bundan tashqari kurs materiallari mavzulashtirilmagan tartibda bo'lib, ilk marotaba o'rganayotgan inson uchun qiyinchilik yuzaga keltiradi.

AQShning Geologik xizmati va AQSh Ichki ishlar vazirligining USGS web saytida "Bolalar uchun zilzilalar" saxifasi mavjud (3-rasm).



1-rasm. Amerikaning "Qizil xoch" jamiyati web-platformasi



2-rasm. Yosh bolalar uchun favqulotda vaziyatlarga tayyorlanish o'quv kitoblari

O'zbekistonda mavjud "ZilzilaMobile" ilovasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti tomonidan zilzilada aholining barcha qatlamini to'g'ri harakat qilishga o'rgatishga mo'ljallangan mobil dastur yaratildi.

ZilzilaMobile mobil ilovasi yordamida aholiga zilzilada to'g'ri harakatlanishni o'rgatish maqsadida interaktiv vositalar yaratildi. Bu ilova barcha yoshdagi foydalanuvchilar uchun qulay imkoniyatlar yaratadi. Ilova orqali foydalanuvchilar zilzilaga tayyorlanish bo'yicha amaliy mashg'ulotlar va tavsiyalar oladi. Shuningdek, zilzila vaqtida favqulodda holatlarda bajarilishi zarur bo'lgan qadamlar haqidagi ko'rsatmalar real vaqt rejimida taqdim etiladi.

Yuqorida keltirilgan tajribalar shuni ko'rsatadiki, aholining zilzilaga tayyorligi darajasini oshirishda zamonaviy axborot texnologiyalarining ahamiyati katta. AQSh va Yaponiya tajribalari aholini treninglar orqali tayyorlashda samarali usullarni qo'llab-quvvatlaydi. Ular texnologiyalardan foydalanish orqali fuqarolar bilim va ko'nikmalarini oshirishga erishgan. O'zbekiston tajribasi esa raqamli vositalar orqali aholining amaliy bilim va ko'nikmalarini oshirishga qaratilgan sa'y-harakatlarning istiqbolli ekanligini ko'rsatadi.



3-rasm. Maktabda zilzila paytida nima qilish kerak o'quv portal ishchi oynasi

O'zbekistonda platformalarning rivojlanishi uchun qo'shimcha mablag' va texnologik qo'llab-quvvatlash zarur. Ayniqsa, yoshlar va bolalar uchun moslashtirilgan resurslarni ko'paytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, xalqaro tajribalarni o'rganish va mahalliy sharoitga moslashtirish orqali rivojlanish uchun yangi yo'nalishlarni belgilash mumkin.

Aholini zilzilaga tayyorlashda raqamlashtirish jarayonlari yuqori samara beradi. Ushbu maqola O'zbekistonda ZilzilaMobile kabi loyihalarni yanada rivojlantirish zaruratini ta'kidlaydi. Xalqaro tajribalar asosida platformalarni optimallashtirish va foydalanish qulayligini oshirish muhim. Kelgusida aholi uchun moslashtirilgan va qamrovli raqamli platformalarni ishlab chiqish strategik ahamiyatga ega.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Qaxxarov A., Xamrayev X., Ismoilov A. Qurilish ta'lim yo'nalishdagi talabalarining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirishda raqamli texnologiyadan foydalanish // Qurilish va ta'lim ilmiy jurnali. №5-6-Son. 2023 y. 154-158 b.
2. Bekmirzayev D.A, Qosimov E.A va Ismoilov A.M. Xorijiy tajribalar asosida aholini zilzilaga tayyorlash metodlari // Namangan muhandislik – qurilish instituti Qurilish va ta'lim ilmiy jurnali volume 3, Issue 3 No3 (9) 2024 y. 17-21 b.
3. Bekmirzayev D.A, Qosimov E.A, Ismoilov A.M. Aholini zilzilaga tayyorlash jarayonlarini o'rgatishga mo'ljallangan milliy ta'lim platformasini o'rni va ahamiyati // Namangan muhandislik – qurilish instituti Qurilish va ta'lim ilmiy jurnali volume 3, Issue 3 No3 (9) 2024 y. 22-24 b.
4. Bekmirzayev D.A, Qosimov E.A, Ismoilov A.M. Consequences of earthquakes and preventive measures based on foreign experiences // Scientific and Technical Journal Namangan Institute of Engineering and Technology. Volume 9, Issue 2, 2024 y. 189-195 b.
5. Emergency Preparedness for Vulnerable Populations: People with Special Health-care Needs <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2646456/> Gilbert A. Nik and etc.
6. Public Health Reports. (2009). "Emergency Preparedness for Vulnerable Populations: Medical Needs During Natural Disasters". Vol. 124, Issue 2.
7. Red Cross USA. Official Website. "Training Resources for Disaster Preparedness".
8. International Institute of Seismology and Earthquake Engineering (IISSE). "Educational Materials on Earthquake Preparedness". <https://iisee.kenken.go.jp/lua/?mod=seismology>

**AHOLI TURAR-JOY BINOSIGA TA'SIR ETAYOTGAN TEXNOGEN
SHOVQINLARNING HOSIL BO'LISH MANBALARINI INSTRUMENTAL-
SEYSMOMETRIK TADQIQOTLAR ASOSIDA ANIQLASH**

Islamov X.A. , Abduraimov G'.I. , Sunnatullayeva M.Z. , Abdushukurov Sh.Z.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: kh.islamov@gmail.com , tel. (+998)71-241-74-98

Dolzarbli. Yirik shaharlarda aholi soni va transport vositalari harakati ortishi tufayli turar-joy binolariga ta'sir etuvchi texnogen shovqinlar va tebranishlar soni ko'paymoqda. Ayniqsa, yo'l qoplamasining turli omillar tufayli deformatsiyaga uchrashi natijasida yuzaga kelgan texnogen tebranishlar aholi xavfsizligi va turar-joy binolariga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Ushbu muammoni o'rganish zamonaviy sharoitda dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Tadqiqotning maqsadi. Turar-joy binoariga ta'sir ko'rsatayotgan texnogen shovqin va tebranishlarning kelib chiqish manbalarini aniqlash, ularning takrorlanish davri va amplituda-chastota tarkibini o'rganish orqali muammoning asosiy sabablarini aniqlash va kelgusida oldini olish choralarini ishlab chiqish muhim hisoblanadi.

Usul va uslublar. Guralp CMG-6TD velosimetrlari yordamida turar-joy binosiga (tadqiqot ob'ektiga) va unga yaqin hududlarda texnogen shovqin tebranishlari qayd qilindi, ularning takrorlanishi va chastotaviy tarkibi tahlil qilindi. Kuzatuvlar asosida yo'l qatnov qismining deformatsiyaga uchragan qismidan og'ir yuk transportlari harakatlanishi natijasida yuzaga kelayotganligi aniqlandi.

Natijalar. Tadqiqot ob'ekti - Toshkent shahrida joylashgan 3 qavatli fuqaroning shaxsiy xonadoniga va u joylashgan maydonga ta'sir etayotgan texnogen shovqinlarning asosiy manbasi sifatida avtotransport yo'l qatnov qismining deformatsiyaga uchragan qismi ekanligi tahlillar orqali isbotlandi.

Deformatsiyaga uchragan asfalt qatlamida og'ir yuk tashuvchi transport vositalari (elektroavtobuslar, samosvallar, beton aralashtirish mashinalari) harakati natijasida sezilarli darajada yuqori chastotali tebranishlar va shovqinlar yuzaga kelayotgani qurilmalar orqali qayd etildi. Bu deformatsiyaga uchragan asfalt qatlami tadqiqot ob'yektidan 100 metrga yaqin masofada joylashgan. Tadqiqot ob'ekti hududida kuzatilgan tebranishlarning amplituda-chastota tarkibi tahlil qilindi. Olingan ma'lumotlarga asosan tebranishlarning tezlik amplitudalari ayrim paytlarda 700 nm/s qiymatigacha etdi.

Rezonans hodisasi aniqlandi: Tadqiqot ob'ektining tabiiy tebranish chastotalari, hamda og'ir transport vositalarining ob'ektga yaqin yo'l qatnov qismining deformatsiyaga uchragan qismida harakati natijasida yuzaga kelayotgan tebranishlar chastotasi bir-biriga mos kelishi tufayli, tebranish amplitudalari bino konstruksiyasida 3-4 barobar kuchaymoqda va tadqiqot ob'ektiga qo'shimcha dinamik yuklanishlar uzatmoqda.

Hududdagi transport harakati va yo'l infratuzilmasining holati seysmik shovqin va tebranishlarning asosiy omili sifatida baholandi. Bu holat uzoq muddatli ekspluatatsiya davomida binoning konstruksiyasida texnik zaralar yuzaga keltirib, undan foydalanish xavfini oshiradi. Instrumental o'lchovlar asosida texnogen shovqinlar va ularni vujudga keltiruvchi transport vositalari to'g'risidagi jadval tuzildi va tahlil qilindi. Masalan, elektroavtobus harakati vaqtida tebranishning maksimal tezlik amplitudasi 703,18 nm/s gacha oshdi.

Xulosa. Tadqiqotlar davomida instrumental-seysmometrik kuzatuvlar yordamida olingan ma'lumotlar shuni ko'rsatdiki, yo'l qatnov qismining deformatsiyaga uchragan qismlarida yuk transportlari harakati natijasida yuzaga kelayotgan texnogen yo'l bilan hosil bo'layotgan sun'iy tebranishlarning amplituda-chastota tarkibi yaqin atrofda joylashgan 3 qavatli tadqiqot ob'ektining hususiy chastotasi bilan mos tushayotganligi tufayli, tebranishlarning strukturada akslanishi 3-4 barobar ortib ketganligi aniqlandi. Bu esa mazkur hududda istiqomat qiluvchi aholi turar-joy binosiga sezilarli ta'sir etgan. Ushbu holat, binolarning mustahkamligi va aholi tinchligini buzilishiga salbiy ta'sir ko'rsatgan.

Tavsiya sifatida, deformatsiyaga uchragan yo‘l qatnov qismini ta‘mirlash, og‘ir yuk tashuvchi transport vositalari harakatini nazorat qilish va rezonans hodisasiga uchragan aholi bino konstruksiyasini mustahkamlash kabi chora-tadbirlarni ko‘rish yoki ishlab chiqish zarurligini ko‘rsatadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Lama, R., and Roberts, D., "Ground Vibration and Noise from Road Traffic," Elsevier Science, 1994.
2. Obermeier, S. F., "Detection of Seismic Waves from Traffic Vibrations," Earthquake Engineering and Structural Dynamics, 1992. Ю. П. Касьянов, "Городской шум и вибрации", Москва, 1981.
3. S.T. Umarov, "Seysmik mikrorayonlashtirish va bino inshootlarining zilzila xavfsizligi", Toshkent, 2015.
4. Kuo, J., "Characterization of Roadway Vibrations and Traffic Noise," Journal of Acoustical Society of America, 2013.

ZILZILA XAVFI YUQORI HUDUDLARDA YO‘L VA KO‘PRIKLARNING SEYSMIK BARQARORLIGINI TA‘MINLASH YO‘LLARI

Majidov Y.X

Andijon davlat texnika instituti.

e-mail: myahyobek724@gmail.com

Dolzarbliigi. Zilzila xavfi yuqori bo‘lgan hududlarda transport infratuzilmasining, ayniqsa yo‘l va ko‘prik inshootlarining mustahkamligi va ishonchliligi katta ahamiyat kasb etadi. Statistik ma‘lumotlarga ko‘ra, dunyo bo‘yicha yuzaga keladigan tabiiy ofatlar orasida eng ko‘p moddiy zarar etkazadigan hodisalardan biri bu — er silkinishlaridir. Zilzila nafaqat bino va inshootlarga, balki ularning funksional aloqalariga — transport, aloqa va logistika tizimlariga ham jiddiy ta‘sir ko‘rsatadi. Ayniqsa, ko‘priklar va avtomobil yo‘llari zilzila paytida katta yuklama ostida qoladi, bu esa ularning sinishiga yoki deformatsiyalanishiga olib kelishi mumkin. Bunday sharoitda insonlar xavfsizligini ta‘minlash, favqulodda vaziyatlarga tezkor javob berish va iqtisodiy jarayonlar uzluksizligini saqlab qolish uchun yo‘l va ko‘prik inshootlarining seysmik barqarorligini ta‘minlash muhim hisoblanadi. Shuning uchun, zamonaviy yo‘l muhandisligida zilzilaga bardoshli konstruksiyalarni loyihalash, seysmik izolyatsiya vositalaridan foydalanish, geotexnik tahlillar asosida grunt barqarorligini baholash kabi muhim bosqichlar mavjud. Ushbu maqolada ushbu masalalarning dolzarbliigi, amaliy muammolari va ularni bartaraf etish bo‘yicha mavjud muhandislik yondashuvlari o‘rganiladi.

Geotexnik tadqiqotlar va grunt barqarorligini baholash. Seysmik xavfi yuqori hududlarda qurilish boshlanishidan oldin geotexnik tahlil o‘tkazish zarur. Ushbu tadqiqotlar orqali grunt qatlamlarining fizik-mexanik xossalari aniqlanadi. Jumladan, zichlik, siljishga qarshilik, suvga to‘yinganlik darajasi, er osti suvlarining sathi va gruntlarning suyuqlanish ehtimoli tahlil qilinadi. Gruntlar silkinishda suyuqlanish xususiyatiga ega bo‘lsa, ular ostida barqarorlikni ta‘minlash uchun quyidagi choralar ko‘riladi:

- Sun‘iy asoslar yaratish (qum, shag‘al, beton plitalar yotqizish);
- Gruntni mustahkamlovchi in‘ektsiyalar (sement, loy, kimyoviy modda asosida);
- Vertikal drenaj tizimlari (grunt-dagi ortiqcha suvni chiqarib tashlash). Bundan tashqari, nishabliklarda er siljishini oldini olish uchun qiya inshootlar va gabionli to‘sinlar qo‘llaniladi.

Ko‘prik va yo‘l inshootlarida seysmik izolyatsiya texnologiyalari. Ko‘priklar — zilzila ta‘sirida eng ko‘p deformatsiyaga uchrashi mumkin bo‘lgan inshootlar sirasiga kiradi. Zamonaviy seysmik izolyatsiya texnologiyalari bu xavfni kamaytirishga xizmat qiladi. Ulardan eng muhimlari:

- Elastomer podshipniklar (neopren bloklar) – ko‘prik ustunlari va qoplama orasida joylashib, tebranish energiyasini yutadi;
- Gidravlik amortizatorlar – silkinish kuchini kamaytiradi va harakatni sekinlashtiradi;
- Izolyatsion bo‘g‘inlar – konstruksiyalar o‘rtasida joylashgan va kuchli zilzila vaqtida ularning bir-biriga urilishini oldini oladi;
- Dempferlar (viskoz, gidravlik, metallik) – kuchli silkinishda inshootning harakatini susaytiradi, rezonansni pasaytiradi.

Bu tizimlar birgalikda ishlaganda, ko‘prikning asosiy konstruksiyasi zarardan asosan saqlanib qoladi.

Asfaltbeton qatlam va yo‘l konstruksiyasining seysmik bardoshlilik. Seysmik faol hududlarda asfaltbeton qoplamalarning mustahkamligi va barqarorligini ta‘minlash muhim muhandislik masalasidir. Zilzila vaqtida tuproq qatlamining siljishi, suyuqlanishi yoki cho‘kish oqibatida yo‘l qoplamalari jiddiy darz ketishi, egilishi yoki butunlay buzilishi mumkin. Ayniqsa, qatlamlar orasidagi kuchlarning notekis taqsimlanishi, asfalt aralashmasining elastikligi etarli bo‘lmasa, bu holat kuchayadi. Asfaltbetonning seysmik bardoshlilikini oshirishda birinchi navbatda uning tarkibi va qatlam tuzilmasi muhim rol o‘ynaydi. Modifikatsiyalangan bitum asosidagi asfalt aralashmalari (polimer qo‘shimchali bitumlar) qo‘llanilishi, asfalt qatlamining zarba kuchlarini yutish, deformatsiyalarga bardosh berish xususiyatini oshiradi. Xususan, SBS (Styrene-Butadiene-Styrene) va EVA (Ethylene-Vinyl Acetate) modifikatorlari yordamida tayyorlangan bitumlar yuqori harorat va kuchli silkinishda elastikligini saqlab qoladi. Qurilishda qo‘llaniladigan geosintetik materiallar, ayniqsa geotextile va geogridlar, asfalt qatlam ostiga yotqiziladi. Ular yuklamani grunt yuzasiga teng taqsimlaydi va qatlamlar orasidagi siljishni kamaytiradi. Bunday qatlamlar grunt cho‘kishining oldini oladi va asfaltbeton sirtining uzluksizligini saqlaydi.

Ko‘prik va yo‘l kesishmalarida, ayniqsa ko‘prikka kirish qismlarida, kompensatsion zonalar tashkil qilinadi. Ushbu zonalar elastik va yumshoq materiallar (masalan, kauchuk plitalar yoki qum-asfalt aralashmalari) yordamida amalga oshiriladi. Bu esa har xil konstruktiv qismlarning mustaqil harakat qilishiga imkon beradi va silkinishda ularning bir-biriga ta‘sirini kamaytiradi. Bundan tashqari, yirik zilzilalardan keyin kuzatilgan tajribalar asosida asfaltbeton qoplamalarni seysmik mustahkamlashda quyidagi echimlar taklif etilmoqda: armaturali asfalt qatlamlardan foydalanish, asfalt qatlamlarini bosqichma-bosqich zichlab yotqizish, pastki qatlamlar tarkibiga mustahkamlikka ega materiallar (granit, bazalt shag‘al) qo‘shish va yostiq qatlam sifatida quyma qumli beton ishlatish. Ayrim hollarda, ayniqsa estakada ostida, to‘ldiruvchi qatlamlar ustiga stabilizatsiyalangan materiallar bilan maxsus tampon zonalar hosil qilinadi. Natijada, asfaltbeton qatlamlar zilzila ta‘sirida buzilmasdan, foydalanish davomiyligini saqlab qoladi. Bu esa nafaqat yo‘l infratuzilmasining ishonchliligini oshiradi, balki favqulodda holatlarda transport harakati uzluksizligini ta‘minlaydi.

Inshootlar holatini monitoring qilish texnologiyalari. Zamonaviy yo‘l va ko‘prik inshootlari real vaqt rejimida kuzatib borilishi kerak. Buning uchun seysmik monitoring tizimlari o‘rnatiladi:

- Seysmik sensorlar (akselerometrlar) – tebranish darajasini o‘lchaydi;
- Inklinometrlar – ustunlarning egilishi yoki siljishini aniqlaydi;
- Raqamli platformalar – barcha ma‘lumotlar bulutli tizimda yig‘iladi va tahlil qilinadi;
- Ogohlantiruvchi tizimlar – inshootda normadan ortiq silkinish qayd etilsa, avtomatik ogohlantirish yuboriladi.

Bu tizimlar yordamida zilziladan so‘ng ko‘priklar va yo‘l inshootlari zudlik bilan tekshiriladi va xavfli holatlar aniqlanadi.

O'zbekiston Respublikasi "Qurilish normalari va qoidolari" (QMQ)da zilzila xavfi mavjud hududlarda yo'l va ko'priklarni qurilishi bo'yicha alohida bandlar keltirilgan. Xususan, loyihalash ishlari Zilzilabardoshlilik darajasi 7, 8 va 9 ballik hududlarga qarab alohida olib boriladi. Har bir loyiha inshoot alohida hisob-kitoblar bilan, ehtimoliy seysmik kuchlarga bardosh bera oladigan tarzda ishlab chiqilishi lozim. Seysmik ta'sir faqatgina qurilish bosqichida emas, balki ekspluatatsiya jarayonida ham nazorat ostida bo'lishi kerak. Maxsus datchiklar va sensoriya tizimlari yordamida yo'lning holati real vaqt rejimida kuzatilib borilishi mumkin. Ular grunt harakati, qatlam deformatsiyasi, tebranish tezligi va cho'kish hajmini oldindan aniqlaydi va texnik xizmat ko'rsatish uchun signal beradi. Bu orqali yirik zilzilalardan so'ng yo'l infratuzilmasi tez tiklanadi, xavfsizlik ta'minlanadi. Bundan tashqari, yo'l foydalanuvchilari hayoti bilan bog'liq xavfsizlik masalasi ham dolzarbdir. Zilzila vaqtida asfaltbeton qoplamaning yorilishi, ko'chishi yoki ko'prikdan uzilishi avtotransport vositalarining ag'darilishiga yoki hayot uchun xavfli holatlarning yuzaga kelishiga olib keladi. Shuning uchun, har bir muhandislik echimi faqat texnik emas, balki inson hayotini asrashga qaratilgan bo'lishi lozim. O'zbekiston hududining katta qismi 7–9 ballgacha bo'lgan seysmik zonalarga kiradi. Andijon, Farg'ona, Toshkent viloyatlarida ayniqsa zilzila xavfi yuqori. Shu bois bu hududlarda qurilayotgan avtomobil yo'llarida va ko'priklarda yuqorida aytilgan texnik chora-tadbirlar majburiy tatbiq etilishi zarur. Bu nafaqat qurilish sifatini oshiradi, balki xavfsizlik, ishonchlilik va uzoq muddatli xizmat ko'rsatishni ham kafolatlaydi.

Xulosa. Seysmik xavfli hududlarda asfaltbeton yo'l qoplamalarini loyihalash va qurish nafaqat muhandislik, balki ijtimoiy xavfsizlik bilan bog'liq muhim masalalardan biridir. Zilzila natijasida yuzaga keladigan silkinishlar va grunt harakati asfalt qatlamlariga jiddiy zarar etkazishi mumkin. Bu esa transport harakati, odamlar hayoti va infratuzilma barqarorligiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, asfalt aralashmasi tarkibini optimallashtirish, polimer bitumlar va geosintetik materiallardan foydalanish, kompensatsion zonalarini to'g'ri joylashtirish va monitoring tizimlarini joriy etish orqali yo'l qatlamlarining seysmik barqarorligini sezilarli darajada oshirish mumkin. Amaliy tajribalar va zamonaviy texnologiyalarning joriy etilishi yo'l tarmoqlarining chidamliligini, xizmat muddatini va xavfsizligini oshirishga xizmat qiladi. Ayniqsa, O'zbekiston kabi seysmik faol hududlarda bu yondashuvlar majburiy talablardan biri sifatida qaralishi lozim. Kelajakda ilmiy tadqiqotlar, tajriba sinovlari va innovatsion echimlar asosida yo'l muhandisligi sohasida yanada samarali va xavfsiz echimlar ishlab chiqilishi kutilmoqda.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ЎзҚМК) 2.03.01-96. "Автомобил йўллари". – Тошкент: Қурилиш ва архитектура қўмитаси, 1996.
2. Axmedov M.X., Ergashev R.J. "Yo'l qurilishi materiallari". – Toshkent: O'zbekiston Milliy universiteti nashriyoti, 2020. – 320 b.
3. Юлдашев А.Р. "Сейсмостойкое дорожное строительство". – Ташкент: ТИИМС, 2018. – 240 с.
4. Tashpulatov I.I. "Asfaltbeton aralashmalari va yo'l qoplamalari". – Andijon: AndMI, 2021. – 165 b.
5. Michael N. Fardis. Seismic Design, Assessment and Retrofitting of Concrete Buildings. – Springer, 2009.
6. Khosravani M.R., Weinberg K. "Seismic performance of pavement structures: A review." Journal of Traffic and Transportation Engineering, 2020; 7(4): 417–429.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К ПРОБЛЕМЕ ПАСПОРТИЗАЦИИ МОСТОВ В СЕЙСМИЧЕСКИХ РАЙОНАХ

Бекмирзаев Д.А., Бердибаев М.Ж., Ботабаев Н.И.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева АН РУз, Ташкент

E-mail: mars.berdibaev@mail.ru

Введение. Землетрясения относятся к числу наиболее опасных стихийных бедствий, угрожающих человечеству. По своим экономическим, социальным и экологическим последствиям землетрясения занимают ведущее место среди природных катастроф. В прошлом столетии от землетрясений и вызываемых ими пожаров, лавин, наводнений, цунами и оползней погибло более 2 млн человек. За всю историю человечества около 80 млн человек погибло от землетрясений и их прямых последствий – пожаров, цунами, обвалов и др. По данным международного геофизического справочника, каждый год в сейсмически опасных районах земного шара в среднем возникает около 700 землетрясений с магнитудой не менее 5, около 90 – с магнитудой не менее 6 и свыше 12 – с магнитудой 7 и более [1-3].

Методы исследования. Паспортизация мостов является первоочередным этапом работ по обеспечению необходимого и экономически целесообразного уровня сейсмобезопасности эксплуатируемых строительных объектов в условиях морального, физического и сейсмического износа сооружений, изменения сейсмической опасности и норм проектирования и строительства в сейсмических районах.

Для проведения анализа уязвимости мостов необходима их инвентаризация, которая должна включать информацию, касающуюся характеристик каждого моста. В последние годы большое внимание уделяется научно-техническому обеспечению и контролю напряженно-деформированного состояния (НДС) конструкций при строительстве и последующей эксплуатации [4].

Основные цели данного исследования заключаются в следующем:

- определение необходимости реализации первоочередных мероприятий по учету сейсмического риска, предупреждению социально-экономических потерь, для обеспечения безопасности и повышения качества жизни населения, устойчивого социально-экономического развития;
- создание условий для устойчивого функционирования основных объектов социальной инфраструктуры, систем жизнеобеспечения и транспортных сооружений в Узбекистане;
- достижение приемлемого уровня сейсмической безопасности транспортных сооружений в Узбекистане;
- снижение возможного экономического, социального и экологического ущерба от сейсмических воздействий;
- создание паспортов обследования на сейсмостойкость транспортных сооружений (мосты, путепроводы, эстакады) в Узбекистане.

Для достижения этих целей необходимо выполнить следующие задачи:

- визуальный осмотр и инструментальное обследование транспортных сооружений;
- выявление сейсмически уязвимых сооружений, в отношении которых, в первую очередь, следует разработать мероприятия по снижению их сейсмического риска до приемлемого уровня для дальнейшей эксплуатации;
- выявление наиболее сейсмоопасных сооружений, требующих первоочередного сноса или укрепления;
- оценка ожидаемой степени повреждения сооружений в зависимости от их проектных решений, износа и сейсмостойкости при максимальных сейсмических воздействиях [5];

Результаты и обсуждение. В результате инвентаризации мостов, эксплуатируемых в наиболее сейсмически активных регионах Узбекистана, в том числе в Андижанской, Ферганской и Наманганской областях, была сделана оценка их сейсмостойкого состояния.



Сейсмостойкое состояние мостов по

Андижанской, Наманганской и Ферганской области:

1 – сейсмобезопасное; 2 – сейсмостойкость удовлетворительная; 3 – неудовлетворительная сейсмостойкость, требуется инструментально-техническая проверка; 4 – в аварийном состоянии, требуется укрепление

Заключение.

В данной статье представлены результаты исследований, которые были проведены для определения сейсмической уязвимости существующих транспортных сооружений в Узбекистане. Результаты паспортизации позволили выявить сейсмоопасные транспортные сооружения, назначить первоочередные объекты по их сейсмоусилению или сносу, определить объемы затрат на усиление сейсмоопасных транспортных сооружений и сносу ветхих сооружений.

Список литературы:

1. Бекмирзаев Д.А., Нишонов Н.А., Бердибаев М.Ж., Ботабаев Н.И. Формирование электронно-технических паспортов по сейсмостойкости транспортных сооружений. «Проблемы сейсмологии». Ташкент, 2024. №2, т.6. С. 173-182.
2. Апсеметов М.Ч., Мурзакматов Д.К., Женишбеков Э.Э., Шекеев А.О. Исследование повреждения дорожных сооружений при сильных землетрясениях. Известия ОшТУ, 2017 №3.
3. Шестопёров В.Г. Сейсмическое микрорайонирование участков строительства мостов. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Москва - 2006. – С. 104.
4. Бержинская Л.П. Надежность региональных типов зданий при сейсмических воздействиях (На примере Прибайкалья). Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Иркутск - 2006. – С. 125.
5. Кулбаев Б.Б., Шокбаров Е.М. Паспортизация зданий и сооружений существующей застройки города Алматы. Наука та будівництво, 29(3), 24-28. <https://doi.org/10.33644/2313-6669-14-2021-3>.

СЕЙСМОУСТОЙЧИВОСТЬ ТРУБОПРОВОДА, ПРОЛОЖЕННОГО ЧЕРЕЗ ОВРАГ

Мирзаев И.^{1,2}, Ан Е.В.²

¹Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент

²Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т.Уразбаева АН РУз, Ташкент
e-mail: ibrakhim.mir@mail.ru, ekaterinaan@mail.ru

Актуальность. Трубопроводы являются важной инфраструктурой, по которой транспортируется вода, газ, нефть и другие жидкости необходимые для обеспечения комфортной жизни людей. Надземная прокладка трубопроводов часто используется в сложных рельефных условиях с топографическими элементами, такими как овраги и реки. Овраги характеризуются значительной глубиной и крутизной склонов из-за чего появляются дополнительные нагрузки на трубопровод, что увеличивает риск его повреждений. В отличие от подземных систем, такие трубопроводы испытывают комплексное воздействие механических и природных факторов, к основным из них относятся статическое давление, температурные перепады, гравитационные, ветровые, сейсмические воздействия, оползни, эрозия и подвижки грунта. Таким образом, изучение устойчивости трубопроводов на эти воздействия является актуальным и жизненно необходимым.

Цель исследования. Выявить параметры, влияющие на сейсмостойкость трубопровода, проходящего через овраг, при действии сил в виде гравитационных, эксплуатационных и сейсмических нагрузок.

Методы. Рассмотрен участок газопровода конечной длины, когда средняя его часть находится на опорах в зоне оврага, а две крайние его части расположены в грунте. Высота опор подбирается таким образом, чтобы обеспечить одинаковый уровень расположения трубопровода в грунте и на опорах. Примыкающие к оврагу участки трубопровода находятся в грунте, где расстояние от верха засыпки трубы до верхней образующей трубы постоянно и равно 1 м. Внутреннее давление в трубопроводе 7,5 МПа, температурный перепад 30°C. Профиль газопровода задан в прямолинейной ортогональной системе координат под действием собственного веса, веса газа и воздействия эксплуатационных (давление транспортируемого газа и температурный перепад) и сейсмических нагрузок.

Граничные условия на торцах трубопровода задаются в предположении, что перемещения равны осадке грунта, а повороты относительно осей координат равны нулю. Так же введено допущение, что трубопровод установлен на скользящих опорах без ограничений на повороты. А в местах контакта с опорами положено, что только поперечные и вертикальные перемещения этих узлов задаются как движение грунта.

Взаимодействие трубопровода с окружающим грунтом на крайних участках, заложенных в грунт, описывается линейной моделью [1 – 4].

Формула распределенной внешней нагрузки, связанная с собственным весом единицы длины трубопровода и весом газа, приведена в работах [2–5].

В продольной осевой силе трубопровода учитывается деформация сжатия-растяжения, влияние давления транспортируемого газа и температурного перепада на изгиб трубопровода [2]. Задача является нелинейной из-за коэффициента продольного усилия в элементах. И для решения этой задачи используется метод последовательных приближений, который связан с большими поворотами и малыми деформациями [6]. Суть этого метода заключается в том, что вначале значение продольной силы принимаем по всей длине трубопровода в виде заданной силы и затем определяем в каждом конечном элементе значение продольного усилия с учетом искривленной формы трубопровода.

Полная математическая постановка задачи приведена в работе [7]. Используя метод конечных элементов (МКЭ), метод конечных разностей и метод последовательных приближений разработаны алгоритм решения и программа для моделирования нелинейного поведения трубопроводов, проложенного через овраг, на сейсмические нагрузки. Задача решена в два этапа. Сначала решена нелинейная статическая задача, т.е., когда трубопровод,

проложенный над оврагом, находится под действием собственного веса и эксплуатационных нагрузок. Проведено итерационное уточнение решения: при первой итерации на трубопровод действуют только собственный вес, вес транспортируемого продукта и начальное значение продольной силы, возникающей за счет давления и температурного перепада транспортируемого газа, т.е. после первой итерации образуется изгиб трубопровода. А в последующей итерации на трубопровод действует вычисленная продольная осевая сила, которая связана с деформацией сжатия-растяжения элементов трубопровода. Получается нелинейная задача, так как осевое усилие зависит от прогиба, а прогиб в свою очередь зависит от осевой силы. В результате решения статической задачи полученный вектор обозначается через $\{U_{st}\}$.

На втором этапе решена динамическая задача, когда трубопровод, проложенный через овраг, находится под действием гравитационных, эксплуатационных и сейсмических сил. Результаты статической задачи являются начальными данными для решения динамической задачи. Поэтому вводится коррекция по значениям $\{U_{st}\}$ на значения координат узловых точек и решается задача под действием гравитационных, эксплуатационных и сейсмических нагрузок. Сейсмическая нагрузка задана в виде трехкомпонентной сейсмограммы землетрясения Газли 1976 г. Продолжительность действия землетрясения $t=28$ с; амплитуда колебаний грунта соответствует 9*-балльному землетрясению по шкале MSK-64; сейсмическая волна распространяется со скоростью 500м/с по направлению оси трубопровода.

Результаты. При решении статической задачи сделана оценка погонной жесткости трубопровода (диаметр и толщина трубы на единицу длины) и реакций опор на прогиб и напряжения трубопровода, пересекающего овраг. Максимальная деформация трубопровода возникает в зоне оврага. Основным фактором, влияющим на реакцию трубопровода, является наличие опор в зоне оврага. Было выявлено, что отсутствие обеих опор в зоне оврага вызывает наибольший прогиб и наибольшее значение напряжения в трубопроводе, по сравнению со случаем наличия опор. А наименьшее значение максимального прогиба наблюдается в случае, когда трубопровод размещен на двух опорах в зоне оврага и имеется податливый грунт на участке, примыкающего к оврагу, поскольку податливый грунт позволяет трубопроводу просесть. Следовательно, этот случай является наиболее благоприятным решением прокладки трубопровода через овраг.

Исследования показали, что чем больше диаметр трубопровода, тем прогиб меньше вследствие увеличения изгибной жесткости. А с увеличением сжимающей трубопровод силы (обусловленное перепадом температуры и внутреннего давления транспортируемого продукта) происходит увеличение его прогиба. Перепад температуры и давление транспортируемого продукта оказывают большее влияние на прогиб при меньших диаметрах трубопровода.

При решении задачи в динамической постановке получены результаты о сейсмическом воздействии (сейсмограмма Газли) и влиянии опор на сейсмоустойчивость трубопровода, проходящего через овраг. Результаты численного моделирования продемонстрировали сложную картину распределения значений перемещений и напряжений вдоль длины трубопровода, вызванную воздействием сейсмической волны.

При наличии двух опор в зоне оврага динамика изменений амплитуд сейсмической волны в грунте совпадает со значениями колебаний вертикальных перемещений в месте закрепления трубопровода с опорой и жестким закреплением концов трубопровода в грунте, при этом наблюдается сдвиг по времени, связанный с приходом волны. Около правого торца трубопровода происходят высокочастотные колебания поперечных перемещений и максимальных нормальных напряжений, обусловленных тем, что максимальное вертикальное перемещение в заданной волне в этот момент времени подходит к правому торцу с последующим возникновением вибраций с собственной частотой.

Разрушение одной опоры приводит к вертикальному смещению трубопровода, равному перемещению, полученному по результатам расчета в статической постановке. И с приходом волны появляются высокочастотные колебания, связанные с отсутствием опоры. Наблюдается асимметрия картины смещений с преобладанием в левую сторону. На границе грунта появляется наибольшее сжимающее изгибное напряжение в нижней точке трубопровода (-25 МПа) из-за того, что грунт подпирает трубопровод и грунт подвергается большей деформации. В середине трубопровода растягивающее изгибное напряжение составляет 15 МПа, а максимальное растягивающее напряжение (20 МПа) - смещено влево от центра трубопровода.

При полном отсутствии опор наблюдается симметричная картина, наибольшее сжимающее изгибное напряжение составляет -50 МПа в точках, которые соответствуют берегам оврага. В середине трубопровода наибольшее растягивающее изгибное напряжение составляет приблизительно 40 МПа, это значение почти вдвое превосходит аналогичный показатель при наличии двух опор в зоне оврага.

Закключение. Проведенное исследование демонстрирует важность анализа распространяющейся сейсмической волны на поведение трубопроводов, проложенных над оврагами, для обеспечения их сейсмоустойчивости. Отмечено, что сейсмоустойчивость трубопроводов на статические и динамические нагрузки при прокладке через овраги зависит от таких факторов как погонная жесткость трубопровода, наличие опор в зоне оврага, эксплуатационные и сейсмическая воздействия.

Выявлено, что при расчете по сейсмограмме Газли (интенсивностью 9^* баллов по шкале MSK-64) напряжения (для случаев, когда отсутствуют одна или обе опоры в зоне оврага) превышают допустимый предел упругости стали марки Ст.3 с пределом упругости 185 МПа, что повышает риск разрушения трубопровода. Этот эффект обусловлен тем, что на трубопровод воздействует быстро возрастающая продольная нагрузка, аналогичный эффект описан в литературе [8] при изучении устойчивости балочных элементов.

На основе проведенных расчетов предложен наиболее благоприятный случай прокладки трубопроводов через овраг. Рекомендуется использовать усиленные конструкции в зонах оврага, применяя дополнительные меры защиты, такие как установка двух опор в зоне оврага и наличие податливого грунта на расстоянии 5 м на участках, примыкающих к оврагу. Дальнейшие исследования в этой области должны быть направлены на совершенствование методов и разработку более устойчивых конструкций трубопроводов, прокладываемых через овраги, что позволит повысить эффективность эксплуатации таких систем.

Список литературы:

1. Рашидов Т.Р. Динамическая теория сейсмостойкости сложных систем подземных сооружений. Ташкент: Фан, 1973. 180 с.
2. Шаммазов А.М. и др. Расчет и обеспечение прочности трубопроводов в сложных инженерно-геологических условиях. М.: Интер, 2005. 705 с.
3. Айнбиндер А.Б. Расчет магистральных и промысловых трубопроводов на прочность и устойчивость: Справочное пособие / А.Б. Айнбиндер. М.: Недра, 1991. 287 с.
4. Ясин Э.М., Черников Э.М. Устойчивость подземных трубопроводов. М.: Недра, 1967. 120 с.
5. Mardonov B., Mirzaev I., Nishonov N., An E., Kosimov E. Study of the uplift of buried pipelines in liquefied soils based on the earthquake record // E3S Web of Conferences TT21C-2024 "Actual Problems of Decarbonization of Transport and Power Engineering: Ways of Their Innovative Solution", 515, 04009.
6. Филиппов А.С. Численные методы в механике деформируемого твердого тела. М., 2016. 233 с.
7. Мирзаев И., Ан Е.В. Исследование устойчивости участка трубопровода, проходящего через овраг, на сейсмические воздействия // «Проблемы механики». 2024. №4. С. 73-81.
8. Вольмир А.С. Устойчивость упругих систем. М., 1963. 879 с.

ВЛИЯНИЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО НАПРЯЖЕНИЯ ПРОЛЕТНОГО СТРОЕНИЯ НА СЕЙСМОСТОЙКОСТЬ ЖЕЛЕЗОБЕТОННОГО ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО МОСТА

Мирзаев И., Аскарова Д.С.

Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент, Узбекистан

e-mail: ibrakhim.mir@mail.ru (+998 90 938-80-17)

Введение. В работе [1] представлена оценка безопасности на основе предельного состояния существующих предварительно – напряженных железобетонных пролетов моста в отношении изгибающего момента и механизма разрушения под действием осевой силы.

Расчет мостов и путепроводов на воздействие землетрясений с их записями позволяет анализировать их напряженно – деформированное состояние [2, 3].

В настоящей статье на примере расчета трехпролетного железобетонного железнодорожного моста на реальные сейсмические воздействия произошедших землетрясений показано влияние предварительного напряженного состояния пролетного строения на сейсмостойкость моста во время землетрясения.

Постановка задачи и методы решения. Сейсмические волны состоят из вертикального и двух горизонтальных смещений, мосты также имеют три измерения. Пролетные строения железобетонных железнодорожных мостов часто состоят из балок поперечного сечения различной формы. Остальные их конструктивные элементы имеют разные деформационные свойства и связаны друг с другом эксцентриситетами. Задача является математически сложной, для ее решения используются численные методы. Мосты сложной конструкции разбивают на элементы и узлы с помощью метода конечных элементов [3, 4]. Создающие предварительное напряжение в пролетном строении рабочие арматуры задаются предварительной деформацией и прикреплением каждого конечного элемента рабочей арматуры к нейтральной оси пролетного строения с эксцентриситетами.

Железобетонный железнодорожный мост состоит из трех пролетов (11.5+23.6+11.5 м), в котором использованы четыре типовые балки по 11.5 м (класс бетона В30) и две типовые балки по 23.6 м (класс бетона В35) с поперечными сечениями в форме тавра. Масса одного пролетного строения длиной 11.5 м составляет 28.9 т, в котором использована ненапряженная рабочая арматура А-III. Масса одного пролетного строения длиной 23.6 м составляет 49.2 т, использована предварительно – напряженная рабочая арматура Вр-II с заданной деформацией -0.00504.

Обсуждение результатов. Железнодорожный мост расположен в районе с сейсмической интенсивностью 7 баллов. Численным решением задачи сейсмостойкости моста показано изменение его напряженно – деформированного состояния во времени.

Результаты расчетов железнодорожного железобетонного моста получены на основании реальных записей землетрясений:

1. Boshroyeh (Иран) – 000181 (16.09.1978 г., 7 баллов по MSK-64, максимальные горизонтальные и вертикальное: ускорения – 0.955 м/с², 0.734 м/с² и 0.764 м/с²; скорости – 0.0901 м/с, 0.0948 м/с и 0.0682 м/с; перемещения – 0.0143 м, 0.0217 м и 0.0109 м; шаг оцифрования – 0.005 с, продолжительность – 41.645 с).

Для дискретизации железнодорожный мост был разбит на 151 конечный элемент с учетом работы каждого типа конечного элемента, количество узловых точек 118. Вычисления проводились по неявной схеме Ньюмарка с шагом по времени 0.001 с. Типы характеристик конечных элементов – 16 различных типов были даны через соответствующие порядковые номера. Количество соединений с эксцентритетом – 56.

Сначала рассмотрим изменение во времени нормальных напряжений в элементах пролетного строения 23.6 м, а также результаты расчетных значений для случаев работы под воздействием предварительно – напряженной арматуры.

На рис. 1 и 2 приведены графики изменения значений напряжений в верхней и нижней сторонах пролетного строения длиной 23.6 м. Напряжения в симметричных, относительно середины пролета, точках 52 и 54 почти одинаковы, поэтому график 52-го узла, имеющий желтый цвет, остается в тени красного цвета графика 54-го узла.




Рис. 1. Изменение по времени напряжений, возникающих в верхней стороне элементов пролетного строения, без предварительного напряжения (a) и с предварительным напряжением рабочей арматуры (b)




Рис. 2. Изменение по времени напряжений, возникающих в нижней стороне элементов пролетного строения, без предварительного напряжения (a) и с предварительным напряжением рабочей арматуры (b)

Результаты расчетов на сейсмостойкость железнодорожного моста на основании существующих записей 7 балльного землетрясения “Boshroyeh” в соответствии с нормативным документом ШНК 2.05.03-12 были сопоставлены с допустимыми значениями напряжений для соответствующих классов бетонов. Для пролетного строения длиной 23.6 м, изготовленного из бетона марки В35, допустимые напряжения при сжатии составляют -17.5 МПа, а при растяжении 3.25 МПа. В соответствии с полученными результатами, без предварительного напряжения арматуры железнодорожного моста, вычисленные значения оказались выше допустимых по нормативному документу значений напряжений на растяжение на 0.45 МПа, которое показывает, что пролетное строение может разрушиться под действием землетрясения.

Во втором случае, при получении значений с учетом предварительно – напряженной рабочей арматуры, расчетные значения соответствовали нормативным. По данным, полученным в результате расчетов, с учетом предварительно – напряженной арматуры во время землетрясения максимальное сжимающее напряжение в верхней стороне пролетного строения равно -6.7 МПа, а максимальное сжимающее напряжение в нижней стороне равно -4.2 МПа. Предварительное напряжение рабочей арматуры обеспечивает отсутствие растягивающих напряжений в пролетном строении, тем самым предотвращает образование трещин в бетоне.

В результате численного расчета сейсмостойкости железнодорожного моста с учетом предварительно – напряженной рабочей арматуры было выявлено, что мост выдержит землетрясение интенсивностью 7 баллов.

На рисунке 3 показан график вертикального смещения.

Из рисунка 3 видно, что в статическом состоянии прогиб пролетного строения уменьшается при учете предварительно – напряженной рабочей арматуры, а в динамике колебательный процесс происходит около статически равновесного состояния.




Рис. 3. Изменение вертикального смещения пролетного строения, без предварительного напряжения (синяя линия) и с предварительным напряжением рабочей арматуры (красная линия) по времени

Вывод. По результатам проведенного исследования можно сделать следующие выводы: В соответствии с полученными результатами при землетрясении “Boshroyeh”, без предварительного напряжения арматуры железнодорожного моста, вычисленные значения оказались выше на 0.45 МПа допустимых по нормативным документам значений напряжений на растяжение. С учетом предварительно – напряженной арматуры во время землетрясения максимальное сжимающее напряжение в верхней стороне пролетного строения равно -6.7 МПа, а максимальное сжимающее напряжение в нижней стороне равно -4.2 МПа. Предварительное напряженное состояние пролетного строения обеспечивает его работу в области сжимающих напряжений, тем самым обеспечивает сейсмостойкость моста при землетрясении интенсивностью 7 баллов.

Список литературы:

1. Ferrara M., Gino D., Miceli E., Giordano L., Malavisi M., Bertagnoli G. Safety assessment of existing prestressed reinforced concrete bridge decks through different approaches // Structural Concrete. 2024. <https://doi.org/10.1002/suco.202301049>
2. Mirzaev I., Askarova D., Turdiev M., Shomurodov J. Shear oscillations of bridge on sliding foundation during earthquake // E3S Web of Conferences. 2023, vol. 401, 01074. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340101074>
3. Shermukhamedov U., Mirzaev I., Karimova A., Askarova D. Calculation of the stress-strain state of monolithic bridges on the action of real seismic impacts // E3S Web of Conferences. 2023, vol. 401, 05080. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340105080>
4. Mirzaev I., Askarova D. Spatial oscillations of a railway bridge under the impact of a real earthquake // V Central Asian conference on soil mechanics and geotechnical engineering. 2022. pp. 91-95.

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА ХОРИЖИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ

Хотамов А.Т., Раҳматхўжаева Д.Ш.

Тошкент архитектура-қурилиш университети “Шаҳар инфратузилмаси” кафедраси
e-mail: a.xotamov@taqu.uz,

Аннотация: Мазкур мақолада хорижий мамлакатларда кўп квартирали уйлар (ККУ)ни реконструкция қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва амалий ёндашувлар ўрганилади. Швеция, Германия, Франция, Дания каби давлатлар тажрибаси асосида ККУ реконструкциясининг энергия самарадорлиги, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий ёндашувлар ва техник инновациялар таҳлил қилинади.

Қириш. Сўнгги ўн йилликларда кўп квартирали уй-жой фондининг эскириши глобал муаммога айланди. Айниқса, 1950-1980 йилларда қурилган турар-жойлар энергия самарадорлигининг пастлиги, техник носозликлар ва замонавий эҳтиёжларга жавоб бермаслиги билан ажралиб туради. Бу муаммо нафақат бизда, балки Европанинг ривожланган давлатларида ҳам долзарб ҳисобланади. Шу сабабли кўплаб илмий тадқиқотлар ушбу уйларни реконструкция қилишнинг самарали йўллари излашга қаратилган. Ушбу мақолада Швеция, Дания, Германия, Франция каби давлатларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинади ва уларнинг умумий хулосалари келтирилади.

Асосий қисм. Россия Федерациясида умумий уй-жой фондининг 10% ни 1959-1985 йилларда қурилган 290 млн. кв.м 5 қаватли йирик панелли “Хрущевка”лар ташкил этади. Уларнинг аксарияти ташқи деворларидан замонавий қурилган кўп квартирали уйларга нисбатан 3 баробар кўп иссиқлик йўқотади. Бу кўп квартирали уйларнинг жисмоний эскириш даражаси 40% дан 80% гача [1].

Энг кўп маънавий ва жисмоний эскириш К-7, ИИ-32, ИИ-35, ИИ-32, 1605-АМ, 1МГ-300 каби серияларга тегишли кўп квартирали уйларга хосдир [2-5].

1990 йилларда МНИИТЭП (Московский научно-исследовательский и проектный институт типологии, экспериментального проектирования) ва МосжилНИИпроект ҳамкорлигида олиб борилган техник текширувлар натижасида оммавий сериялар бўйича қурилган 1-464, 1-447, 1-335, 1-510, 1-511, 1-515 кўп квартирали уйларни бузиш бутунлай иқтисодий нуқтаи-назардан самарасиз ва бу масалани фақатгина шаҳарсизлик чоратадбирлари орқали ечиш мумкинлиги аниқланди. Улардаги мустаҳкамлик захираси узок йилларга ва ҳаттоки қўшимча 1–2 қават, агарда энгил конструкциялардан фойдаланилганда 3–4 қават устига қуриш имконияти мавжудлигини кўрсатади [2; 4-7].

Ҳозирги пайтда бундай кўп квартирали уйларни реконструкцияси бўйича Москвада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар кўп квартирали уйларни модернизация қилиш, ташқи деворларини иссиқлик қатламлари билан ҳимоялаш, устига 1 ёки 2 қават мансарда сифатида қават қуриш билан амалга оширилмоқда.

Бошқа хорижий мамлакатларда ҳам реконструкция масаласи энг муҳим масала ҳисобланиб, қурилишга ажратилаётган умумий маблағнинг 20-30% янги қурилишга, 70-80% эса реконструкция ишлари учун сарфланади [2]. Бу кўрсаткич РФ да 1.5-3% ни ташкил этса, Ўзбекистонда эса ундан ҳам паст. Яшаётган аҳолини кўчирмасдан 3-6 ойда кўп квартирали уйларни реконструкция қилиш бўйича Франция тажрибаси мутахассисларга маълум.

Швеция тажрибаси. Швецияда реконструкция стратегиялари энергия самарадорлигини ошириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Кристина Мжёрнелл ва Паула Феменіаснинг тадқиқотлари кўрсатадики, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини инобатга олган ҳолда уйларни модернизация қилиш мақсадга мувофиқ [3;7]. Реконструкция жараёнида ташқи иссиқлик изоляцияси, дераза алмаштириш, вентиляция тизимларини янгилаш асосий йўналишлар ҳисобланади. Швецияда кўп квартирали уйларга

хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш тўлиқ аҳолининг тўловлари ҳисобидан амалга оширилади.

Готенбургда тадқиқоти. Готенбург шаҳрида кўп квартирали уйларнинг энергия самарадорлиги ва реконструкция инвестициялари бўйича олиб борилган тадқиқотда, турли мулкдор гуруҳларининг инвестиция қарорлари ва энергия самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Тадқиқотда, ижтимоий мақсадли мулкдорлар, масалан, жамоат мулкдорлари, паст даромадли ҳудудларда кўпроқ инвестиция қилишга мойил эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, мулкдорларнинг ижтимоий мас'улиятга бўлган ёндошуви ва энергия самарадорлигини оширишга бўлган қизиқишлари таҳлил қилинган [7-8].

Дания ва Швеция – баҳолаш методологияси. Ёвко Иванов Антонов ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотда, Дания ва Швейцарияда кўп қаватли уйларни реконструкция қилиш учун баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган. Ушбу методология, турли реконструкция вариантларини баҳолашда иқтисодий ва энергия самарадорлиги параметрларини ҳисобга олишга қаратилган [1;4;9]. Тадқиқотда, турли реконструкция вариантларини баҳолашда ҳаётий цикл харажатлари ва энергия самарадорлиги каби параметрлар асосида қарорлар қабул қилиш кўрсатилган. Бу ёндашув узоқ муддатли харажатларни ҳисобга олиб, энг оптимал техник ечимни танлаш имконини беради [4].

Германия ва Франция молиявий ёндашуви. Бу борада Германия тажрибаси ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Масалан, Берлинда жами уй-жой фондининг 70% — 34 млн. та квартиранинг 24 млн. таси “ночор” турар-жой фонди сифатида қаралиб, реконструкция қилиш учун бунга 816 млрд. немис маркаси сарфланган [5]. Шарқий Германиянинг тажрибаси бўйича сўнгги 10 йилликда ташқи панел конструкцияси реконструкциясидан кейинги энергия тежамкорлик 30-70% га ошди. Германиядаги мазкур кўп квартирали уйлар 1980-йилларда қурилган бўлиб, ҳали улар техник ҳолат бўйича ночор аҳволда эмас эди [1].

Францияда 6 млн. та квартира комфорт талабига, 200 мингта квартира санитария-гигиеник меъёрлар талабига жавоб бермайди. Бундан ташқари Францияда аҳолини кўчирмасдан 3–6 ой ичида реконструкция қилиш амалиёти кенг қўлланилади [6].

Бошқа давлатлар мисолида. Нидерландияда давлат томонидан эски турар-жой даҳаларини реконструкция қилиш дотатсия ажратиш ҳисобидан бажарилади.

Голландияда кўп квартирали уйларни реконструкцияси, шаҳарни янгилаш бўйича ягона фонд эвазига амалга оширилиб, ҳукумат томонидан унга камида йилига 500 млн. доллар харажат қилинади.

Польшада ҳукумат томонидан 22% уй-жой фондини реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, бунда капитал таъмирлаш ёки реконструкция қиймати бинонинг тикланиш қийматининг 70% идан ошиб кетса, унда кўп квартирали уйлар бузилишига маҳкум бўлади.

Чехословакияда биринчи оммавий серияли кўп квартирали уйларни реконструкция жараёнида прогрессив сифатида биринчи ва охириги қаватлардан нотурар-жой сифатида бошқа тадбирлар учун фойдаланиш одат тусига кирган.

Умуман олганда, хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, алоҳида жойлашган кўп квартирали уйларни реконструкция қилиш самарасиз ҳисобланади. Шаҳарсизликда реконструкцияни ва реновацияни комплекс равишда амалга ошириш (ўзида капитал таъмирлаш ва модернизацияни акс эттирувчи эски турар-жой даҳаларини) самарали бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ўзини оқлайди.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ғарбий Европа мамлакатлари учун характерли бўлиб, республикамізда албатта бундай илғор тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Лекин мавжуд биноларнинг жисмоний умрбоқийлиги, зилзилабардошлик кўрсаткичи бўйича уларнинг захираси республикаміз учун долзарб масаладир. Сабаби, биноларни реконструкция қилишда иқтисодий, ижтимоий самардорликни белгилувчи учун биринчи сабаб – бу уларнинг техник хавфсизлигидир, юк кутарувчи конструкцияларнинг жисмоний захирасидан келиб чиқадиган зилзилабардошлик кўрсаткичидир. Узоқ муддатли эксплуатация мобайнида мавжуд дефектлар ривожланган,

қурилиш конструкциялари материалларининг дастлабки физик-механик хоссалари ўзгарган, бинонинг техник ҳолати категорияси номуайом ҳолатга келишидир.

Хулоса. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, кўп квартирали уйларни реконструкция қилишда ягона техник ёки молиявий ёндашув етарли эмас. Бундай дастурларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидагилар зарур:

- Ижтимоий масъулиятни ҳисобга олган стратегиялар;
- Энергия самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган технологиялар;
- Узоқ муддатли иқтисодий баҳолаш;
- Аҳоли ва мулкдорларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- Бинонинг жисмоний ва маънавий умрбоқийлигини прогнозлаш, баҳолаш;
- Бинонинг амалдаги зилзилабардошлигини баҳолаш;
- Бинонинг техник ҳолатини техник ҳолатлар категорияси бўйича аниқлаш.

Демак, Ўзбекистонда мавжуд уй-жой фондини модернизация қилиш, авваломбор мазкур фондга кирувчи биноларнинг сейсмик хатарларни камайтириш учун уларнинг жисмоний умрбоқийлиги ва зилзилабардошлигидан келиб чиққан ҳолда энергия сарфини камайтириш бўйича санация қилиш, комфортлик талаблари бўйича модернизация қилиш каби ишларни бажариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Чувилова И.В., Кравченко В.В. Комплексные методы реконструкции и модернизации массовой жилой застройки. Вестник ЮУрГУ, Серия «Строительство и архитектура», 2011. - с. 39-44.
2. Mjörnell, K., Femenías, P., & Annadotter, K. (2019). Sustainable Renovation Strategies for Multi-family Buildings in Sweden. Sustainability, 11(24), 6988. <https://doi.org/10.3390/su11246988>
3. Antonov, Y. I., Girsang, A. S., & Achurra, A. (2020). Multi-Criteria Assessment Methodology for Building Renovation in Denmark and Switzerland. Buildings, 10(6), 102. <https://doi.org/10.3390/buildings10060102>
4. Bundesministerium für Umwelt, Naturschutz, Bau und Reaktorsicherheit (BMUB). (2015). Energetische Sanierung von Wohngebäuden in Deutschland: Strategie und Umsetzung. Berlin: BMUB.
5. ADEME (Agence de l'Environnement et de la Maîtrise de l'Énergie). (2020). La rénovation énergétique des bâtiments: Enjeux et pratiques. Paris: ADEME Publications.
6. "Building Ownership, Renovation Investments, and Energy Performance - A Study of Multi-Family Dwellings in Gothenburg" (2018) Sustainability - Mikael Mangold, Magnus Österbring, Conny Overland, Tim Johansson, Holger Wallbaum.
7. Yovko Ivanov Antonov, Per Heiselberg, Flourentzos Flourentzou, Michal Zbigniew Pomianowski (2020)"Methodology for Evaluation and Development of Refurbishment Scenarios for Multi-Story Apartment Buildings, Applied to Two Buildings in Denmark and Switzerland". Buildings,10.3390/buildings10060102.
8. Шахарсозликда уй-жой фондини эскиришини баҳолаш методологияси ва мониторинг тизимининг илмий асослари. Дис. т.ф.д. Хотамов А.Т. Тошкент, ТАҚУ, 2021. 394 б.
9. <http://www.asninfo.ru/tegi/renovacia-cpb>.

SEGMENTLI YER OSTI QUVURLARI SEYSMODINAMIKASI

Mirzayev I.^{1,2}, Bekmirzayev D.A.², Qosimov E.A.², An E.V.²

¹Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent shahri

²M.T. O'rozboyev nomidagi Mexanika va inshootlar seysmik mustahkamligi instituti,
Toshkent shahri

e-mail: ibrakhim.mir@mail.ru

Mavzuning dolzarbligi. Yer osti quvurlar tizimi suv, gaz va neft mahsulotlarini uzoq masofalarga tashish uchun keng qo'llaniladi. Suv ta'minoti tizimlari odatda turli geologik sharoitlarga ega bo'lgan ob'ektlardan o'tadigan keng geografik hududlarda loyihalangani. Lekin er osti quvurlar tizimi kuchli zilzilalar paytida doimo jiddiy shikastlanadi. 2008 yil Venchuan zilzilasi ($M_L=8.0$) paytida 47 000 km dan ortiq er osti suv quvurlari tizimi shikastlangan va buning natijasida Sichuan provinsiyasidagi 69,6% hududlarda suv ta'minoti to'xtatilgan [1].

O'zaro ulangan segmentli er osti quvurlarining mexanik harakati bo'yicha ko'plab eksperimental va sonli hisoblash usullari mavjud. Jumladan, Newmark va Rosenbluth tomonidan er osti segmentli quvurlarning seysmik reaksiyasini baholash uchun bir xil deformatsiya usuli birinchi marta 1971 yil taklif qilingan. Ushbu usulda quvur deformatsiyasi atrofdagi grunt bilan bir xil deb hisoblanadi va quvurning inersiya kuchi e'tiborga olinmaydi [2].

Ushbu ishlarning davomi sifatida ko'plab olimlar tomonidan kvazistatik analitik usullar taklif qilingan va ishlab chiqilgan. Ushbu usullarga muvofiq, grunt va quvur o'rtasidagi chiziqli o'zaro ta'sirni hisobga olish mumkin. Hozirgi vaqtda analitik va chekli elementlar usullari ko'plab olimlar tomonidan quvur va grunt o'rtasidagi murakkab o'zaro ta'sirni modellashtirish uchun keng qo'llanilmoqda [3-4].

Yer osti quvurlari tarmog'i o'zaro murakkab hamda quduq bilan bog'lanadigan turli xil bog'lanishli tarmoqlanib ketgan er osti quvurlaridan tashkil topadi. Ulanishlar quvur strukturasining geometriyasi va qattiqligini o'zgartiradi va quvur tarmog'ining kuchlanganlik-deformatsiyalanganlik holatiga ta'sir qiladi [5].


Yuqori darajada ishlab chiqilgan bo'g'inlar segmentlangan quvur qismlari orasidagi nisbiy cho'zilish, siqilish, egilish va burilish orqali deformatsiyani yutish uchun ishlatiladi. Quvurning konstruktiv tizimini uzluksiz holatdan segmentlangan holatga o'tkazish va shu bilan bo'g'inlardagi kuchlanishlar konsentratsiyasini lokalizatsiya qilish orqali quvurning buzilishi xavfini kamaytirish mumkin [6].

Sohaga oid tadqiqotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, statik va dinamik jarayonlarda er osti quvurlarining seysmodinamik jarayonlarini matematik modellashtirish muammolari hozirgi kunda etarli darajada o'rganilmagan. Ushbu tadqiqotlar er osti quvurlar tizimi uchun seysmodinamik jarayonlarni modellashtirish muammolarini ishlab chiqish muhimligini ta'kidlaydi.

Tadqiqotning maqsadi. Maqolada "quvur-grunt" tizimining chiziqli munosabatida o'zaro burchak ostida ulangan bo'g'inli er osti fazoviy quvurlar tizimining seysmodinamik jarayonlari ko'rib chiqilgan.

Wei Liu va boshqalar tomonidan chop etilgan [7] ishda segmentlarga bo'lingan va o'zaro perpendikulyar joylashgan quvurlar tizimi 1940-yildagi "El-Centro" zilzilasi bir komponentli akselerogrammasi asosida tahlil qilingan. Mazkur tadqiqotda esa, xuddi shunday geometriyaga ega quvurlar tizimi uchun uch komponentli akselerogramma ta'sirida dinamik hisoblashlar bajarilgan. Olingan natijalar yuqorida ta'kidlangan maqolada keltirilgan natijalar bilan solishtirildi.

Maqolada o'zaro perpendikulyar birikkan bo'g'inli er osti fazoviy quvurlar tizimining seysmodinamik jarayonlari o'rganildi (1-rasm).



1-rasm. O‘zaro perpendikulyar birikkan bo‘g‘inli er osti fazoviy quvurlar tizimi

Usul va uslublar. Qo‘yilgan masalani hisoblashda sonli usullar sifatida fazoviy koordinatalar bo‘yicha chekli elementlar usuli va vaqt bo‘yicha chekli ayirmalar usulining oshkormas sxemasidan foydalanilgan. Seysmik to‘lqin ta’sirlari real zilzila yozuvlari asosida modellandi. Quvurlar tizimining mexanik va geometrik parametrlari 7-maqoladan olingan.

Hisoblashlar O‘zbekistonning Gazli shahrida 1976 yil 17-may sanasida sodir bo‘lgan intensivligi MSK-64 shkalasi bo‘yicha 9+ balni tashkil etgan zilzilaning uch komponentli real yozuvlaridan, 1940 yilda sodir bo‘lgan “El Centro” va 1978 yilda Eronning Tabas shahrida sodir bo‘lgan intensivligi MSK-64 shkalasi bo‘yicha 9 ball bo‘lgan zilzilalarning real yozuvlaridan foydalanilgan.

1-jadvalda “quvur-grunt” tizimining bo‘ylama va ko‘ndalang o‘zaro ta’sir koeffitsiyentlari $k_x = \pi D k_x^*$ (k_x^* – grunt va quvur o‘zaro ta’siri koeffitsiyenti) keltirilgan [7].

“Quvur-grunt” tizimining bo‘ylama va ko‘ndalang o‘zaro ta’sir koeffitsiyentlari

1-jadval

№	k_x (N/m ²)	k_y (N/m ²)
I-tip	3.4748×10^8	1.8596×10^9
II-tip	1.3048×10^8	6.6940×10^8

Natijalar. Wei Liu va boshqalar tomonidan tayyorlangan ilmiy ishda keltirilgan natijalarda “El Centro” zilzilasi bir komponentli zilzila yozuvlaridan foydalanilgan. 2-jadvalda maqola mualliflari tomonidan olingan natijalar Wei Liu va boshqalar ilmiy ishidagi natijalar bilan solishtirilgan. Hisoblashlar bir komponentli real zilzila yozuvlari asosida amalga oshirilgan hamda solishtirish natijalari keltirilgan.

Hisoblash natijalarini solishtirish

2-jadval

O‘zaro ta’sir koeffitsiyenti	Real zilzila yozuvlari	[14] ishdagi natijalar		Maqola mualliflari natijalari		Farq (%)
		BD_{chap} (mm)	$BD_{o'ng}$ (mm)	BD_{chap} (mm)	$BD_{o'ng}$ (mm)	
I-tip	El Centro (1-komp)	0.221	0.221	0.229	0.229	3.5%
II-tip	El Centro (1-komp)	0.291	0.291	0.301	0.301	3.3%

Hisoblash natijalaridan ko‘rinib turibdiki maqola mualliflari tomonidan olingan natijalar Wei Liu va boshqalar maqolasidagi natijalar bilan deyarli mos tushgan. Ushbu hisoblash natijalarini davom ettirgan holda uch komponentli turli hududlarda sodir bo‘lgan zilzilalarning real yozuvlaridan foydalanib hisoblash ishlari amalga oshirildi (3-jadval).

O‘zaro ulangan perpendikulyar shakldagi er osti quvurining OX o‘qida joylashgan chap va o‘ng segmentlaridagi hosil bo‘lgan nisbiy ko‘chishlari.

3-jadval

O‘zaro ta’sir koeffisienti	Real zilzila yozuvlari	BD_{chap} (mm)	$BD_{\text{o'ng}}$ (mm)
I-tip	El Centro (1-komp.)	0.229	0.229
	El Centro (3-komp.)	0.289	0.289
II-tip	El Centro (1-komp.)	0.301	0.301
	El Centro (3-komp.)	0.421	0.421
I-tip	Gazli (1-komp.)	0.250	0.250
	Gazli (3-komp.)	0.324	0.324
II-tip	Gazli (1-komp.)	0.326	0.326
	Gazli (3-komp.)	0.430	0.430
I-tip	Tabas (1-komp.)	0.412	0.412
	Tabas (3-komp.)	0.558	0.558
II-tip	Tabas (1-komp.)	0.544	0.544
	Tabas (3-komp.)	0.736	0.736

Xulosa. Uch komponentli zilzila yozuvlari bo‘yicha moslashuvchan bo‘g‘inlarda yuzaga keladigan deformatsiyalarning qiymatlari hisoblab chiqilgan. Zilzilalar intensivligining oshishi er osti quvurlari va nisbatan ko‘proq deformatsiyalanuvchan bo‘g‘inlarda yuzaga keladigan kuchlarning oshishiga olib kelishi aniqlangan. Olingan natijalar asosida bo‘g‘inlarning buzilishiga baho berish mumkin.

Moslashuvchan bo‘g‘inlarda yuzaga keladigan deformatsiya qiymatlarining ortishi seysmik to‘lqinning ta’sir yo‘nalishiga, uning komponentlariga hamda quvur va bo‘g‘in materialining fizik va mexanik parametrlariga bog‘liq.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Li, H. N., Xiao, S. Y., Huo, L. S. Damage investigation and analysis of engineering structures in the Wenchuan earthquake // *Journal of Building Structures*, 2008, vol. 29, no. 4, pp. 10-18.
2. Newmark N., Rosenblueth E. *Fundamentals of Earthquake Engineering*. New Jersey. 1971 y.
3. Wang, L. R. L.; Pikul, R. R.; O’Rourke, M. J. Imposed ground strain and buried pipelines // *Journal of Pressure Vessel Technology. Transactions of the ASME*, 1982, vol. 108, no. 2, pp. 259-263.
4. O’Rourke M.J., Liu X. *Seismic Design of Buried and Oshore Pipelines*, Elsevier, Amsterdam, Netherlands, 2012.
5. Mirzaev I., Nishonov N., Bekmirzaev D., Kosimov E. Seismodynamics of the Cross-Shaped Underground Pipeline under Real Earthquakes // *AIP Conference Proceedings*, 2022, 2432, 030107. <https://doi.org/10.1063/5.0089585>.
6. Melissianos V.E., Korakitis G.P., Gantes C.J., Bouckovalas G.D. Numerical evaluation of the effectiveness of flexible joints in buried pipelines subjected to strike-slip fault rupture // *Soil Dynamics and Earthquake Engineering* 2016, 90, 395–410. <https://doi.org/10.1016/j.soildyn.2016.09.012>.
7. Wei Liu, Zhaoyang Song and Yunchang Wang. Seismic Analysis of the Connections of Buried Segmented Pipes // *Computer Modeling in Engineering & Sciences. CMES*, vol.123, no.1, pp.257-282, 2020. doi: 10.32604/cmes.2020.07220.

НОТУРАР БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ ВА СЕЙСМИК РИСКНИ БАҲОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

Актамов Б.У.

ЎзРФА Ғ.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти, Тошкент шаҳри
e-mail: b.u.aktamov@gmail.com. тел: (+998) 97 409-20-27

Тадқиқотнинг долзарблиги. Сейсмик хавф юқори бўлган ҳудудларда нотўрар бино ва иншоотларни хатловдан ўтказиш, уларнинг конструктив ҳолатини баҳолаш ва эҳтимолий сейсмик хатарлар даражасини аниқлаш хавфсиз қурилишни таъминлашда муҳим амалий вазифадир. Бу жараёнда рақамли маълумотлар базалари, геоахборот тизимлари (ГАТ) ва кадастр маълумотларини жалб этиш сейсмик риск комплекс баҳолаш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади. Нотўрар бино ва иншоотларни сейсмик риск нуктаи назаридан баҳолаш учун конструктив таҳлил, рақамли маълумотлар базаси яратиш, ГАТ воситаларидан фойдаланиш ва кадастр маълумотларини интеграция қилиш асосида комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш имкониятларини аниқлаш.

Сейсмик рискни баҳолашда асосий ёндашувлар. Сейсмик рискни баҳолашнинг назарий жиҳатлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган бўлиб, улар сейсмик риск, қурилишнинг заифлиги ва сейсмик хавф каби омилларни ҳисобга олиш асосида сейсмик рискни баҳолаш ва прогноз қилиш усулини ишлаб чиққанлар [1-2]. Умумий қабул қилинган концепцияга кўра, В.И. Осипов ва бошқалар сейсмик хавф турли хил хавф элементларининг (одамлар, фуқаролик ва саноат аҳамиятига эга муҳандислик иншоотлари, ҳаёт таъминоти линиялари, инфратузилманинг бошқа таркибий қисмлари, иқтисодий ва тижорат фаолияти ва бошқалар) сейсмик хавфи ва заифлиги суперпозитсияси сифатида таърифлайди [1].

Сейсмик рискни баҳолашда услубий ёндашувлар. Сейсмик рискнинг таркибий қисмларини баҳолашда асосан иккита ёндашув қўлланилади: детерминистик ва эҳтимолий.

Детерминистик ёндашув сейсмик манбанинг геологик-тектоник хусусиятлари билан белгиланадиган максимал потенциалини ҳисобга олишга асосланган. 1) асосий сейсмоген зоналардан ўрганилаётган ҳудудгача минимал масофада мумкин бўлган максимал магнитудали ўчоқ мавжуд бўлганда ва 2) зилзила ўчоқларининг тарқоқлиги туфайли бевосита тадқиқот объекти остидаги фон сейсмиклиги асосий сейсмик манба сифатида қабул қилинганда. Бундай ёндашув сўнгги йилларда сейсмик хавфни баҳолашда "недетерминистик" ёки "сценарли зилзила" деган янги ном олди [1].

Эҳтимолий ёндашув турли хил сейсмик манбалардан участкада ҳисобланган сейсмик таъсирнинг пайдо бўлиш эҳтимолини баҳолайди. Иншоотлар ва биноларга сейсмик таъсирни эҳтимолий баҳолашда асосан учта омил ҳисобга олинади: таъсир кучи, тебранишларнинг спектрал таркиби ва маълум вақт оралиғида ҳисобланган қийматлардан ошиб кетиш эҳтимоли. Таъсир кучини баҳолашда ер юзаси тебранишларининг интенсивлиги (тезланишлар, тезликлар ёки силжишлар қийматларида) ва маълум бир ҳудуд учун сейсмик тебранишларнинг сўниш қонуни каби параметрлардан фойдаланилади [1].

Нотўрар бинолар ва иншоотларни сейсмик риск нуктаи назаридан баҳолашда қуйидаги кўп босқичли ёндашувлар муҳим: [2]

1-ёндашув. Конструктив параметрларни аниқлаш. Иншоотнинг лойиҳавий-меъморий хусусиятлари, қўлланилган қурилиш материаллари, ёш даражаси ва эксплуатация

ҳолати иншоотнинг сейсмик барқарорлигига тўғридан-тўғри таъсир этади. Хатлов пайтида қуйидаги параметрлар тўпланади:

- Иншоот тузилиши (рамали, панелли, ёпиқ конструкция ва б.к.);
- Девор ва устун материаллари (бетон, кирпич, металл ва ҳ.к.);
- Боғловчи элементлар ҳолати ва қўшимча мустаҳкамлаш ишлари мавжудлиги [2].

2-ёндашув. Грунт асосларини сейсмик таҳлили. Бино-иншоот пойдевори остидаги грунтлар сейсмик тўлқинларни қандай ўтказиши, уларда юзага келадиган кучайиш коэффиценти ($a_{\max}/g$), V_{s30} (30 м гача бўлган тезлик профили), HVSR (резонанс частотаси ва спектрал қийматлар) орқали баҳоланади. Грунтларнинг сейсмик хусусиятлари баъзан иншоотнинг ўзига қараганда ҳам рискни кўпроқ белгилайди [2-3].

3-ёндашув. Сейсмик риск даражасини классификациялаш. Европа Макросейсмик Шкаласи (EMS-98), FEMA ва маҳаллий сейсмик тузилмалар асосида ҳар бир иншоот учун индивидуал хавф категорияси белгиланади. Масалан:

- А – юқори хавф (функционал бузилиш хавфи юқори);
- В – ўрта хавф (қисман зарар эҳтимоли бор);
- С – паст хавф (ҳимоя ва таъмир талаб этилмайди).

Электрон маълумотлар базасини яратиш. Замонавий хатлов жараёнида маълумотларни қоғоз шаклда эмас, балки электрон форматда тўплаш ва сақлаш талаб этилади. Бу нафақат маълумотларни тизимлаштириш, балки уларни таҳлил қилиш, визуализация қилиш ва бошқариш имконини ҳам беради. Электрон база қуйидаги элементларни ўз ичига олади: Иншоот ID рақами ва GPS координаталари, конструктив маълумотлар (яширин нуқсонлар, эскириш даражаси), фото тасвирлари, сейсмик параметрлар (V_{s30} , HVSR, PGA), муаллиф ва хатлов санаси [2-4].

Геоахборот тизимлари (ГАТ)дан фойдаланиш. ГАТ платформалари (QGIS, ArcGIS, MapInfo ва ҳ.к.) орқали тўпланган маълумотлар географик асосда жойлаштирилади. Бу нафақат ҳар бир иншоотнинг аниқ манзили ва ҳолатини визуал кўрсатиш, балки ҳудудий таҳлил, хатарни кластерлаш ва стратегия яратиш имконини беради. Ушбу амалий тадқиқотлардан хавфли ҳудудлар тизимли хариталари, сейсмик rischi юқори туманлар рўйхати, иншоотлар тармоқларининг rischi таҳлил қилинади [2, 5-8].

Сейсмик rischi эҳтимоли юқори ҳудудларда реконструкция ва мустаҳкамлашга устуворлик бериш, хавфли ҳудудлар тизимли хариталари, сейсмик заифлиги юқори туманлар рўйхати, иншоотлар тармоқларининг (электр, сув, транспорт) риск таҳлили, сейсмик риск эҳтимоли юқори ҳудудларда реконструкция ва мустаҳкамлашга устуворлик бериш каби натижаларга эришилади.

Кадастр маълумотлари таҳлили. Мавжуд кадастр маълумотларини таҳлил қилиш нотўғри ёки умуман рўйхатга олинмаган нотўрар иншоотларни аниқлаш имконини беради. Айниқса хусусий мулк шаклидаги иншоотлар кўпинча давлат тизимларида қайд этилмаган бўлади. Бу сейсмик риск таҳлилида катта хато манбаи ҳисобланади [6]. Шу боис кадастр билан ГАТ маълумотларини қиёслаш орқали реал ҳолат акс эттирилади.

Хулоса ва таклифлар. Нотўрар бино ва иншоотларни хатловдан ўтказишда фақат техник кўздан кечириш етарли эмас. Ушбу жараёнда сейсмик таҳлил, рақамли маълумотлар тўплами, геоахборот тизимлари ва кадастр маълумотлари интеграция қилингандагина тўлиқ ва ишончли сейсмик риск баҳоси тузилиши мумкин. Мазкур ёндашувлар шошилиш ҳолатларда иншоотлар ҳолатини тез баҳолаш, ҳудудий реконструкция ва модернизацияни тўғри йўлга қўйиш, давлат бошқарувида сейсмик рискга қараб устуворликни аниқлаш

имконини яратади. Тадқиқот ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий талафотларга олдиндан тайёргарлик кўриш ҳамда сейсмик рискни камайтиришнинг илмий ва амалий дастурларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қўлланилади.

Ушбу мақола Иноватсион ривожланиш агентлиги томондан беринган амалий лойиҳа #АЛ- 8924073457-РЗ рақамли “Кучли zilzilalarда эпитсентрал зоналарда бино-иншоотларни шикастланишини макросейсмик ма’лумотлар базаси платформасини ишлаб чиқиш” лойиҳаси ҳисобидан тайёрланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ismailov, V. A., Aktamov, B. U., & Allayev, Sh. B. (2020). Methodology for assessing the consequences of strong earthquakes for urban areas (Методика оценки последствий сильного землетрясения для городских территорий). Journal of Civil Protection, 4, 305–315. <https://doi.org/10.33408/2519-237X.2020.4-3.305>
2. V.A. Ismailov, S. I. Yodgorov, S. B. Allayev, T.U.Mamarazikov,S.Avazov. Seismic microzoning of the Tashkent territory based on calculation methods // Soil Dynamics and Earthquake Engineering. – 2022. – Vol. 152. – P. 107045 <https://doi.org/10.1016/j.soildyn.2021.107045>
3. В.А.Исмаилов и д.р. Научно-исследовательская работа/ Сейсмическое микрорайонирование г.Ташкент в масштабе 1:25 000// Тошкент-2023
4. В.И.Уломов, (1995). Резонансные эффекты при сейсмических воздействиях на грунты и сооружения. Геотехническая механика, 10(2), 15
5. P.A. Burrough., R.A. McDonnell. Principles of Geographical Information Systems // Oxford University Press. 2015. 333 p.
6. Aktamov B. U., Ismailov V. A., Yodgorov Sh.I., «Earthquake damage assessment of buildings in rural areas (in the sample of Jizzakh region)», International Journal of Geology, India. pp 35–42, (2020)
7. M. Erdik., A. Durukal. Earthquake Risk Assessment for Istanbul Metropolitan Area // Soil Dynamics and Earthquake Engineering. 2008. Vol. 28, Issue 10-11. Pp. 714-723. <https://doi.org/10.1016/j.soildyn.2007.10.007>.
8. Aktamov B.U., Yodgorov Sh.I., Avazov Sh.B. Seismic risk assessment of residential buildings in the city of Jizzakh in terms of economic indicators // AIP Conference Proceedings. – 2025. – Vol. 3265. – P. 040011.Published: April 03, 2025. <https://doi.org/10.1063/5.0265044>

РЕШЕНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ ДИНАМИЧЕСКОЙ ЗАДАЧИ ПРОДОЛЬНО-СДВИГОВЫХ КОЛЕБАНИЙ МНОГОЭТАЖНЫХ ЗДАНИЙ В РАМКАХ КОНТИНУАЛЬНОЙ МОДЕЛИ

Шамсиев Д.К., Усаров Д.М., Аскарходжаев Ш.И.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений им.М.Т.Уразбаева АН РУз

E-mail: dilshodshamsiyev.1993@gmail.com

Аннотация. В этой статье приведена формулировка решения пространственной динамической задачи продольно-сдвиговых колебаниях многоэтажных зданий в рамках континуальной модели разработанной с использованием бимоментной теории толстых пластин. Приводятся основные уравнения поперечных колебаний, граничные условия на боковых и верхних гранях здания. Результаты расчетов получены в виде таблицы напряжений и перемещения участков зданий. Расчеты выполнены в программах которые разработаны от авторов статьи в среде Delphi.

Введение. Задача о продольных колебаниях многоэтажного здания является симметричной задачей бимоментной теории пластинчатых сооружений, разработанной в [1]. Сейсмические колебания многоэтажного здания в рамках пластинчатой модели рассматриваются в прямоугольной декартовой координатной системе x_1 , x_2 и z . Для удобства начало координат расположено в нижнем левом углу срединной поверхности континуальной пластинчатой модели многоэтажного здания. Направим оси OX_1 и OX_2 по длине и высоте, а ось OZ – вдоль ширины многоэтажного здания (пластинчатая модель).

Постановка задачи. Симметричная задача бимоментной теории пластин состоит из двух уравнений относительно продольных и тангенциальных усилий и четырех дополнительно построенных уравнений бимоментов относительно девяти неизвестных кинематических функций [2].

$$\begin{aligned}\bar{u}_k &= \frac{u_k^{(+)} + u_k^{(-)}}{2}, \quad \bar{\psi}_k = \frac{1}{2h} \int_{-h}^h u_k dz, \quad \bar{\beta}_k = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h u_k z^2 dz, \quad (k=1,2), \\ \bar{W} &= \frac{u_3^{(+)} - u_3^{(-)}}{2}, \quad \bar{r} = \frac{1}{2h^2} \int_{-h}^h u_3 z dz, \quad \bar{\gamma} = \frac{1}{2h^4} \int_{-h}^h u_3 z^3 dz.\end{aligned}\quad (5)$$

Вводятся грузовые члены уравнения движения для первой задачи $\bar{q}_k, (k=1,2), \bar{q}_3$, которые определяются по формулам:

$$\bar{q}_k = \frac{q_k^{(+)} - q_k^{(-)}}{2}, \quad (k=1,2), \quad \bar{q}_3 = \frac{q_3^{(+)} + q_3^{(-)}}{2} \quad (6)$$

Усилия n_{11}, n_{12}, n_{22} напряжений $\sigma_{11}, \sigma_{12}, \sigma_{22}$ определены выражениями:

$$\begin{aligned}n_{11} &= E_{11}\bar{\varepsilon}_{11} + E_{12}\bar{\varepsilon}_{22} + E_{13}\bar{\varepsilon}_{33}, \\ n_{22} &= E_{12}\bar{\varepsilon}_{11} + E_{22}\bar{\varepsilon}_{22} + E_{23}\bar{\varepsilon}_{33}, \\ n_{12} &= n_{21} = G_{12}(\bar{\varepsilon}_{12} + \bar{\varepsilon}_{21})\end{aligned}\quad (7)$$

$$\text{где } \bar{\varepsilon}_{11} = \frac{\partial \bar{\psi}_1}{\partial x_1}, \quad \bar{\varepsilon}_{22} = \frac{\partial \bar{\psi}_2}{\partial x_2}, \quad \bar{\varepsilon}_{33} = \frac{2\bar{W}}{H}, \quad \bar{\varepsilon}_{12} = \frac{\partial \bar{\psi}_2}{\partial x_1}.$$

Бимоменты $\bar{p}_{11}, \bar{p}_{22}, \bar{p}_{12}$ от напряжений $\sigma_{11}, \sigma_{12}, \sigma_{22}$ определены в виде:

$$\begin{aligned}\bar{p}_{11} &= E_{11}\bar{e}_{11} + E_{12}\bar{e}_{22} + E_{13}\bar{e}_{33}, \\ \bar{p}_{12} &= \bar{p}_{21} = G_{12}\bar{e}_{12}, \\ \bar{p}_{22} &= E_{12}\bar{e}_{11} + E_{22}\bar{e}_{22} + E_{23}\bar{e}_{33}.\end{aligned}\quad (8)$$

$$\text{где } \bar{e}_{11} = \frac{\partial \bar{\beta}_1}{\partial x_1}, \quad \bar{e}_{22} = \frac{\partial \bar{\beta}_2}{\partial x_2}, \quad \bar{e}_{33} = \frac{2\bar{W} - 4\bar{r}}{H}, \quad \bar{e}_{12} = \frac{\partial \bar{\beta}_2}{\partial x_1} + \frac{\partial \bar{\beta}_1}{\partial x_2}.$$

Динамический расчет многоэтажного здания при продольных колебаниях

Приводим численные результаты, полученные с использованием разработанной методики и алгоритма расчета многоэтажных зданий при продольных сейсмических воздействиях. Отметим, что поля распределения перемещений $\bar{u}_2, \bar{\psi}_2, \bar{\beta}_2, \bar{W}, \bar{r}, \bar{\gamma}$, возникающие под действием продольно-сдвиговой сейсмической нагрузки, являются симметричными. Аналогично, напряжения $\bar{\sigma}_{11}, \bar{\sigma}_{22}$, моменты N_{11}, N_{22} и бимоменты $T_{11}, T_{22}, \bar{p}_{33}, \bar{\tau}_{33}$ являются симметричными, что свидетельствует о достоверности полученных результатов. Поля распределения перемещений $\bar{u}_1, \bar{\psi}_1, \bar{\beta}_1$, возникающие под действием сейсмической нагрузки получены антисимметричными. Аналогично,

напряжения $\bar{\sigma}_{12}$, крутящие моменты N_{12} и бимоменты T_{12} , $\bar{p}_{13}$, $\bar{t}_{13}$ являются антисимметричными, что также свидетельствует о достоверности полученных результатов. Анализ численных результатов показал, что напряженно-деформированное состояние многоэтажного здания существенно зависит от значений высоты этажа a_1 и толщины внешних стен. С увеличением высоты этажа значительно увеличиваются нормальные напряжения $\bar{\sigma}_{11}$, $\bar{\sigma}_{22}$, горизонтальное и вертикальное перемещения $\bar{\psi}_1$, $\bar{\psi}_2$ и функции поперечного обжатия $\bar{r}$. Надо отметить, что значения нормального напряжения $\bar{\sigma}_{11}$ и функции поперечного обжатия $\bar{r}$ значительно меньше, чем значения поперечных сдвигов $\bar{\psi}_1$ и $\bar{\psi}_2$ [3].

Результаты расчетов 12-этажного здания при продольных колебаниях.

Определим максимальные значения перемещений во трех разных точках самих верхних частях крупнопанельного 12 этажного здания. Расчеты выполнены при следующих значениях: частота внешнего воздействия $\nu_0=3.0$ Гц, период основного тона колебаний $T_0 = \frac{1}{\nu_0} = 0.33$. Амплитуда внешнего воздействия A_0 зависит от балльности землетрясения, которая определяется из условия $A_0 \omega_0^2 = k_c g$, где k_c , g - коэффициент сейсмичности и ускорение свободного падения. Для восьми балльного землетрясения значение коэффициента сейсмичности равно $k_c = 0.2$. Следовательно, значение амплитуды внешнего воздействия получится равным $A_0 = \frac{k_c g}{\omega_0^2} = \frac{0.2 \cdot 9.8}{(6.28 \cdot 3)^2} = 0.552 \text{ см}$.

Высота, длина и ширина здания принимаются равными $b=40\text{м}$, $a=30\text{м}$ и $H=13$, соответственно. В таблице 1 представлены численные результаты перемещений, полученные при продольных колебаниях 12-этажного здания при 8-балльном землетрясении. Таблице 1 приведены значения продольного перемещения φ_1 и φ_2 в три разных точках 12-этажных зданий в самих верхних частью.

Таблица 1

Количество этажей	H, м	ν_0 , Гц	балльность (ks)	φ_1 , см					
				C ₁ (1;40)		C ₂ (8;40)		C ₃ (16;40)	
				min	max	min	max	min	max
12	13	3.0	0.2	-0.2	0.55	-0.2	0.55	-0.2	0.55
				φ_2 , см					
				min	max	min	max	min	max
				-0.07	0.07	-0.016	0.016	-0.002	0.002

Выводы. На основе разработанной методики расчета на сейсмостойкость получены численные результаты перемещений, напряжений в характерных зонах многоэтажных зданий для различных значений их размеров и частоты и амплитуды сейсмического воздействия. На основе анализа полученных численных результатов установлено, что значения перемещений и ускорений этажей здания могут увеличиваться от 2 до 10 раз в зависимости от интенсивности сейсмического воздействия по сравнению с их значениями в основании.

Список литературы:

1. Букша, В. В. Расчет и проектирование оснований и фундаментов промышленных зданий : учеб. пособие / В. В. Букша, Л. Н. Аверьянова, Н. Ф. Пыхтева ; Министерство образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2014. — 110 с.
2. Усаров М.К. «Бимоментная теория толстых анизотропных пластин.» Монография – Ташкент: изд-во «fan ziyosi», 2022. – 246 с.
3. Usarov M., Ayubov G., Usarov D., & Mamatisaev G., (2022). Spatial Vibrations of High-Rise Buildings Using a Plate Model//[Lecture Notes in Civil Engineering this link is disabled](https://doi.org/10.1007/978-3-030-85236-8_37), 182, P. – 403–418 https://doi.org/10.1007/978-3-030-85236-8_37

IV-BO‘LIM

SEYSMOLOGIK MA’LUMOTLARNI TAHLIL QILISH

RAQAMLI “CTR4-3S” SEYSMIK STANTSIYASINI ISHGA TUSHIRISH

Atabayev D.X., Xusanbayev D.D., To‘xtasinov A.X.

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti, Toshkent shahri


e-mail: axmad326@mail.ru,

So‘nggi vaqtlarda dunyoning turli davlatlarida sodir bo‘layotgan kuchli zilzilalar oqibatida yuzaga kelayotgan talafotlar mamlakatimizda seysmologiya, inshootlarining seysmik mustahkamligini, hududlar va aholining seysmik xavfsizligini ta‘minlash sohalarini rivojlantirish hamda ilmiy tadqiqotlarning samaradorligini yanada oshirishni, sohaga ilmiy jihatdan zamonaviy yondashuvlarni joriy etishni talab etmoqda. Ushbu masalaning nihoyatda dolzarbligi O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi aholisi va hududining seysmik xavfsizligini ta‘minlash to‘g‘risida”gi 2021-yil 13-sentabrdagi №713 Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 30-maydagi PF-144-sonli “O‘zbekiston Respublikasining seysmik xavfsizligini ta‘minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, hamda 2023-yil 16-maydagi PQ-158-sonli “O‘zbekiston Respublikasi aholisi va hududining seysmik xavfsizligini ta‘minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorida o‘z aksini topgan.

Ilmiy va texnologik yutuqlar, yangi metod va usullar seysmiklikni o‘rganishni yanada aniqroq va samaraliroq qilish imkoniyatini yaratmoqda. Zilzilalarni qayd etishda imkoniyatlari yuqori bo‘lgan zamonaviy seysmik stansiyalardan foydalanish juda katta ahamiyatga ega [1, 2]. Ular er silkinishlarini aniqlash, tahlil qilish va ularning ta‘sirini baholash uchun zarur bo‘lgan asosiy asbob-uskunalaridir. Bu borada Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti rivojlangan mamlakatlar bilan birgalikda seysmologiya sohasida hamkorlik aloqalarini olib bormoqda, jumladan Amerikaning Michigan state universiteti olimlari bilan birgalikda ikki tomonlama tajriba almashish va ilmiy tadqiqotlarni olib bormoqdalar. O‘zaro hamkorlik doirasida O‘zMU Geologiya va muhandislik geologiyasi fakultetining “Oqsoq-ota” o‘quv-dala amaliyoti bazasida hozirgi kunda so‘ngi rusumdagi “Centaur Digital Recorder CTR4-3S” seysmik stantsiyasi o‘rnatildi.

Dala amaliyoti bazasi Markaziy Tyan-Shanning Chotqol tizmasi janubiy-g‘arbiy etaklarida, Toshkent shahridan 80 km shimoliy-sharqda joylashgan. Hudud seysmik jihatdan seysmik faol zonada joylashgan. U Hindiston va Yevrosiyo plitalarining o‘zaro to‘qnashuv zonasining ta‘siri doirasida bo‘lib, ushbu plitalar orasidagi harakatlar va o‘zaro ta‘sirlar mintaqada kuchli tektonik jarayonlarni, shu jumladan, zilzilalarni va er qobig‘ining ko‘tarilishlarini keltirib chiqaradi. Hudud umumiy seysmik hududlashtirish OSR-2017 xaritasiga asosan 8 balli seysmik zona sifatida tasniflanadi. Seysmik stantsiyani o‘rnatishda ushbu hududning tanlanishi yuqoridagi omillardan kelib chiqqan.

Seysmik stantsiyaning o‘rnatilishida avvalambor to‘g‘ri hudud tanlanishi, qayd etilayotgan ma’lumotlarning sifati birinchi o‘rinda turadi. Bunda turli tashqi ta’sirlardan hosil bo‘lgan shovqinlardan (infratuzilma obyektlari, sanoat korxonalari (zavod va fabrikalar), texnogen obyektlar hamda boshqa) halos bo‘lish maqsadida seysmik to‘lqinlarni qayd qiluvchi seymoqabulqilgichlar 1,5 m chuqurlikda tub tog‘ jinslariga o‘rnatilgan (1-rasm). Seysmik stantsiya uzluksiz ishlashi uchun ikkita 12 V kuchlanishli, 50 Vt quvvatga ega bo‘lgan akkumlyatorlar bilan ta‘minlangan. Bu akkumlyatorlar bir vaqtning o‘zida seysmik stantsiyani elektr manbai bilan ta‘minlaydi va ikkita 100 Vt li quyosh panellaridan kunning yorug‘ vaqtida o‘zini-o‘zi quvvatlab turadi.



1-rasm. Seysmik stantsiyaning o'rnatilish sxemasi

Seysmik stantsiya tarkibiga boshqaruv bloki, seysmik signallarni qayd qilish va saqlash bloki, aniq vaqt tizimi, ASP platalari, ma'lumotlarni kompyuterga uzatish tizimi, butun tizimni tok bilan ta'minlash tizimi va seysmoqabulqilgichlar kiradi [3, 4].

Seysmik stantsiyaning asosiy parametrlari quyidagicha:


- 3 yoki 6 kanalli qayd qilish;
- 24-bitli ASP;
- kirish signalining kattaligi 40 V;
- seysmik stantsiya blokining o'lchamlari (mm): 195x137x89;
- og'irligi (g): 454;
- kirish kuchlanishi: 9-36 V (doimiy tok);
- diskretizatsiya qadami: 1 dan 5000 tan/s;
- tashqi hotirasi: SD kartaga bog'liq, 64 Gb gacha;
- ichki hotirasi: modelga bog'liq, 64 Gb gacha;
- GPS qabul qilgich (ichki GPS) tashqi antenna orqali.

Mamlakatimizda ushbu turdagi mahsulot uchun tasdiqlangan texnik reglamentlar mavjud bo'lmagan vaziyatda idoraviy sinov usullari va ko'rsatmalarini ishlab chiqish zarur va maqsadga muvofiqdir. Tekshirish va sinov jarayonlari va davriyligini belgilaydigan hujjatlar asosida amaldagi me'yoriy hujjatlar qabul qilinishi kerak va ular xalqaro amaliyotda mavjud bo'lgan usullar bilan to'ldirilishi mumkin. Mazkur seysmik stantsiyaga dasturiy-texnik majmua sifatida yondashish stantsiyaning sinov hajmi va turlarini, normativ, texnik va foydalanish hujjatlari to'plamini belgilaydi. Ushbu yondashuv yangi stantsiyalarni yaratish va ishga tushirish va mavjud seysmik stantsiyalarni sertifikatlashda amalga oshirilishi kerak. Bu borada o'rnatilgan seysmik stantsiya qiyoslash va operatsion sinovlardan o'tkazilib, sertifikatlangan.


Sinovlar kuchsiz er shovqini modeli va minimal seysmik shovqin darajasi bilan maxsus yaratilgan sharoitlarda qayd etilgan etalon seysmogrammalar sifatida qabul qilingan uskunalar bilan taqqoslash orqali amalga oshirilgan.

MSM xalqaro monitoring tizimida va GSN global seysmik tarmog'ida qabul qilingan, seysmik monitoring sohasidagi o'lchovlarning bir xilligini ta'minlash metodologiyasi ushbu seysmik kuzatuv tizimida qo'llanilgan. Uskunaning alohida elektron qismlarini sinovdan o'tkazish ma'lum standartlarga muvofiq amalga oshirilgan.

Oqsoq-ota amaliyot bazasiga o'rnatilgan seysmik stantsiyaning seysmogrammalari sifatini tekshirib ko'rish maqsadida ma'lumotlar WinQuake dasturida qayta ishlab ko'rildi (2-3-rasmlar).



2-rasm. Oqsoq-ota seysmik stansiyasi qayd etgan seysmogrammada P va S to'liqlarining ajralishi



3-rasm. Seysmik yozuvning spektr ko'rinishi

Seysmik stansiya seysmik tebranishlarni ochiq kanalda uzluksiz X, Y, Z, komponentlarda qabul qiladi. Seysmogrammlar har ikki soatlik qilib “*miniseed*” formatida saqlanadi bu esa ma'lumotlarni qayta ishlashda bir qancha qulayliklarni tug'diradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Третье поколение регистраторов сейсмических сигналов REF ТЕК, модель 130/01. Техническое описание и характеристики. Москва, 2008. Научно-инженерный центр «СИНАПС»-эксклюзивный представитель Refraction Technology Inc. <http://www.sunapse.ru/>. 4с.
2. Сенин Л.Н., Сенина Т.Е. Регистратор сейсмических сигналов «Регистр». Приборы и техника эксперимента №6. М.:Наука, 2005. С.141-142
3. Хусанбаев Д.Д., Атабаев Д.Х., Абдуллаева М.А. Широкополосная автономная цифровая сейсмическая станция АЦСС. Вестник НУУз, 3/1 2017, стр.324-327.
4. To'xtasinov A.X., Xusanbayev D.D. Yaratilgan avtonom raqamli seysmik stantsiyaning samaradorligi. Ilim-fan va innovatsion rivojlanish/6-son 2020 y.

KRASNOGORSK MAYDONI MISOLIDA SEYSMIK TADQIQOTLAR NATIJALARINI ZAMONAVIY USULLAR YORDAMIDA TAHLIL QILISH

Idiyev E.E., Eshimov Sh.A., Gofurov J.Z., Jumayev S.R.

Geologiya fanlari universiteti, H.M.Abdullayev nomidagi Geologiya va geofizika instituti

Mazkur tadqiqot Krasnogorsk maydonida olib borilgan seysmik qidiruv ishlari natijalarini tahlil qilishga bag'ishlangan. Tadqiqot doirasida "Lakkolit-24M" seysmik stansiyasi yordamida uchta seysmik profil bo'yicha o'lchov ishlari bajarildi. Olingan ma'lumotlar "ZondST2d" dasturi orqali qayta ishlanib, singan to'lqinlar korrelyatsion usuli asosida tuproq qatlamlarining geometriyasi va seysmik tezlik xususiyatlari aniqlandi.

Natijalar shuni ko'rsatdiki, tadqiqot hududi to'rtlamchi davr yotqiziqlari va cho'kindi jinslar bilan qoplangan bo'lib, uchta asosiy qatlamdan iborat. Yuqori ikki qatlam bo'shoq va g'ovak jinslardan tashkil topgan, seysmik to'lqinlarning tarqalish tezligi past ko'rsatkichlarga ega. Uchinchi qatlam esa zich va mustahkam struktura bilan ajralib turib, seysmik to'lqinlarning yuqori tezlikda tarqalishini ta'minlaydi. Shuningdek, tadqiqot chuqurligi 16 metrgacha etgan bo'lsa-da, hech qanday yoriqlar yoki muhim struktura elementlari aniqlanmadi.


Tadqiqot natijalari geologik tuzilishni chuqurroq anglash va kelgusidagi geofizik izlanishlar uchun ilmiy asos yaratishga xizmat qiladi.

Tadqiqot metodi. Krasnogorsk maydonida "Lakkolit-24M" seysmik stansiyasi yordamida seysmik tadqiqotlar olib borildi(1-rasm).

"Lakkolit-24M" seysmik stansiyasi 24 kanalli GS-20DX seysmik qabul qilgichlaridan tashkil topgan bo'lib, bitta profil uchun uchta to'liq oqim (har bir oqim 24 kanaldan iborat) uzatgichi ishlatilib seysmik qabul qilgichlar orasidagi masofa 2 metr, to'liq oqimlar uzunligi 46 metrni tashkil etgan. Elastik tebranishlarni qo'zg'atish uchun 32 kgli giryadan foydalanilgan. Har bir nuqtada 5-6 martadan zarba berildi. Qo'zg'atish nuqtasi 1-12-24 nuqtalarda (navbatib 0, 23, 47 m.) joylashtirildi. Chiqindi (chegaralovchi) seysmik qabul qilgichlaridan birinchi va yigirma to'rtinchi seysmik qabul qilgichlarigacha bo'lgan masofa 12 metr. Umumiy profil uzunligi 116 metrni tashkil etadi(2-rasm).




1-rasm. Tadqiqot maydonidagi seysmik profil joylashuv o'ri.




2-rasm. Seysmik profillarni joylashtirish sxemasi va oraliq masofalari.


Olingan natijalar tahlili. Olingan birlamchi ma'lumotlarni qayta ishlash ishlari esa "ZondST2d" dasturi yordamida amalga oshirildi. Seysmogrammalar asosida singan to'lqinlarning korrelyatsion usulidan foydalanib hisoblagich va tutashuvchi godograflar tuzildi (3, 4, 5-rasmlar), ularning teskari yo'nalishlari profil bo'yicha tuproq qatlamlarining chegaralari geometriyasi va tezlik ko'rsatkichlari seysmik kesim ko'rinishida ko'rsatib berilgan (6, 7, 8-rasm).



3 - rasm. Birinchi profil tutashuvchi godografi.




4-rasm. Ikkinchi profil tutashuvchi godografi.



5-rasm. Uchinchi profil tutashuvchi godografi.

Birinchi seysmik oqim ikkinchi seysmik oqimga to'ldiruvchi hamda mutanosib tarzda joylashtirildi va bular bir bo'lib seysmik profilni tashkil qiladi.


Birinchi seysmik profilda ustki qoplama qatlam qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 1,5 metrdan 2,0 metr oralig'ida o'zgarib boradi. Qatlam g'ovakdorligi kata bo'lganligi hamda bo'shoq jinslardan iboratligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi 0,32 km/s dan 0,35 km/s gachani tashkil qiladi. Ikkinchi qatlam qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 3,0 metrdan 4,5 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Qatlam yuqoridagi qoplama qatlamdan mustahkamroqligi va zichligi bilan sezilarli farq qilganligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi ham 0,43 km/s dan 0,53 km/s gachani tashkil qildi. Uchunchi qatlamning o'rganilgan chuqurlikdagi qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 10,0 metrdan – 11,0 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Yuqorida joylashgan ikki qatlamdan fizik ko'rsatkichlari bilan keskin farq qiluvchi ushbu qatlamda seysmik to'lqin tarqalish tezligi etarlicha yuqori ko'rsatkichni ya'ni 0,85 km/s.dan -0,95 km/s.gachani tashkil qildi (6- rasm).



6-rasm. Birinchi profil seysmik kesimi.


Ikkinchi seysmik profilda ham ustki qoplama qatlam qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 1,0 metrdan 2,0 metr oralig'ida o'zgarib boradi. Qatlam g'ovakdorligi kata bo'lganligi hamda bo'shoq jinslardan iboratligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi 0,33 km/s dan 0,35 km/s.gachani

tashkil qiladi. Ikkinchi qatlam qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 3,0 metrdan 4,5 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Qatlam yuqoridagi qoplama qatlamdan mustahkamroqligi va zichligi bilan sezilarli farq qilganligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi ham 0,50 km/s dan 0,56 km/s gachani tashkil qildi. Uchunchi qatlamning o'rganilgan chuqurlikdagi qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 10,0 metrdan 11,0 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Yuqorida joylashgan ikki qatlamdan fizik ko'rsatkichlari bilan keskin farq qiluvchi ushbu qatlamda seysmik to'lqin tarqalish tezligi etarlicha yuqori ko'rsatkichni ya'ni 0,93 km/s dan 0,98 km/s gachani tashkil qildi (7-rasm).



7-rasm. Ikkinchi profil seysmik kesimi.

Uchunchi seysmik profil ham uchta qatlamdan iborat ekanligi aniqlandi. Birinchi qoplama qatlamining qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 1,0 metrdan 2,0 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Seysmik to'lqinlarning tarqalish tezligi esa 0,34 km/s dan 0,43 km/s gachani tashkil qiladi. Ikkinchi qatlam qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 3,0 metrdan 5,0 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Qatlam yuqori qoplama qatlamdan fizik ko'rsatkichlari bilan sezilarli farq qilganligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi ham sezilarli oshgan, ya'ni 0,50 km/s dan 0,57 km/s gachani tashkil qildi. Uchunchi qatlam o'rganilgan qalinligi oqim uzunligi bo'ylab 10,0 metrdan 11,5 metrgacha oraliqda o'zgarib boradi. Ushbu qatlamning fizik ko'rsatkichlari yuqorida joylashgan qatlamlardan keskin yuqoriligi bilan farq qilganligi sababli seysmik to'lqin tarqalish tezligi ham ancha yuqori ko'rsatkichni 0,95 km/s dan 1,12 km/s gachani tashkil etdi (8-rasm).



8-rasm. Uchunchi profil seysmik kesimi.


O'tkazilgan seysmik qidiruv ishlari hamda qayta ishlangan ma'lumotlardan shuni tushunish mumkinki, yahlid profil bo'ylab chuqurlik 16 metrgacha bo'lgan qismida hech qanday darsliklar, o'ziga xos struktura elementlari va g'ovakdorliklar aniqlanmadi. Uchta seysmik profilni birlashtirish orqali bunga yanada amin bo'lishimiz mumkun (9-rasm).

Xulosa. Krasnogorsk hududida olib borilgan seysmik tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatdiki, 16 metrgacha bo'lgan chuqurlikda hech qanday yoriqlar, tektonik o'zgarishlar yoki geologik struktura elementlari aniqlanmadi. Tadqiqot hududi asosan to'rtlamchi davr yotqiziqlari va cho'kindi jinslar bilan qoplangan bo'lib, ustki qatlamlar bo'shoq tuzilishga ega. Ularning seysmik to'lqin tarqalish tezliklari past bo'lib, geologik barqarorligini tasdiqlaydi.

Hududning chuqurroq qatlamlari esa ancha zich va mustahkam jinslardan iborat ekani aniqlandi. Bu qatlamlar seysmik to'lqinlarning yuqori tezlikda tarqalishini ko'rsatib, cho'kindi qatlamlar ostida yaxlit jinslar mavjudligi haqida ma'lumot beradi. Ushbu qatlamlarning aniqlanishi muhim bo'lib, ular hududda geologik barqarorlikni ta'minlovchi asosiy omillardan biri hisoblanadi.

O'tkazilgan tadqiqotlarning ilmiy va amaliy ahamiyati quyidagilarda namoyon bo'ladi:

1. Muhandislik-geologik tadqiqotlar uchun ma'lumot bazasi;



9 –rasm. Har uchala profil ma'lumotlariga asoslangan holda yaratilgan hududning 3D grafik ko'rinishi va kesimlari

- Qurilish loyihalarini ishlab chiqishda, ayniqsa, infratuzilma ob'ektlarini (yo'llar, ko'priklar, binolar) joylashtirishda seysmik qatlamlarning xususiyatlarini bilish juda muhim.

- Ustki qatlamlarning g'ovakdorligi va mustahkamlik darajasi poydevor barqarorligi uchun asosiy ko'rsatkich hisoblanadi.

2. Suv resurslarini baholash va gidrogeologik tadqiqotlar;

- Bo'shoq jinslardan tashkil topgan ustki qatlamlar er osti suvlari to'planishi mumkin bo'lgan zonalar ekanligini ko'rsatadi.

- Gidrogeologik tadqiqotlar uchun ushbu natijalar quduqlar va suv ta'minoti tizimlarini loyihalashda yordam beradi.

3. Arxeologik qazilma ishlarida va er yuzasiga yaqin joylashgan geologik struktura elementlarini aniqlashda;

- Ushbu tadqiqot usullari yordamida arxeologik qazilma ishlari oldidan uncha chuqur bo'lmagan er sathini o'rganishda.

- Yer yuzasiga yaqin joylashgan daykalar, kvarts tomirlari, er yoriqlari va shunga o'xsash mayda struktura elementlarini ham aniqlash imkonini beradi.

4. Tabiiy ofatlar xavfini baholash

- Seysmik tadqiqotlar natijalari hududning zilzilabardoshlik darajasini baholashga yordam beradi.

- Agar hududda cho'kindi jinslar ustunlik qilsa, zilzila vaqtida deformatsiyalar yuzaga kelishi mumkin, bu esa qo'shimcha qurilish choralarini talab qiladi.

Kelajakda yanada chuqurroq geofizik tadqiqotlar olib borish orqali er osti qatlamlarining stratigrafik tuzilishini to'liq o'rganish va chuqurroq qatlamlar bo'yicha qo'shimcha xulosalar chiqarish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunday tadqiqotlar muhandislik-geologik loyihalar va qazilma boyliklarni o'rganish ishlarini yanada samarali olib borish imkonini beradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. L.A.Sim. Foydali qazilma konlarini izlash va qidirishning geofizik usullari. Toshkent – 1996. 302 – 329 betlar.
2. R.YU.Yusupov, B.X. Xaydarov. Amaliy geofizika. “Sano standart” nashriyoti. Toshkent – 2019. 75 – 102 betlar.
3. X. Atabayev, D.X. Atabayev, A.B. Goipov. Seysmologiya va seysmometriya. Toshkent “Donishmand ziyosi” 2020. 75 – 116 betlar.
4. N.K. Oripov, J.Sh. Bozorov. Qoziq poydevorli binolar qurilgan maydonlarda seysmik ta'sirning o'zgarishi. “Seysmologiya muammolari” jurnali. №2 2024. 86 – 98 betlar.
5. Бондарев В.И. Сейсморазведка: учебник для вузов. Екатеринбург, 2006.
6. Козлов Е.А., Боуска Д., Медведов Д.К., Роденко А.И. Лучшие сейсмика 3Д – только сейсмика 3Д, хорошо спланированния. 1998г. Геофизика №6.
7. Боганик Г.Н., Гурвич И.И., Сейсморазведка: учебник для вузов. Тверь: АИС, 2006.
8. Saxobidinov R.I. Angren ko'mir koni atrofida ko'chki xavfini o'rganish.

CHORVOQ SUV OMBORIDAGI SUV SATHI O'ZGARISHINING GEOMAGNIT MAYDON QIYMAT O'ZGARISHIGA BOG'LIQLIGI (2023-YIL MISOLIDA)

Jabborov U.Ch.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: jabborovulugbek341@gmail.com

Annotatsiya. Jaxon amaliyotida suv omborlarining gidrologik rejimining o'zgarishi bilan bog'liq geomagnit maydonlarda sodir bo'ladigan juz'iy o'zgarishlar kuzatilgan. Xususan O'zbekitondagi yirik suv omborlari atrofida shu jarayonga bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan zilzilalar miqdorining o'zgarishi va geomagnit maydonlar anomaliyasidagi o'zgarishlar anchayin keng hududlargacha borishi mumkinligi aniqlangan. Ushbu ishda ishida qo'yilayotgan masalalar foydalanilayotgan texnogen obyektlar joylashgan maydonlardagi tog' jinslarining turli gidrologik rejimdagi o'ziga xos geofizik xususiyatlarini tadqiq etish va geofizik maydonlardagi o'zgarishlarni oldindan baholash uchun dolzarbdir.

Kalit so'zlar: Zilzila, magnitometr, stansiya, magnit, o'lchov, hudud, marshurt, asbob, tadqiqot, uskuna.

Tadqiqotning maqsadi. Chorvoq suv ombori gidrologik rejimining yaqin hududidagi geomagnit maydonlarga ta'sirini tadqiq etishdan iborat.

Usul va uslublar: Chorvoq suv ombori hududi joylashgan vohadagi seysmotektonik tuzilmalarining deformatsiyalanish holatidagi o'zgarishlarni o'rganish 1975 yildan boshlab takroriy marshrut, maydon va statsionar geomagnit kuzatishlar yordamida olib borilgan [1,2]. Ma'lumki statsionar kuzatuvlar marshrut va hudud geomagnit tadqiqotlar bilan aniqlangan anomal namoyon bo'lgan hududlarda yoki boshqa bashorat qilish usullari bilan aniqlangan anomal zonlarda o'tkazilgan [1,2]. Bunda asosan sinxron kuzatuvlar usuli ishlatilgan. Kuzatishlar turli geologik va geofizik sharoitlarda yuqori aniqlikdagi (sezuvchanlikgi $\pm 0,1$ nTl) TMP (ig UO RAS, Yekaterinburg), MPP-1m (IFZ RAS), MV-01 (Rudgeofizika, Sankt-Peterburg, Rossiya), GSM-19t (Kanada) proton magnetometrlarida amalga oshirilgan [1,2].


Chorvoq suv ombori hududi joylashgan voha va undan kengroq zonasida statsionar kuzatuvlarning umumiy soni esa – 4 ta o'lchov nuqtalaridan iborat bo'lgan. Bunda 4 ta statsionar kuzatuv o'lchov nuqtalari Xumson, Nazarbek, Chortoq va Yangi-Bozor magnetometrik stansiyalari 2020-2023 yillar davomida uzluksiz ishlagan.

Bungacha Chorvoq suv ombori hududida magnet maydonining variatsiyalari ΔT o'rganilgan va ombordagi suv bosimining oshish va pasayishiga nisbatan geomagnit maydon variatsiyasining o'zgarishi aniqlangan [5]. Ma'lumki suv omboridan er qobig'iga kuch yuklanishi va yuksizlanishdagi sikl yildan yilga qaytarilib turadi. Ko'p yillik kuzatuvlar natijasida geomagnit

maydon ΔT variatsiyasi turli suv omborlarida suv hajmi oshganda pasayib, kamayganda ortib borishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Statsionar stansiyalarning aksariyati 1980-1982 yillardan boshlab ishlagan. Eski statsionar magnetometrik stansiyalar 2019 yildan beri barcha geodinamik poligonda yangi GSM-19T magnetometrlari bilan almashtirildi, ular har bir sutka 10 daqiqa davomida o'lov diskretligi bilan ishlaydi. Statsionar Xumson, Chortoq, Yangi-Bozor stansiyalarda geomagnit maydonning o'zgarishini nazorat qilish Toshkent tumanida joylashgan Nazarbek rasadxonasiga nisbatan amalga oshirildi (1-rasm).


Bunda ΔT geomagnit maydon variatsiyasi o'zgarishini ko'rib chiqish uchun Xumson gm/s, Yangi-Bozor gm/s, Chortoq gm/s laridagi statistik ma'lumotlari alohida har bir yilning oylar kesimida o'zgarish grafiklari va ularga mos tenglamalari approssimatsiya etib qurildi.



1-rasm. Chirchik suv ombori atrofida 2023 yillarda statsionar ishlagan magnetometrik stansiyalar joylashishi

Shartli belgilar: 1- magnetometrik stansiyalar; 2- Chirchik suv ombori stvori; 3- Chirchik suv ombori stvoridan magnetometrik stansiyalargacha masofa (km)

Xumson, Chortoq, Yangi-Bozor statsionar stansiyalarda geomagnit maydonning o'zgarishini 2023 yil ma'lumotlari bo'yicha nazorat qilish Toshkent tumanida joylashgan Nazarbek rasadxonasiga nisbatan amalga oshirilganda quyidagi 2-rasmlardagi grafiklar chiqdi.



Natijalar: Yuqorida keltirilgan uchta magnitometrik stansiyalarning 2023-yildagi qiymatlarining tayanch stansiya sifatida foydalanilgan Nazarbek stansiya ma'lumotlariga nisbati hisoblanib chiqildi ya'ni har bir stansiyada bir sutkada 144 ta ma'lumot mavjud bo'lib 2023-yilda

jami 52560 ta qiymatni o'z ichiga oladi, uchta stansiya uchun esa 157680 ta ma'lumotlar tahlil qilindi. Olingan natijalar 2023-yilning xar bir oyi uchun ajratib olindi va o'rganilib 1-jadvaldagi natijalar olindi.

1-jadval.

Magnitometrik stansiyalarning 2023-yildagi qiymatlarining tayanch stansiyaga nisbatan farqlari

№	Oy	Yangibozor	Xumson	Chortoq
1	Yanvar	-114,844	-24,879	352,6169
2	Fevral	-115,052	-25,1942	356,1067
3	Mart	-108,524	-20,9284	359,3226
4	Aprel	-101,412	-14,6423	366,9858
5	May	-90,6768	-4,90983	375,9086
6	Iyun	-85,7189	6,504961	381,0238
7	Iyul	-81,4598	10,6917	387,2178
8	Avgust	-77,1881	9,136833	390,1774
9	Sentyabr	-76,5421	10,22457	392,0959
10	Oktyabr	-70,1213	15,77787	399,5535
11	Noyabr	-66,0741	20,69689	401,3459
12	Dekabr	-57,4587	29,8573	411,2164

Xulosa: Hisoblangan ΔT ning o'rtacha kunlik qiymatining turli stansiyalar uchun oylik o'rtacha qiymatdan standart og'ishi $\sigma^2 = \pm 0,3 \div 1,8$ nTl gacha. Shu bilan birga, magnit maydonning o'rtacha davriy o'zgarishining fon darajasining intensivligidan ($2\sigma^2$) ikki yoki undan ortiq martta oshib ketadigan har qanday ijobiy yoki salbiy tendensiyasi biz tomonidan anomal o'zgarish sifatida qabul qilindi.

Bular asosida geomagnit maydon variatsiyasi ΔT o'rtacha o'zgarish qiymatlarini aniqlash mumkin. Keltirilgan ma'lumotlar doirasida Chorvoq suv ombori ekspluatatsiya rejimida hisoblangan ΔT geomagnit maydon variatsiyasi o'zgarishi monoton tekis chiqdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хамидов Л.А., Анварова С.Г., Жабборов У.Ч. Распределение землетрясений в разломах близких к Чарвакскому водохранилищу // Разломообразование в литосфере и сопутствующие процессы: тектонофизический аспект, Всероссийская конференция с участием приглашенных исследователей из других стран, 16–20 сентября 2024 г., г.Иркутск.- С.124-125.

2. Муминов М.Ю., Ганиев А.У., Мирзоедов М.З., Жабборов У.Ч. Возможности магнитометрической станции Чимион в прогнозировании землетрясений // Seysmologiya muammolari, №1, т.5, 2023, С.28-41.

3. Жабборов У.Ч. Чорвоқ сув омбори атрофида 2017-2023 йиллар кесимида сейсмик кузатув ишлари ва статистик маълумотлар // Respublika ilmiy anjumani materiallari //prof. X.D.Ishbayev tahriri ostida. - Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti. -Toshkent: O'zMU, 2024, 102-105 б.

4. Хамидов Л.А., Жабборов У.Ч. Чорвоқ сув омбори ҳудудидаги қазилма конларидан фойдаланишга таъсир этувчи тектоник ёриқлардаги техноген деформациялар.// Материалы Междунар. науч.-практ. конф. 22 августа 2024 г; Университет геологических наук, ГУ «ИМР». - Т.: ГУ «ИМР», 2024., С.532-535.

5. Абдуллабеков К.Н., Максудов С.Х., Туйчиев А.И., Юсупов В.Р. Аномалии геомагнитного поля, связанные с изменением объема воды и землетрясениями на Чарвакском микрополигоне.// Вестник Национального университета Узбекистана, 2012, т. 2/1, С. 5-9.

GIDROTEXNIKA INSHOOTLARI QURILISH HOLATLARI VA BARQARORLIGINI BAHOLASHNI O'RGANISHDA TABIIY ELEKTR MAYDON GEOFIZIK USULINING SAMARADORLIGI (SARDOBA SUV OMBORI MISOLIDA)

Jo'rayev I.I.

«Gidroproekt» AJ, Toshkent shahri

e-mail. info@gidroproekt.uz

Kirish. Suv omborlarida filtratsiya jarayonlari inshoot mustahkamligiga bevosita ta'sir qiladi. Filtratsion oqimlar damba tanasi orqali o'tib, eroziya va yuvilishlarga sabab bo'lishi mumkin. Bunday jarayonlarni erta aniqlash uchun geofizik usullar, ayniqsa tabiiy elektr maydon usuli keng qo'llaniladi. Ushbu maqolada Sardoba suv omborida ushbu usul yordamida olingan natijalar asosida filtratsiya xavfi bo'lgan zonalar aniqlanadi.

Suv omborlari bugungi kunda energetika, irrigatsiya, ichimlik suvi ta'minoti, ekotizimni muvozanatlash va boshqa ko'plab sohalarida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Shu bilan birga, bu inshootlarning barqarorligi va xavfsizligi har doim muhim muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Ayniqsa, filtratsiya jarayonlari — ya'ni suvning damba va uning taglik qatlamlari orqali o'tishi suv omborining texnik holatiga bevosita ta'sir etadi. Filtratsiya sababli tuproq qatlamlarida yuvilish, eroziya, zichlikning pasayishi, bosim farqlari kabi jarayonlar yuzaga keladi, bu esa dambaning emirilish xavfini oshiradi.

Geofizik usullar, ayniqsa tabiiy elektr maydon (TEM) usuli, er osti suvlarining harakatiga bog'liq tabiiy potentsiallar o'zgarishini o'lchash orqali filtratsiyani aniqlashning eng samarali va nisbatan arzon usullaridan biri hisoblanadi. Ushbu metodda inson tomonidan sun'iy elektr tok yuborilmaydi, balki tabiiy ravishda vujudga kelgan elektr potentsiallar farqi aniqlanadi. Bu esa gidrotexnik inshootlarga zarar etkazmasdan, xavfsiz masofadan turib tadqiqot olib borish imkonini beradi.

Sardoba suv omborida olib borilgan ushbu tadqiqotda damba bo'ylab o'lchangan tabiiy elektr maydon kuchlanishlari asosida filtratsiya faol bo'lgan zonalar aniqlandi. Ushbu zonalar TEM kesimlari va grafik tahlillar asosida baholandi. Shuningdek, filtratsion zonalarining joylashuvi, chuqurligi va ularning ehtimoliy xavf darajasi ilmiy jihatdan asoslab beriladi.

Ushbu maqola filtratsiya xavfi bo'lgan hududlarda TEM usulini qo'llashning nazariy va amaliy asoslarini yoritadi, shuningdek, suv omborlari xavfsizligini oshirishga qaratilgan strategik yondashuvlarni taklif qiladi.

Sardoba suv ombori dambasida filtratsiya jarayonlarini tabiiy elektr maydon (TEM) usuli yordamida aniqlash, tahlil qilish va ularning inshootga ta'sirini baholash ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi hisoblanadi. Shuningdek, geofizik natijalar asosida filtratsiya xavfi yuqori bo'lgan zonalar aniqlash, ularni xaritalash va bunday holatlarning oldini olish bo'yicha ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqish ham ushbu ishning muhim yo'nalishidir.

Geofizik yondashuv yordamida filtratsiyaning tabiiy geologik va gidrogeologik sharoit bilan qanday bog'liqligini aniqlash, damba strukturasida suv harakatiga ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilish orqali real xavf omillarini aniqlashga harakat qilindi. Shu orqali, nafaqat filtratsiyaning bor yoki yo'qligini, balki uning rivojlanish dinamikasini ham baholash imkoniyati yaratildi.

1. Sardoba suv ombori dambasida dala sharoitida tabiiy elektr maydon (TEM) usulidan foydalangan holda o'lchovlar o'tkazish.

Damba tanasi va uning taglik qismida potentsial farqlarni aniqlash.

Elektr kuchlanish gradientlarini o'lchash orqali suv harakati ehtimolini baholash.

2. Anomaliyali zonalar aniqlash va ularning filtratsion oqimlar bilan bog'liqligini tahlil qilish.


Grafik va kesimlar asosida elektr kuchlanishlarining keskin o'zgarish nuqtalarini ajratib ko'rsatish.

Bunday zonalarining fizik-geologik sabablari va xavf darajasi haqida xulosa chiqarish.

3. Filtratsion zonalarni geologik tuzilma va gidrostatik bosim gradientlari bilan bog'lash. Yer osti suvlarining harakati natijasida yuzaga kelgan potentsiallar taqsimotini tahlil qilish. Qatlamlar bo'yicha namlik, g'ovaklik va zichlik farqlari asosida o'zgaruvchan zonalarni aniqlash.

Tadqiqot uslubi: Tabiiy elektr maydon (TEM) usuli doimiy ravishda tashqi perimetr bo'ylab amalga oshirildi. O'lchovlar PK 25 dan PK 270 gacha MERI-24 yuqori potentsial farqlarini o'lchash moslamasi yordamida har 100 metrda amalga oshirildi. Elektrodlar erdagi tabiiy potentsialni sezadi hamda har xil zonalarda bu qiymatlar musbat yoki manfiy bo'lishi mumkin. Filtratsiyaga sezgir hududlar manfiy TEM anomaliyasi bilan ajralib turadi. Bu hududlar yorilish, yuvilish, eroziya xavfini oshiradi. Shu sababli, manfiy zonalar maxsus nazoratga olinadi, va doimiy geofizik monitoring talab etiladi. Jarayonda maxsus qutblanmaydigan elektrodlar qo'llanilgan va ish paytida bu elektrodlar orasidagi potentsial farq 0,3 - 0,5 mV ni tashkil etgan. Natijalar grafik ko'rinishda tahlil qilinib, filtratsiyaga oid anomaliyalar aniqlandi. Ushbu usul gidrotexnik inshootlarda ichki suv oqimlarini aniqlashda ancha aniqlik beradi.

Natijalar bo'limi: Quyidagi rasmda ko'rsatilganidek, damba tanasining markaziy va sharqiy qismida kuchli elektr maydon o'zgarishlari kuzatildi. Bu esa, ushbu zonalarda filtratsion oqimlarning mavjudligidan dalolat beradi. Maxsus kesimda quyi va yuqori bosimli zonalar o'rtasida elektr potentsialning keskin farqi mavjud bo'lib, bu suv oqimining harakatiga ishora qiladi.



1-rasm: Sardoba suv ombori to'g'oni bo'ylab tabiiy elektr maydon (TEM) o'lchovlari kesimi va grafik tahlili

Muhokama bo'limi: TEM usuli yordamida aniqlangan yuqori elektr kuchlanishli zonalar filtratsiya ehtimoli yuqori bo'lgan hududlardir. Bu joylarda er osti suvlarining harakati natijasida elektr qarshilik o'zgarishi yuzaga keladi. Natijalarga ko'ra, damba ichki tuzilmasidagi o'zgarishlar, gruntning namligi va zichligi TEM natijalariga sezilarli ta'sir qilmoqda.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. «GES qurilishi» ob'ekti bo'yicha bajarilgan qurilish ishlarining sifati ustidan mustaqil geotexnik nazorat ishlari natijalari bo'yicha yig'ma hisobot AO «GIDROPROEKT», 2022y
2. KMK 3.02.01-97 Yer ishlari, poydevorlar va asoslar.
3. «GOST 25100–2011 – Gruntlarni tasniflash»
4. Mirzayev T. va boshqalar. Gidrotexnika inshootlarida xavfsizlik, Toshkent, 2019.
5. Keller G.V. "Environmental Geophysics", Springer, 2005.
5. Respublika Geofizika Instituti materiallari, 2020-yil Sardoba suv ombori o'lchovlari.

QIZILOLMA MA'DANLI MAYDONINING TEKTONIK TUZILISHI VA OLTIN-KUMUSH MA'DANLASHUVINI NAZORAT QILUVCHI GEOLOGIK OMILLAR

Mamirov N.M., Xusanov L.N.

Geologiya fanlari universiteti, Toshkent shahri

e-mail: mamirovnavroz02@gmail.com

Qizilolma ma'danli maydoni shimoli-sharqiy kenglikda Shimoliy Angren oltindor zonasida joylashgan. Zona Oqtuproq va Go'shsoy subparallel er yoriqlari bilan chegaralanuvchi tektonik bloklardan tashkil topgan. Zonaning kengligi 2 km dan 4 km gacha, uzunligi esa 35 km gacha cho'zilgan. Janubi-g'arbiy qismlari mezokaynazoy davri yotqiziqlari bilan qoplangan; shimoli-sharqiy qanotlari esa granitporfirilarning, riolitlarning Boboytovdor subvulkanik tanasi bilan chegaralangan. Mineral resurslar insituti DZZ bolimi tomonidan hududning tektonik xaritasi tuzilgan 1-rasm.

Ma'danli maydonning tuzilishida ikkita strukturaviy qavat ajratiladi.

Quyí strukturaviy qavat granitoid poydevoridan va ko'p sonli va tarkibi bo'yicha turli xil bo'lgan o'zaro kesishuvchi tanalardan: daykalar, shtoklar, Boboytovdor ekstruziyasining o'zan qismidan tashkil topgan. Bu hosilalarda metamorfik slanetslarning ksenolitlari keng ko'lamda tarqalgan.

Yuqori strukturaviy qavat o'rta karbon davrining andezitdatsit formatsiyasiga oid vulkanitlar qatlamlaridan tashkil topgan.

Ma'danlashish zonasida fundament jinslarining 80% qismi vulkanitlar bilan qoplangan. Vulkanitlarning maksimal qalinligi relefning suvayirg'ich qismlarida 600-650 m ni tashkil qiladi.

Asosiy ma'dan nazorat qiluvchi strukturalar – Qizilolma, Qorabov, Samarchuk va Go'shsoy er yoriqlari bo'lib, ularning birinchi uchtasi asosiy ma'dan sig'diruvchi struktura ham hisoblanadi. Mazkur strukturalarda oltin-kumush ma'danlashuvining sanoat ahamiyatiga molik miqdorlariga ega Markaziy, Mejdureche, Samarchuk, Chumauk–I, Chumauk–II, Tuyachavul uchastkalari joylashgan. Oxirgi yillarda o'tkazilgan qidiruv va baholash ishlari natijasida Go'shsoy er yorig'i zonasida ham oltin-kumush ma'danlashuvining sanoat ahamiyatiga molik miqdorlari qayd etilgan.


Qizilolma er yorig'i – juda katta chuqurlikka etuvchi er yorig'lari zonasi bo'lib, bir nechta turli tomonga yo'nalgan biri-biriga yaqin joylashgan er yoriqlaridan tashkil topgan. Yer yorig'i atrofida jinslar kuchli darajada o'zgargan, kvarslashgan. Mazkur zona 8 km masofagacha cho'zilgan. Qalinligi 150-250 m gacha etadi. Yer yorig'ining qiyaligi shimol tomon 50 - 60° ni tashkil qiladi. Sharqiy qismi bir muncha tikroq bo'lib shimolig'arbga tomon 70 - 80° burchak ostida yotadi. Yer yorig'i zonasining sharqiy qismida slanetslar keng tarqalgan bo'lib, ko'pgina hollarda ular mo'rt vulkanogen jinslar (porfirritlar) bilan almashinib yotadi.

Yer yorig'ining shimoli-g'arbiy qismida porfirritlar va granitlar keng ko'lamda tarqalgan bo'lib, slanetslar deyarli uchramaydi. Bu erda yoriqlar nisbatan kam sonli bo'lib, etarlicha qalinlikka ega (50-100 m gacha). Tog' jinslarining buzilishi uncha katta bo'lmay, ularda jadal maydalanishlar deyarli kuzatilmaydi.

Yer yorig'ining bukilgan qismlarida uning qalinligi oshadi va tuzilishi murakkablashadi. Yuqori darajadagi tektonik faollilik va ma'danlashish bosqichi ma'dan oldi va ma'dandan keyingi tektonik buzilishlarga va ular bo'yicha ko'p sonli harakatlarga sabab bo'lgan. Yer yorig'ining sharqiy qismida bu zona nisbatan yoshroq Go'shsoy er yorig'i bilan burchak ostida kesiladi.

Qorabog' er yorig'i – subkenglik-shimoli-sharqiy yo'nalishda 7 km masofaga cho'zilgan. Yotish burchagi shimolga tomon 20-40° atrofida. Struktura subparallel yoriqlar, kvars tomirlari, kvarslashgan zonalar va boshqa gidrotermal o'zgarishlar, felzitlarning flyuidal daykalari, eksploziv brekchiyalarning tomirsimon tanalari bilan belgilanadi. Yer yorig'ining qalinligi 10-15 m dan 80-90 m gacha etadi. Mazkur er yorig'i Chumauk–I uchastkasida bir muncha murakkab tuzilishga ega bo'lib, oralarida ko'p sonli ko'ndalang va diagonal yoriqlar mavjud bo'lgan o'zaro parallel er yoriqlari tizimidan iborat. Qorabog' er yorig'ining nisbatan oddiy tuzilishi Chumauk-

II uchastkasida kuzatilib, bu erda u maydalanish, kvarslashish zonasi, kvars tomirlari, felzit daykalari bilan namoyon bo'ladi. O'zining yuqori va o'rta qismlarida Qorabov er yorig'i fundament va uni qoplovchi vulkanogen jinslarga kontakt bo'lib xizmat qiladi va ma'danli hisoblanadi.



Rasm. Qizilolma ma'danli maydonining tektonik xaritasi.

Samarchuk er yorig'i Go'shsoy va Qorabov er yoriqlari oralig'ida joylashgan bo'lib, 1,3 km masofaga cho'zilgan. Yer yorig'ining yo'nalishi yuza qismida submeridionaldan to shimoli-sharqqacha, chuqur qismlarida – submeridional. G'arbiy qismlarida yotish burchagi 40-50°. er yorig'i 300-400 m chuqurlikkacha granitoid fundamenti va andezit-datsit tarkibli qoplama jinslarga chegara bo'lib xizmat qiladi. Yer yorig'ining genetik turi – uzilma bo'lib, ko'chishning maksimal vertikal amplitudasi 400-500m ni tashkil qiladi. Yer yorig'i yuqori darajada kvarslashgan, maydalangan tog' jinslari, felzit daykalari, yoriqlar bo'ylab rivojlangan eksploziv brekchiya tanalari bilan namoyon bo'ladi. Felzit daykalarining qalinligi bir necha sm dan 15-20 m gacha etadi.

Go'shsoy er yorig'i regional er yorig'i bo'lib, ma'danli maydonning janubiy chegarasi hisoblanadi. Bu er yorig'i subkenglik shimoli-sharqiy yo'nalishda cho'zilgan bo'lib, yotish burchagi shimol tomon 45-60° ga teng. Mazkur er yorig'i ma'dan joylashuvini nazorat qiluvchi, va ma'dan sig'diruvchi strukturalar qatoriga kiradi deb aytish mumkin. Yer yorig'ining genetik turi – ko'tarilma-aksuzilma bo'lib, vertikal bo'yicha siljish amplitudasi 400-500 m ni tashkil etadi. Yer yorig'ining kengligi 20-30 metr bo'lib, tog' jinslarining kuchli maydalanish zonasi bilan namoyon bo'ladi.

Xulosa. Qizilolma ma'danli maydonining geologik-strukturaviy o'rganilishi natijasida yirik regional yoriqlar — ayniqsa Qizilolma va Go'shsoy yoriqlari — oltin-kumush mineralizatsiyasini nazorat qiluvchi asosiy omillar sifatida aniqlandi. Ular bilan bog'liq geokimyoviy anomaliya zonalarini tadqiqot natijalarini tasdiqlaydi, hamda maydonning istiqbolli kon hududi ekanini isbotlaydi. Kelgusida chuqurlashtirilgan razvedka ishlarini amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Исламов Б.Ф. Факторы локализации золото-серебряного оруденения месторождения Кызылалмасай и критерии его глубинного прогноза (Юго-Западные отроги Чаткалских гор) / Диссертация на соискание ученой степени кандидата геол.-мин. наук. Т.: 2011.153 с.
2. Исламов Б.Ф., Исламов Ф.И. О перспективах глубоких горизонтов золото-серебряного месторождения Кызылалмасай (Узбекистан) // Геология и минеральные ресурсы. 2008. № 1. – С.19-25.

ERTA OGOHLANTIRISH TIZIMLARI FAOLIYATIDA SEYSMIK HODISALAR VA ULARNING KELIB CHIQISH SABABLARI

Mansurova N.Sh.

Namangan Davlat texnika universiteti

mansurovanodiraxon@gmail.com +998941547797

Annototsiya. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 17-aprel 161-sonli qaroriga asosan 2024-yildan boshlab respublikamizda kuchli zilzilalar haqida erta ogohlantirish milliy tizimi samaradorligini oshirish vazifasi belgilangan. Ushbu tezisda seysmik hodisalarning kelib chiqish sabablari, ularning xususiyatlari va oqibatlari, er yuzida sodir bo'ladigan seysmik o'zgarishlar o'rganilgan. Zilzila erta ogohlantirish tizimlari ko'p hollarda zilzila o'chog'ining kuzatuv puntigacha bo'lgan masofasi, uning chuqurligi va magnitudasiga bog'liq.

Kirish. Har yili er yuzida 100 000 dan ortiq zilzilalar sodir bo'ladi, buning natijasida 10 000 ga yaqin odam halok bo'ladi [1].

Seysmik hodisalar (zilzilalar) quyidagi jarayonlar natijasida yuzaga keladi:

- tektonik plitalar harakati;

- vulqon faolligi;

- gorizontal siqilish va cho'zilish;

- toshlarning qulashi, erdagi bomba portlashlari, shuningdek, turli xil ishlab chiqarish jarayonida dinamik effektlar bilan bog'liq. Yer qobig'ining tektonik harakatlari asosan sekin sodir bo'ladi va inson hayoti davomida deyarli sezilmaydi.

Bunday sekin siljishlar platformalarning harakati deyiladi. Biroq, million yillar davomida yuzlab va minglab kilometrlarda o'lchanadigan siljishlar to'planadi.

Vulkanik va denudatsiya jarayonlari mavjud mahalliy xarakterga ega va tektonik hududlarni qamrab oladi.




1-rasm. Zilzila o'chog'ining joylashuvi epitsentr va gipotsentr (Turkiya va Suriya zilzilasi)

Tadqiqot materiallari va usullari.

Zilzila manbalari - gipomarkazlar odatda 10-700 km chuqurlikda joylashgan.

Zilzila er yuzasida proeksiyasi epitsentr deyiladi. Yer qobig'ining elastik tebranishlari giposentrdan to'liqlar shaklida barcha yo'nalishlarda tarqaladi. Bu tebranishlar ikki xil: chuqur jinslarda tarqaladigan **P** va **S** to'liqlar va sirt akustik **L** va **R** to'liqlardir.



2- rasm. Xajmiy (S va P) va sirt (L va R) to'liqlar.

Ko'ndalang ikkilamchi S to'liqlarining tezligi bo'ylama boshlang'ich P to'liqlaridan, 7 marta kam. Bundan tashqari, sirt to'liqlari epitsentrdan er yuzasi bo'ylab barcha yo'nalishlarda tarqaladi.



3-rasm. Turkiya va Alyaskadagi zilzilalar paytida temir yo'l relslarining L to'liqlari bilan deformatsiyasi

Yuzaki akustik to'liqlar faqat er yuzasiga yaqin joyda paydo bo'ladi, bunday to'liqlarning tuproq harakatining amplitudasi chuqurlik oshishi bilan sezilarli darajada kamayadi. Chuqurligi oshishi to'liq uzunligiga mos keladi. Yuzaki akustik to'liqlar har doim S to'liqlaridan keyin keladi, shuning uchun ularning tarqalish tezligi kamroq.


Zilzilalarning davomiyligi odatda bir necha soniya, ba'zan bir necha daqiqa davom etadi. Zilzilaning kuchi ball bilan o'lchanadi. Zilzilaning seysmometrlarning ko'rsatkichlari yoki qurilgan binolarning shikastlanishi va vayron bo'lish darajasi bilan aniqlash mumkin. Seysmik shkala uchta guruh binolari uchun tavsifiy zarar belgilarini beradi:

Google kompaniyasi tomonidan 2020-yilda ishlab chiqilgan va Android tizimiga o'rnatilgan erta ogohlantirish tizimi, zilzila vaqtida birinchi qayd etiladigan P orqali, zilzilani seysmik stansiyalar qayd etgandan so'ng 3 soniya ichida foydalanuvchilarga ma'lumotlar etkaziladi. Ushbu tizim birinchi marta AQShning Kaliforniya shtatida sinovda o'tkazilgan.

2023-yil 21-mart soat 21:47 da Afg'onistonda dastlabki ma'lumotga ko'ra magnitudasi 7.7 ga teng bo'lgan zilzila sodir bo'ldi. Qisqa vaqt ichida ya'ni 10 sekund ichida ushbu zilzila sodir bo'lishi xaqida ogohlantirildi.

Xozirgi kunda Yaponiya, Meksikada, Xitoy, Tayvan, Italiya, Ruminiya va boshqa davlatlarda qo'llanilmoqda. Yaponiya xududi uchun zilzilalarni ogohlantirish tizimi Yaponiya meteorologik agentligi tomonidan yaratilgan va qo'llanib kelmoqda. Google earthquake dasturi Android tizimida ishlashi sababli uning butun jahonning qamrab olish imkoniyati ko'proq. Bu bilan milliy tizimlarning ahamiyati o'z kuchini yo'qotmaydi, milliy tizimlar kuzatuv punktlarining ko'pligi, magnitudasi 5 va undan yuqori zilzilalardan sodir bo'ladigan seysmik ta'sirdan ogohlantirish imkoniyatiga ega.

Xitoy tadqiqotchilarning bergan ma'lumotlarga ko'ra, erta ogohlantirish tizimi joriy etilgandan so'ng 3 soniya ichida shikastlanishlarni 14 foizga, 10 soniyada jaroxatlanishni va qurbonlarni 39 foizga va 20 soniyada 63 foizga qisqartirishga ega bo'lingan.



4-rasm. Google earthquake tizimining ogohlantirish ma'lumoti

Natijalar. Bugungi kunda zilzilalarni erta ogohlantirish tizimi mavjudligi seysmik xavfsizlikni ma'minlashning eng samarali usullaridan biri bo'lib, milliy dasturiy ta'minotning joriy etilishi va uni aholi o'rtasida keng targ'ib qilish, hamda aholini zilziladan oldin va zilzila vaqtida to'g'ri xarakat qilishga doir o'quv-mashg'ulotlarni o'tkazish katta ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Doocy, S., Daniels, A., Packer, C., Dick, A., Kirsch, T.D., 2013. The Human Impact of Earthquakes: a Historical Review of Events 1980-2009 and Systematic Literature Review. PLoS Curr. <https://doi.org/10.1371/currents.dis.67bd14fe457f1db0b5433a8ee20fb833>
2. Ibrakhim Mirzaeva, Elbek Kosimov. Automation of Seismodynamics Study of Spatial Systems of Underground Pipelines by Real Earthquake Records.
3. D. Bekmirzaev and I. Mirzaev, "Earthquake resistance assessment of buried pipelines of complex configuration based on records of real earthquakes," Soil Mechanics and Foundation Engineering 57, pp. 26–31 (2021).
4. E.A. Kosimov, I. Mirzaev and D.A. Bekmirzaev, "Comparison of the impacts of harmonic and seismic waves on an underground pipeline during the gazli earthquake," IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering, 1030, 012082 (2020).
5. W. Liu, Ch. Huang, Yu. Wang and P. Shi, "Seismic analysis of connections of buried continuous pipelines," Hindawi Advances in Civil Engineering, pp.20 (2020), <http://doi.org/10.1155/2020/8839380>.

ZILZILALARNI PROGNOZ QILISHDA MAGNITOMETRIK KUZATUVLARNING AHAMIYATI

Nazarov S.H.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri
e-mail: sarvarnazarov570@gmail.com,

Mavzu tanlovi va dolzarbligi: Zilzilaning oldindan prognoz qilish muammosini echish bo'yicha dunyoda juda ko'plab geologik-geofizik, geokimyoviy, gidrogeoseysmologik, biologik usullardan foydalanib kelinmoqda. Bu muammoni echishda zilzilalarni magnitometrik usul bilan prognoz qilish bo'yicha tadqiqotlar keng ko'lamda olib borilmoqda, prognoz qilishning ilmiy asoslari yaratilgan, darakchilarning namoyon bo'lish xususiyatlari aniqlangan, bir necha zilzila prognoz qilingan. Lekin hozirgi kunda ilmiy jihatdan ishonchli va istiqbolli usul sifatida magnitometrik kuzatuvlarga katta ahamiyat berilmoqda.

Ma'lumot manbalari va metodologiya: Tadqiqotda O'zbekiston hududida o'tkazilayotgan geomagnit kuzatuvlar natijalari tahlili asosida zilzilalar va urning geomagnit maydonidagi o'zgarishlarining o'zaro aloqasi, zilziladan avvaldan kuzatilgan anomal o'zgarishlar, ularning makon-zamonda namoyon bo'lish xususiyatlari, kuzatuv natijalarini zilzilalarni prognoz qilishdagi imkoniyati va istiqbollari o'rganilgan.

Magnitometrik kuzatuvlar yordamida zilzilani bashorat qilish zilzilalar bilan bog'liq bo'lgan Yer magnit maydondagi anomal o'zgarishlarni aniqlash va ularni talqin qilish texnikasining ajralmas qismi hisoblanadi. Seysmomagnit effektini o'rganish metodologiyasida asosiy e'tibor anomal o'zgarishlarni aniqlash, ularni ishonchliligini baholash, darakchilarni turli geologik-tektonik sharoitlarda namoyon bo'lish xususiyatlarini aniqlash, kuzatuvlarni tashkil qilishga qaratilgan. Zilzilalarni geomagnit usulda prognoz qilish bo'yicha yo'riqnoma ishlab chiqilgan va Favqulodda vaziyatlar vazirligining Seysmoprognostik monitoring respublika markazi amaliyotida foydalanish uchun tatbiq etilgan [1].

O'zbekiston hududidagi geodinamik poligonlarda magnitometrik kuzatuv ishlari turli yillarda O'zR FA Seysmologiya instituti ilmiy xodimlari Q.N.Abdullabekov, S.X.Maqsudov, E.Berdaliev, M.Yu.Mo'minov, A.I.To'ychiev, T.Xadjiev, V.R.Yusupov va boshqalar tomonidan olib borilgan. Hozirgi kunda respublikadagi statsionar magnitometrik kuzatuvlar Favqulodda vaziyatlar vazirligining Seysmoprognostik monitoring respublika markazi tomonidan olib borilmoqda.

Magnitometrik kuzatuvlar er qobig'ining magnit maydonidagi o'zgarishlarni o'lchashga asoslangan usul bo'lib, ularning zilzila darakchilari sifatida ishlatilishining imkoniyatlari va cheklovlari so'nggi yillarda ko'plab ilmiy ishlarda muhokama qilinmoqda. Yerning tektonik harakatlari, seysmik faol zonalaridagi deformatsiyalar, texnogen ob'ektlar hududlaridagi boshqa geodinamik jarayonlar magnitometrik kuzatuvlar yordamida tadqiq qilinadi. Bunday anomal o'zgarishlar zilziladan avval kuzatilgani sababli magnitometrik kuzatuvlar zilzilalarni oldindan prognoz qilishda imkoniyati yuqori vosita sifatida ajratib turadi [4].

O'zbekiston hududida kuchli zilzilalarni avvaldan prognoz qilishning geomagnit usuli 1968-yildan boshlab qo'llanila boshlangan. Maxsus tashkil etilgan Toshkent, Farg'ona, Qizilqum geodinamik poligonlarida kuzatuvlar amalga oshirilgan. Statsionar va qayta kuzatuv punktlaridagi geomagnit kuzatishlar yuqori aniqlikdagi (sezuvchanlik $+0,1 \text{ nT}$) proton magnitometrleri (TMP, MPP-01M, MV-01 va boshqalar) yordamida amalga oshirilgan. O'zbekiston hududida takroriy marshrutlar va hududiy kuzatuvlarning umumiy soni 1100 nuqtada, statsionar kuzatuvlar esa 37 stansiyada amalga oshirilgan [4].

Geomagnit maydoni o'zgarishlari va zilzilalar orasidagi bog'lanish bo'yicha tadqiqotlar bir nechta yo'nalishda olib borildi. Dastlab zilzilani tayyorlanish jarayonlarini magnit maydonda namoyon bo'lishi Toshkent zilzilasi misolida er magnit maydoni qanday qiymatga o'zgarishi mumkinligi nazariy (pezomagnit effekt) hisoblab chiqildi. Hisoblashlar natijasida Toshkent zilzilasi uchun magnit maydonining o'zgarishi 20-25 nTlni tashkil qilishi mumkinligi aniqlandi.

Nazariy hisoblar bilan bir qatorda laboratoriya sharoitida tog' jinslarining magnitlik xossalari yuqori bosim va harorat ta'sirida o'zgarishlari tadqiq qilindi. Nazariy va amaliy tadqiqotlardan keyin Toshkent, Farg'ona, Qizilqum poligonlarida, Poltorask erosti gaz saqlagichi, Chorvoq suv ombori atrofida er magnit maydonining er qobig'idagi tabiiy va texnogen jarayonlari bilan bog'liq o'zgarishlar keng ko'lamda tadqiq qilindi [4].

50-yil mobaynida olib borilgan geomagnit tadqiqotlar davomida geomagnit maydondagi anomal o'zgarishlarning bir qancha (50 dan ortiq) alohida holatlari aniqlandi. Maxsus holatlarga geomagnit o'lchovlar davrida hech qanday darakchi bo'lmagan holatlar ham aniqlandi. Ushbu holatlarni tahlili qaysi geologik va geofizik sharoitlarda geomagnit maydonning anomal o'zgarishlari ko'proq aniqlanishi va ular qanday sharoitda kamroq tarqalishi aniqlashga yordam beradi. Bu ko'rsatkich, asosan, magnetometrilar o'rnatilgan hududning geologik-tektonik sharoitiga qarab turli xil geodinamik jarayonlarga o'z sezgirligini ko'rsatdi [2].

Kuzatuv ishlarining amaldagi ishonchliligini baholash maqsadida poligonlardagi punktlarning 20-25 foizida qayta o'lchash ishlari o'tkaziladi va o'rtacha kvadratik xatolik darajasi topiladi. Barcha magnetometrilar "Yangibozor" magnit-ionosfera rasadxonasida nazorat-qiyoslash sinovidan o'tkaziladi [3].

Zilzilalarni prognoz qilish uch turga bo'linadi - uzoq , - o'rta va qisqa muddatli. Uzoq muddatli prognozda seysmik hodisalarning 5-yildan 10 yilgacha ,o'rta muddatli bir necha oydan bir necha yilgacha, qisqa muddatli bir necha soat va kundan 2-3 haftagacha bo'lgan aniqlikda prognoz qilib hisoblanadi [4].

Magnetometrik kuzatuvlar ma'lumotlari asosida zilzilani prognoz qilish bir necha bosqichlarda olib boriladi. Birinchi bosqichda prognoz stansiyalari tarmog'idan doimiy yoki diskret ketma-ket magnit o'lchovlari ma'lumotlari yig'iladi, maydonning absolyut qiymatlarining soatlik, kunlik, oylik o'zgarishlari grafiklari, hududlardagi prognostik stansiyalari ma'lumotlari tayanch "Yangibozor" magnit rasadxonasi ma'lumotlariga nisbatan hisoblab chiqiladi va har bir stansiyada geomagnit maydonda kuzatilayotgan lokal geomagnit maydon o'zgarishlari grafiklar tuziladi.

Ikkinchi bosqichda noto'g'ri prognozga yo'l qo'ymaslik uchun magnit maydonida kuzatilgan anomal o'zgarishlarni keltirib chiqargan juda ko'p sabablar diqqat bilan tekshiriladi. Ishonchlilik mustahkam o'rnatilgandan keyingina keying bosqichga o'tiladi. Ba'zi hollarda stansiya atrofida qo'shimcha kuzatuvlar o'tkaziladi.

Uchinchi bosqichda esa sodir bo'lishi kutilayotgan zilzilaning uchta parametri - vaqti, kuchi va joyi ko'rsatilgan va asoslangan prognoz xulosasi beriladi [4].

Xulosa. Magnetometrik kuzatuvlar usulini zilzilalarni prognoz qilishda qo'llash istiqbolli hisoblanadi. Ammo hozirgi kunda bu usulni qo'llashning o'ziga xos cheklovlari va qiyinchiliklari mavjud. Magnit maydonida kuzatilayotgan anomal o'zgarishlarda bir vaqtning o'zida hududda sodir bo'layotgan geodinamik va texnogen jarayonlarni, zilzila o'chog'ini tayyorlanish jarayonlari birgalikda namoyon bo'ladi. Hozirgi tadqiqotlarning asosiy vazifasi magnit maydonida kuzatilayotgan anomal o'zgarishlardan faqat zilzilani tayyorlanish jarayoni bilan bog'liq bo'lgan o'zgarishlarni ajratib olish hisoblanadi. Bu muammoning echilishi zilzilalarni prognozi aniqligini oshiradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Абдуллабеков К.Н., Максудов С.Х., Туйчиев А.И. Инструкция по прогнозированию землетрясений магнитометрическим методом. 2019, Ташкент, типография АН РУз, 18с.
2. Муминов М. Ю, Сагдуллаева К. А, Нарходжаева Н. М, Мирзоидов М. З. Аномальные вариации геомагнитного поля в сейсмоактивных районах Узбекистана. Сейсмология муаммолари журнали. 2021 йил №1. 24-37 б.
3. Абдуллабеков Қ.Н., Муминов М.Ю., Туйчиев А.И., Сагдуллаева К.А. Ўзбекистонда zilzilalarni prognoz qilishda geo-magnit kuzatuvlar tarmoqlari taqdimlash. Geologiya va mineral resurslar журнали. 2013, №1, 31-35 б.
4. Абдуллабеков Қ.Н. Электромагнитные явления в земной коре. Фан., 1989. 132с.

XO‘JABARKU-MALYANGUR (VAXSHIVOR) PALEOVULQONINING TEKTONIK XUSUSIYATLARI

Niyozov D.B.


Geologiya fanlari universiteti, Toshkent shahri

e-mail: niyozovdaler8@gmail.com

Jahon geologiya qidiruv ishlarida endogen ma‘danlashuvga istiqbolli hisoblangan hududlarda ilmiy asoslangan geologik izlash ishlarini olib borishda hududlarning geologik va tektonik tuzilishiga ko‘ra ma‘danlashuv uchun qulay bo‘lgan ma‘danli strukturalarni aniqlash muhim omil hisoblanadi. Bunday yondashuvlar natijalari ma‘danlashuvga istiqbolli maydonlarni aniqlash yangi ma‘danli strukturalarni izlash, aniqlashda ilmiy asos bo‘lib xizmat qiladi.

O‘zbekiston mineral xomashyo bazasini kengaytirishga qaratilgan bugungi kundagi dolzarb vazifalar qatoriga tog‘-kon ma‘danli hududlarda topilayotgan konlarni har tomonlama chuqur o‘rganish, ularni hosil bo‘lish jaryonlari, mineralogiyasi, geokimyosini tadqiq etish va shu bilan birgalikda olingan ma‘lumotlar bo‘yicha yangi ma‘dan nishonalarini qidirib topish vazifalari turadi. Mamlakatimizda ko‘plab bu turdagi konlarini izlash-qidirish ishlari qator istiqbolli hududlar qatorida Surxondaryo hududida ham olib borilgan geologik-qidiruv ishlari buning yaqqol dalilidir.

Ushbu hududdagi foydali qazilma konlarini qidirib topishda hududning tektonikasini, magmatizmini, stratigrafiyasini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday hududlardan biri Janubiy O‘zbekistonda joylashgan Xo‘jabarku-Malyangur (Vaxshivor) paleovulqoni.



Tadqiqot xududining tektonik xaritasi.

Vaxshivor paleovulqoni O‘zbekiston Respublikasining Surxondaryo viloyati, Oltinsoy tumani hududida joylashgan bo‘lib, geografik jihatdan Surxontov tog‘larining markaziy qismida joylashgan. Vaxshivor paleovulqoni maydoni geologik rayonlashtirish bo‘yicha Sharqiy Surxontov strukturaviy-formatsion zonasi Xo‘jaxarkan sinklinali sharqiy qismida joylashgan. Hududning tuzilishi uzoq geologik rivojlanish davriga to‘g‘ri keladi va uning tuzilishi tokembriy davridan mezo-kaynozoy davrlarida hosil bo‘lgan metomorfik cho‘kindi va magmatik tog‘ jinslaridan iborat. Xo‘jabarku-Malyangur (Vaxshivor) janubi-g‘arbiy yo‘nalishda joylashgan bo‘lib, vulkanik qurilmalar bilan murakkablashgan vulkano-tektonik depressiyada shakllangan. Hududda

tektonik rivojlanish bir nechta geologik sikllar davomida sodir bo'lgan: baykal (tokembriy), kaledon, gersin va alp sikllari. [1]

Tokembriy strukturalar asosan Chaqchar, Boysuntov va Surxontov tog'larida rivojlangan. Bu strukturalar bir-biriga tutashgan mayda granit-pegmatit gumbazlari va simmetrik braxiburmalaridan tashkil topgan. Vaxshivor hududida ham shunday granit-pegmatit strukturalari keng tarqalgan.

Kaledon strukturalari vaqt o'tishi bilan keyingi deformatsiyalar natijasida aniq ko'rinmay qolgan. Kaledon siklining eng muhim elementi metamorfik jinslardagi burmalanishdir. Burmalar qanotlarining kengligi 350–400 metrga etadi, izoklinal shakldagi burmalar keng tarqalgan.

Xo'jabarku-Malyangur (Vaxshivor) hududida gersin tektonik sikli muhim o'rin egallaydi. Hududda Chornova vulkan-gumbaz strukturalari va boshqa vulkanik komplekslar kuzatiladi. E.D. Bezuglov tomonidan ta'riflanganidek, bu gumbazlar riolitlar fatsiyasi jinslaridan tarkib topgan. Vaxshivor strukturalari doirasida Xodjarkon sinklinal tuzilishi va u orqali tarqalgan burmalar mavjud.

Alp sikli davrida submeridional yo'nalishdagi faol er yoriqlari rivojlangan. Surxontov antiklinallari va ularning yadrolarida tashko'mir yotqiziqlari ochilgan. Qatlamlarning yotish burchagi g'arbiy qanotda 15–20°, sharqiy qanotda esa 60–70° gacha borgan. Hududda yuqori tartibli burmalar va ko'plab er yoriqlari kuzatiladi. Bu yoriqlar paleovulkanik strukturalarni ham kesib o'tadi. [2]

Tadqiqot hududi tektonik jihatdan murakkab tuzilishga ega bo'lib, bir nechta tarixiy geologik davrlarga mansub strukturaviy qatlamlar va tektonik burmalanishlar bilan ifodalanadi (rasm).

Strukturaviy qatlamlar: To'rtlamchi davr struktura qavati (ko'k qiya chiziqlar bilan ko'rsatilgan): hududning chekka g'arbiy qismlarida tarqalgan, asosan zamonaviy cho'kindi jinslardan tashkil topgan.

Kembriy davri struktura qavati (yashil ranglar bilan): to'rtlamchi qatlamlarga nisbatan tubroq yotadi va bu qatlamlar eski metamorfik jinslarni ifodalaydi.

Karbon davri struktura qavati (sariq bilan): kengroq maydonni egallab, asosan cho'kindi va vulkanik jinslardan iborat.

Asosiy tektonik strukturaviy elementlar: Xodjarkon sinklinali (sinklinal belgisi bilan ko'rsatilgan): Hududning shimoliy qismida joylashgan va janubi-sharqdan shimoli-g'arbga cho'zilgan.

Surxon tog' antiklinali (antiklinal belgisi bilan): Hududning markaziy va janubiy qismini qamrab olgan yirik antiklinal struktura, umumiy yo'nalishi submeridional.

Xulosa qilib shuni alohida ta'kidlash lozimki Xo'jabarku-Malyangur (Vaxshivor) paleovulqoni Surxondaryo viloyatining Oltinsoy tumanida joylashgan bo'lib, geologik jihatdan sharqiy Surxontov strukturaviy-formatsion zonasiga tegishli. U uzoq geologik davr mobaynida shakllangan bo'lib, asosan tokembriy, paleozoy, mezozoy va kaynozoy eralarining yotqiziqlaridan iborat. Hudud stratigrafik tarkibi bo'yicha baykal burmalanish sikli bilan bog'liq bo'lib, kaledon va gersin tektono-magmatik sikllarida hosil bo'lgan intruziv jinslar ham uchraydi. Ayniqsa, quyi toshko'mir davrining zoy va vaxshivor svitalari muhim ahamiyatga ega bo'lib, ular vulkanogen va terrigen jinslarning almashinib yotishi bilan tavsiflanadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Панкратьев П.В., Михайлова Ю.В. Колчеданно-полиметаллическое оруденение Южного Узбекистана. ФАН УзССР, Ташкент, 1971 г.
2. Далимов Т. Н., Куртарникова А. А., Ярмухамедов М. Х., Кадиров М. Х., Арапов В. А., Рахманов К., Шарипов Т. Т. «Вулканогенные формации Узбекистана» «ФАН» нашриёти ЎзССР Тошкент -1971.

**YANGIBOZOR GEOFIZIK ILMIY-TADQIQOT OBSERVATORIYASIDA
KUZATILGAN QISQA MUDDATLI ELEKTROMETRIK ZILZILA
DARAKCHILARINI DATAVISUALIZER DASTURI ORQALI ANIQLASH**

Sadirov F.X., Xusomiddinov S.S.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: sfx@bk.ru

O'zbekiston aholisining 70% ortig'i silkinish kuchi 7 balldan ortiq seysmik xavfli hududlarda yashaydi. Shu bois aholi va hududlarni seysmik xavfdan himoya qilish muammosi O'zbekiston Respublikasi fuqaro muhofazasi strategiyasining ustuvor yo'nalishlaridan biridir.

Taraqqiyotning hozirgi bosqichida fan zilzilaning oldini olish yoki ularning xavfini kamaytirish vositalariga ega emas. Shu bilan birga olimlar ularning salbiy oqibatlarini kamaytirishga qaratilgan keng ko'lamli chora-tadbirlar ishlab chiqdilar.

Bu tadbirlarning ilk bo'g'inida seysmik xavfni rayonlashtirish hamda zilzilabardosh qurilishni baholash yotadi. Shuningdek real vaqt rejimida kuchli zilzilani prognozlash uning asosiy bo'g'inlaridan biridir.

Geofizika tarixida birinchi marta zilzila darakchisi asbob yordamida 1924 yil Toshkent ilmiy-izlanish geofizika observatoriyasi xodimi, professor Chernyavskiy Y.A. tomonidan amalga oshirilgan. Mashhur Qurshob zilzilasidan bir necha soat oldin zilzila epitsentridan 120 km uzoqlikda atmosfera elektr maydonining yuqori amplitudali pulsatsiyalarini qayd etgan [1]. Keyinchalik xuddi shunday anomalialar mintaqada bir qator kuchli zilzilalar oldidan qayd etilganligi bu holat qonuniyatga bog'liqligini ko'rsatadi.


Geodinamik, gidrogeoseysmologik va geofizik yo'nalishdagi tadqiqotlar parametrlari majmuasi ko'rsatkichlarining tahlili asosida seysmik prognozlash masalalari hal etiladi. Turli parametrlarning o'zgarishida seysmogen tabiatli anomal ko'rinishlarni aniqlash usullari ham farq qilishi mumkin, bu kuzatishlar natijalarini tahlil qilishda individual yondoshuvni talab qiladi.

Seysmogen tabiatli elektromagnit nurlanishlari (SEMI) zilzilalarning mexanik-elektrik darakchilari sirasiga kiradi va zilzila tayyorlanishining yakuniy bosqichida namoyon bo'ladi. SEMI ning anomal intensivlashishi o'choq zonasining tez deformatsiyalanishida, ya'ni tog' jinsi massivini buzilishining kritik davrida sodir bo'ladi. SEMIni hosil qiluvchi tektonik kuchlanishlar ta'sirida tog' jinsi massivida deformatsiya natijasida yoriqlar hosil bo'lishidir.


Elektromagnit maydonning fon o'zgarishlari ko'plab sun'iy va tabiiy omillarga bog'liq. Ishlab chiqilgan metodologiya nuqtai-nazaridan texnogen shovqin radio uzatuvchi stantsiyalarining ta'siri joyini, chastotasini, kuzatuv zonasi va ularning namoyon bo'lish xususiyatlariga ko'ra tanlash orqali bartaraf etiladi. Fonning muntazam komponentlari raqamli filtrlash va boshqa matematik usullar bilan nomuntazam komponentlar esa geliofizik, meteorologik tabiatli manbalarni qat'iy nazorati yoki elektromagnit to'lqinlarning tarqalish shartlarini nazorati orqali bartaraf etiladi.

Muqobil manbalardan hosil bo'lishi mumkin bo'lgan elektromagnit impulsleri (EMI) vaqt qatorlari anomalialari filtrlangach Markaziy Osiyo hududi seysmikligi bilan solishtiriladi.

Juda past chastotali (JPCh – 3-30 kGs) radio to'lqinlarda anomal elektromagnit impulslerining bir necha hafta va bir necha sutka davomida ikkita fazasining namoyon bo'lishi aniqlangan. Kuzatilayotgan geofizik parametrlarning amplitudalarining o'rtacha kvadratik chetlanishlari doimiy $\pm 2\sigma$ dan oshgan o'zgarishlari intervallari anomal deb qabul qilindi. Uzoq yillik kuzatishlarning tahlili elektromagnit impulslerining namoyon bo'lishining bir qancha qonuniyatlarini ochib berdi. Uning muhim xususiyatlaridan biri-magnituda va epitsentral masofaga (zilzila o'chog'idan kuzatuv punktigacha bo'lgan masofa) bog'liq ravishda bir yoki ikki fazali shaklda namoyon bo'lishidir. Ikki fazali anomaliya 10 kGs chastotali diapazonda magnitudasi $M \geq 5.5$ hamda zilzila o'chog'i o'lchamidan 15 marta katta uzoqlikda aniqlanadi. EMI ma'lumotlarini retrospektiv qayta ishlash vaqtida 11 holatda 2 fazali anomalialarning zilziladan oldin namoyon bo'lishi aniqlandi, bu jarayonning qonuniyatga egaligini ko'rsatadi.



1-rasm. 12 kgs dagi EMI nig ikki fazali anomaliyasi




2-rasm. 2 kGts dagi EMIning bir fazali anomaliyasi.

Parametrlarning seysmogen tabiatli anomaliyalarining kattaligi tayyorlanayotgan zilzila o'chog'idan uzoqlashishi bilan kamayishi kerak. Quyida keltirilgan rasmlarda 12 va 2 kGs chastotalarda EMI anomaliyalarining ikki (1-rasm) va bir (2-rasm) fazalilari tasvirlangan. EMI signallarini qabul qiluvchi antennalar tizimi, kenglik-ShG' va meridional-ShJ yo'nalishlariga moslangan.

Kuzatuv tarmog'idagi stahtsiyalardan keladigan signallar yo'nalishiga asoslanib zilzila tayyorlanish hududini baholash mumkin. Bu zonani yanada aniq lokallashtirish uchun panoramali registrator ma'lumotlaridan foydalanish kerak.

DataVisualizer dasturi Seysmologiya instituti xodimlari tomonida 2017 yilda ishlab chiqilgan bo'lib vaqtga bog'liq qatorlarni qayta ishlash va grafik shaklda tasvirlashni amalga oshiradi. Shu bilan birga zilzilalarni masofa yoki hudud bo'yicha saralash hamda raqamli xaritada zilzila episentrlarini tasvirlash imkoniyatlariga ega. Dastur yaratilganidan hozirgacha uning funksiyalari kengaytirib kelinmoqda. Shu vaqtgacha turli ma'lumotlar bazasi bilan ishlash, "Ochag-1" ma'lumotlarini qayta ishlash, R matematik-statistik tizimi bilan birga ishlash va hisoblashlarni amalga oshirish, foydalanuvchi R tilida makrobuyruqlarini yaratishi va qo'llashi shular jumlasidan.



3-rasm. Yangibozor geofizik ilmiy-tadqiqot observatoriyasida kuzatilgan elektromagnit impulsar sonining dinamikasi va seysmikligi.

DataVisualizer dasturi orqali elektromagnit impulsning 2 va 12 kGs chastotalardagi ma'lumotlari tahlil qilindi. Dastlab soatlik ma'lumotlardan har-bir sutka uchun mediana usulida qiymatlar aniqlandi. Anomaliyalarni ajratish uchun 1 va 2 sigma hisoblandi. Va hudud seysmikligi bilan solishtirildi. (3-rasm)

Xulosa sifatida impuls sonidagi davriy o'zgarishlar 1 sigma qiymatidan oshmasligi, zilzila darakchisi sifatidagi anomaliyalar 2 sigmadan oshganda va asosan ikkala chastotada anomaliyalar mavjudligida namoyon bo'lishini takidlash mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Чернявский Е.А. Электрическая буря // Бюл. САГУ, 1925, №10, С.157-166.
2. Садиров Ф.Х., Хусомиддинов А.С. Сейсмологияда DataVisualizer// Проблемы сейсмической опасности и риска в Узбекистане, обеспечение безопасности населения при землетрясениях// Труды и тезисы Республиканской научно-практической конференции, Ташкент 17-18 ноября, 2015г. с.105.

KUCHLI ZILZILALARNI PROGNOZ QILISHDA GEODEZIK TADQIQOTLARNING O'RNI

Sagdullaeva K.A.

O'zRFA G'.O.Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti, Toshkent shahri

e-mail: kamolasagdullaeva48@gmail.com

Dolzarbli: Zilzilalar – Yer qobig'ida asta-sekin to'plangan kuchlanish energiyasining to'satdan chiqishi natijasida yuzaga keladigan tabiiy ofatdir. Zilzila tabiatning eng dahshatli va halokatli kuchlaridan biri bo'lib, juda katta moddiy va ma'naviy zarar keltiradi. Shu bois bugungi kunda zilzilalarni keltirib chiqaradigan jarayonlarni chuqur o'rganish va kuchli zilzilalar darakchilarini aniqlash bo'yicha ko'plab tadqiqotlar olib borilmoqda. Bu yo'nalishda turli usullar, jumladan, seysmologik, geofizik, geodezik, astrofizik, biofizik, gidrogeokimyoviy va boshqalarni qo'llagan holda keng qamrovli tadqiqotlar olib borilmoqda. Ko'pgina faktlar shuni ko'rsatadiki, halokatli zilzilalar paydo bo'lishining asosiy mexanizmi faol tektonik bloklarning differensial harakati va o'zaro ta'siridir [1-5].

Usul va uslublar: Geodezik kuzatuvlarni interferometrik sintetik diafragma radarlari (InSAR) va sun'iy yo'ldosh optik tasvirlarini tahlil qilish (GPS), sun'iy yo'ldosh navigatsiya tizimi- (GNSS).

Tadqiqotning maqsadi - seysmik faol hududlardagi zilzilalarda geodezik kuzatuvlar, ayniqsa interferometrik sintetik diafragma radarlari (InSAR) va sun'iy yo'ldosh optik tasvirlarini tahlil qilish va geodezik kuzatuvlarni xalqaro tadqiq qilish tendensiyalari va yo'nalishlari haqida yangi tushunchalarga ega bo'lish uchun tarixiy ilmiy ma'lumotlardan foydalanishdir [6-14].

Natijalar: Hozircha zilzilalarning joyi, kuchi va vaqtini yuqori aniqlik bilan prognoz qilish muammosi to'la-to'kis xal bo'lmagan, lekin seysmiklikning tabiatiga asoslanib, oldindan belgilangan chegaradan yuqori bo'lgan yirik silkinishlarni uzoq, o'rta va qisqa muddatli prognoz qilish algoritmlari mavjud. Geodezik, geofizik, geoximik va boshqa kompleks kuzatuvlar asosida er yuzasining deformasiyasi o'rganiladi [7-13]. Zilzilalarni prognoz qilish muammosida tadqiqotchilarning e'tiborini halokatli zilzilalardan oldingi sirt deformatsiyalari o'zgarishi tortdi. Tog' jinslarining sinishigacha bo'lgan deformatsiyalarni tadqiq qilishning nazariy va laboratoriya natijalari, ayniqsa, tog' jinslarining yorilishdan oldin ularning kengayishini kuzatish, ko'p hollarda sirt deformatsiyalari kuzatilishi mumkinligini ko'rsatadi [8], bu ba'zi zilzilalarda kuzatilishi mumkin bo'lgan sirt deformatsiyalari sinishdan oldin sodir bo'lishini ko'rsatadi. Bundan tashqari, zilzilalargacha bo'lgan geofizik anomaliyalarning ko'p sonli manbalariga ko'ra, er yuzasining gorizont va vertikal deformatsiyalari darakhchilarini qayd etish chastotasi bo'yicha eng katta ulushni egallaydi [9-11].

